

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ  
ИНСТИТУТИ

Гулчеҳра НАВРЎЗОВА,  
Нигора НУРМАТОВА

**ЮСУФ ҲАМАДОНИЙ –  
ЕТТИ ШИРНИНГ  
ТАБАРРУҚ УСТОЗИ**

Монография

Тошкент  
«MASHHUR-PRESS»  
2016

УЎК 821.512.133-1  
ББК. 84(5Ў)7  
С28

Наврўзова Г., Нурматова Н

**Ў28 Юсуф Ҳамадоний - Етти пирнинг табаррук устози: /Мант/  
Монография/ Г.Наврўзова, Н.Нурматова. - Тошкент "Mashhur  
Press" нашриёти, 2016. - 148 бет.**

**Тақризчилар:**

**Абера Хусейнова,**

*фалсафа фанлари доктори*

**Манзила Қурбонова,**

*тарих фанлари номзоди, доцент*

**Холида Раҳматова,**

*фалсафа фанлари номзоди*

Мазкур монографияда Бухорои шарифни дунёга танитган Етти пирлар, шунингдек, яссавия таълимотининг асосчиси Аҳмад Яссавийнинг улуғ ва мўътабар устози Юсуф Ҳамадоний (1048-1141) нинг ҳаёт йўли, маънавий мероси ҳамда тасаввуф тарихидаги хизматлари очиқ берилган. Монография тасаввуф соҳасида илмий изланишда бўлган тадқиқотчилар ва кенг ки тобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

*Монография Бухоро муҳандислик-технология институти Илмий кенгаишининг 2016 йил 27 январдаги 55-сонли қарори томонидан нашрга тавсия этилган.*

**ISBN 978-9943-4650-2-2**

©«Mashhur-Press», 2016

МУНДАРИЖА:

<b>КИРИШ</b> .....	<b>5</b>
<b>I БОБ. ЮСУФ ҲАМАДОНИЙ – МАЪНАВИЯТНИНГ ЁРҚИН ЮЛДУЗЛАРИДАН БИРИ</b> .....	<b>13</b>
1.1 ЮСУФ ҲАМАДОНИЙНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛИ.....	13
1.2 ЮСУФ ҲАМАДОНИЙНИНГ ИНСОН МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИДАГИ ЎРНИ..	30
1.3 ЮСУФ ҲАМАДОНИЙ – СОҲИБКАРОМАТ ВАЛИЙ.....	39
<b>II БОБ. ЮСУФ ҲАМАДОНИЙНИНГ БУНЁДКОР ҒОЯЛАРИ</b> .....	<b>45</b>
2.1 ТИРИКЛИК - ТИНЧЛИК ВА ХОТИРЖАМЛИКДИР .....	45
2.2 МЕЪЁР - ИНСОН ВА КОИНОТ МУНОСАБАТИНИНГ АСОСИДИР.....	61
2.3 ИНСОН КАМОЛОТИНИНГ ТЎРТ АСОСИ .....	68
2.4 ЮСУФ ҲАМАДОНИЙ ҲИКМАТЛАРИ.....	79
<b>III БОБ. ЮСУФ ҲАМАДОНИЙ АСОСЛАГАН ҲАЁТБАХШ РАШҲАЛАР</b> .....	<b>82</b>
3.1. ҲУШЁРЛИК ТАМОЙИЛИ ЁХУД “ҲУШ ДАР ДАМ” ХУСУСИДА.....	82
3.2 СОБИТҚАДАМЛИК САРИ – “НАЗАР БАР ҚАДАМ” .....	91
3.3 “САФАР ДАР ВАТАН” - ВАТАНПАРВАРЛИК ҒОЯСИ ТАЛҚИНИ .....	95
3.4 “ХИЛВАТ ДАР АНЖУМАН” – МЕҲНАТСЕВАРЛИККА РАҒБАТ .....	103
<b>ХУЛОСА</b> .....	<b>116</b>
<b>ИЛОВАЛАР:</b> .....	<b>122</b>
<b>ҒОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:</b> .....	<b>135</b>

## Кириш

**“Дунёда ҳеч нарса тасодифан пайдо бўлмайди. Ҳаммасининг илдири, томирида албатта қандайдир бир асос, замин бўлади. Ҳеч қачон бўм-бўш жойда улуғ зотлар пайдо бўлмайди. Агарки, қайсидир мамлакатда бир янги кашфиёт қилинибди, ноёб мутафаккир пайдо бўлибди, деб айтса, билиб қўйинглар, ўша ерда қадимий анъана, илмий мактаб бор. Илмининг, ижоднинг замини бор жой албатта вақти келиб улуғ олимларни етиштириб беради”**

**Ислом Каримов**

( Каримов И. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2015 й.,118-бет)

Етти пирлар – Хожаи Жаҳон –Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний, Моҳи Тобон – Хожа Ориф Ревгарий, Маҳмуд Анжир Фағнавий, Ҳазрат Азизон-Хожа Али Рометаний, Муҳаммад Бобои Самосий, Ҳазрат Амир Кулол ва Баҳоуддин Нақшбанд – Муҳаммад ибн Муҳаммад ал – Бухорийлар комил инсонлар тимсоли сифатида асрлар оша халқнинг эъзозига сазовор бўлган табаррук зотлардир. Муқаддас заминимизни улуғлаган Абу Али Ибн Сино, Абу Бакр Наршахий, Имом Бухорий, Имом Ҳожатбарор - Абу Ҳафс Кабир ал Бухорий, Шайх Абу Бакр Гулободийлар сингари алломалар, фикҳ, ҳадис илми уламолари, азиз-авлиёлар каби Етти пирлар ҳам Бухорои шариф номини оламга машҳур этган тасаввуф илмининг устозларидирлар. Бухоронинг биринчи пири бўлган Абдулхолиқ Ғиждувоний ўзининг куйидаги мисраларида бутун Марказий Осиё минтақасини дунёга машҳур этган Бухорога шундай таъриф беради:

Мулке, ки заминаш анбар сорост,  
На мамлакати Хусраву Кайхусраву, Дорост.  
Се бор бигаштам ман рӯи заминро,

Мулке ки Шариф асту, Латиф аст Бухорост.

Мазмуни:

Тупроғидан анбар хиди уфуриб турган мулк

Хусрав, Кайхусрав ва Доронинг мамлакати эмас.

Бутун ер юзини уч бор айланиб чиқдим,

Шариф ва Латиф бўлган мулк Бухородир.

Ўзидан илоҳий нурни тажалли этиб турган, “Фохира” номи билан улуғланган, илму такво кони бўлган, Аллоҳ назар этган шариф шаҳар Бухородек муборак ва муқаддас маконда бир қанча алломалар яшаб, ижод қилганликлари ва ўзларининг билимларини кейинги авлодларига ўргатганликлари боис бу азиз маскан нафақат дунёвий илм, балки тасаввуф илми маркази сифатида ҳам жуда машҳур бўлган. Тасаввуф илми нафақат тарихимизда балки бугунги кунда ҳам инсонни ўрганишга ёрдам берадиган таълимотлардан бири ҳисобланиб, шубҳасиз, маънавиятни юксалтиришга хизмат қилади.

“Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”<sup>1</sup>. Маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш зарур ҳисобланади. Маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар – маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлардир.

Ўзларининг бунёдкор ғоялари билан маънавий меросимизни бойитиб турган таълимотларнинг асосчилари: дунёда Хожаи Жаҳон номи билан машҳур тарихий шахс Абдулҳолиқ Ғиждувоний ва Пири Туркистон номига муяссар бўлган Аҳмад Яссавий каби улуғ зотлар Турон заминида тасодифан пайдо бўлмаганлар. Шубҳасиз, уларнинг ҳам камолотга эришувларида маълум заковатли ва мутафаккир инсонларнинг хизматлари беқиёс бўлган. Бухорои шарифда юксак маънавиятга эга бўлган зот - Юсуф Ҳамадоний

---

<sup>1</sup> Каримов И. Юксак маънавият- энгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008. 19-бет

(1048-1141) ўзининг ирфоний таълим мактабини ташкил этиб, толибларни тасаввуф илмидан баҳраманд этган. Маънавияти бой устознинг нур ва зиё масканида Абдулхолиқ Гиждувоний таълим олган ва Хожаи Жаҳон номи билан ўз илмини хожагон таълимоти пирларига, яъни Етти пирга етказган. Ушбу маърифат хазинасидан баҳра олиб, Бухородаги машҳур етти пир ҳам, жумладан, Баҳоуддин Нақшбанд ҳам камолот даражасига эришган. Шу боис Юсуф Ҳамадоний Бухородаги Етти пирнинг табаррук (буюк, улуғ) устози ҳисобланади.

Юсуф Ҳамадоний Ўрта Осиё худудида вужудга келиб, бутун жаҳонга машҳур бўлган **хожагон** таълимоти каби **яссавия** таълимотининг ҳам вужудга келишида ўзининг ғоялари билан дастлабки тамал тошини қўйган. Туркистонда ўз шогирдларининг севимли устозига айланган Аҳмад Яссавий ҳам айнан ушбу буюк устоздан таълим олгани боис камолот даражасига эришган. Абдулхолиқ Гиждувоний ва Аҳмад Яссавий Юсуф Ҳамадоний таълимотини ривожлантириб ўз мактабларини яратганлар. Бу таълимотлар асосида эса Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ҳам нақшбандия таълимотини яратди. Мазкур таълимотларнинг ғоялари ҳозирги кунда ҳам маънавий иммунитетни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Юсуф Ҳамадонийнинг номи тасаввуф оламида маълум ва машҳур ҳисобланади. Юсуф Ҳамадонийнинг ҳаёти ва фаолияти бугунги кунгача фалсафа тарихида етарли даражада ўрганилмаган. Бухорода Юсуф Ҳамадоний томонидан яратилган ирфоний мактаб тасаввуф оламидаги бугунги кунларга қадар жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлиб келаётган хожагон, яссавия ва нақшбандиянинг илдизи, томирига асос, замин бўлиб хизмат қилганлигини бир қанча манбалар асослайди.

Бухоро тарихининг Етти пирлар билан боғлиқ саҳифаларини мукамалроқ ўрганиш ва унинг янги қирраларини очиш мақсадида мазкур монографияни уларнинг устозлари саналмиш Хожа Юсуф Ҳамадонийга бағишладик ва бу илму маърифат хазинаси бўлган табаррук зотнинг ҳаёт йўли, маънавий мероси ва бунёдкор ғояларидан дуру маржонларни териб,

Сиз азиз китобхонларни ҳам ундан баҳраманд этишга жазм этдик. Умид қиламизки, бу эзгу ниятимизнинг оқибати хайрли бўлади.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб баркамол авлод тарбияси давлатимиз сиёсатида устувор йўналишлардан бири бўлиб келмоқда. Шу боисдан, ҳозирги кунда инсонни комиллик даражасига етказишга хизмат қиладиган таълимотларни ўрганиш давр талабидир. Ана шундай таълимотлардан бири сифатида Юсуф Ҳамадонийнинг ҳам бунёдкор ғояларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Чунки, Юсуф Ҳамадонийнинг ўзи комил инсон тимсоли бўлиб, унинг ҳаёт йўли бизга ибрат бўлса, у қолдирган таълимотдаги бунёдкор ғоялар комил инсон тарбиясида муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Жамият тараққиётида инсоф, диёнат, ор-номус, меҳр-муҳаббат, инсонпарварлик, ватанпарварлик, ўз-ўзини англаш, билимдонлик сингари чинакам инсоний фазилатлар одамларда ўз-ўзидан пайдо бўлмайди.

Баркамол шахсни шакллантириш вазифаси азал-азалдан халқимизнинг эзгу орзуси, маънавиятнинг узвий бир қисми бўлиб келган ва мутафаккирларимизнинг асарларида ўзининг теран ифодасини топган. Буюк аждодларимиз ўз илмий қарашларида инсоннинг комиллик даражасига етишишига, унинг хулқ-атворида юксак фазилатлар шаклланишига ундовчи ички туртки, маънавий интилиш, куч ва ғайрат, яъни мотив ва мотивация мавжуд бўлмас экан, юксак камолотга эришиш мумкин эмаслигини баён қилганлар.

Ўтмишда мамлакатимизнинг, умуман Шарқ маданиятининг, маънавиятининг нисбатан тез юксалишида ва жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлишида истеъдодли инсонларнинг, жумладан, олимлар, адабиёт, санъат, фан намоёндаларининг улкан ҳиссаси борлиги тўғрисида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Марказий Осиё фани ва маданиятини бутун дунёга танитган улуғ ватандошларимиз Абу Наср Форобий, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Ал Ҳаким Термизий, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Захириддин Муҳаммад

Бобурлар ҳам бетакрор инсоний заковат ва истъдод сохиблари бўлганликлари боис буюкликка эришганлар.

Буюк аждодларимиз орзу қилган эркин фуқаролик жамиятини маънавий баркамол, эзгу интилишлари, ҳаётий эътиқоди мустаҳкам бўлган инсонларгина бунёд эта олади. Зотан, улуғ мақсадларга етишиш, янги жамият, фаровон турмуш қуриш, инсон зотиға муносиб гўзал ҳаёт барпо этиш, энг аввало, шу жамият аъзолари бўлган комил инсонларға, келгуси баркамол авлодға боғлиқдир. Бу эса ўз навбатида ҳар томонлама етук, билимдон комил инсонни тарбиялашнинг асоси ҳам ҳисобланади.

Президентимиз Ислоом Каримов комил инсон тушунчасини қуйидагича таърифлайди: “Комил инсон деганда биз, аввало онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларға ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. У ҳар бир нарсани ақл, мантиқ тарозисига солиб кўради. Ўз фикр-ўйи, хулосасини мантиқ асосида қурган киши етук бўлади”<sup>2</sup>.

Комил инсон ҳақида тасаввуфий адабиётда ҳам жуда кўп асарлар битилган. Масалан, XIII асрда яшаган Азизиддин Насафий “Инсони комил” номли рисоласида комил инсонға таъриф бериб, шундай ёзади: “Билгилки, комил инсон деб шарият ва тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамға айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайин: билгилки, комил инсон шундай инсондирким, унда қуйидаги тўрт нарса камолатға етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф”<sup>3</sup>. Бу сифатлар билан зийнатланган одам ёлғон, риё ва бадкирдорликдан чекинади, ҳамма вақт эзгу ният билан яшаб, эзгу ишларға тайёр туради.

Комилликнинг белгиси ҳақ йўлидан бориб, халққа фойда келтиришдир. Киши ўз нияти, сўзи, амалий ишлари билан қанчалик одамларға фойда келтирса, ёмонларни тўғри йўлга солса, ҳақ йўлида фидо бўлса, у шунча комилликка эришади. Комил инсон одамзот орзу қилган жамики эзгу

<sup>2</sup>Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: Ўзбекистон. 1998. 6-Б.

<sup>3</sup>Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. Биринчи китоб. Т.: Ёзувчи, 1996. 147-бет.

хислатларнинг ифодачиси ҳисобланади. Юсуф Ҳамадоний асарларидаги эзгу ғоялар комил инсон сифатлари, хусусиятлари ва уни шакллантириш йўллари кўрсатади.

Мазкур монографияда Юсуф Ҳамадонийнинг ҳаёти ва фаолияти кўйидаги манбаларга таянган ҳолда ёритишга ҳаракат қилинди. Абдурахмон Жомийнинг “Нафохатул-унс мин ҳазарот ул-қудс”, Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” ва Ас-Сафий Фахр ад-дин Али ал-Кошифийнинг “Рашаҳот айн ул-хаёт” асарларидаги Юсуф Ҳамадоний ҳақидаги маълумотлар қиёсий таҳлил этилди.

Мустақиллик даврида Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг “Мақомоти Юсуф Ҳамадоний”, “Рисолаи шайх-уш-шуюх ҳазрати Абу Юсуф Ҳамадоний”, “Рисолаи соҳибия”, “Рисолаи фуқароия” номли асарлари форсий тилдан ўзбек тилига ўгирилиб чоп қилинганлиги муҳим воқеа бўлди. Муаллифлар томонидан мазкур манбалардаги Юсуф Ҳамадонийнинг ҳаёт йўли, турмуш тарзи, ўғитлари ҳақидаги маълумотлар солиштирма таҳлил қилинди ва эришилган хулосалар илмий муомалага киритилди. Шунингдек, мустақиллик йилларида Юсуф Ҳамадоний қаламига мансуб бўлган “Инсон ва коинот ҳақида рисола”, “Рутбат ул-хаёт (Ҳаёт мезони)”, “Одоби тариқат (Тариқат одоби)” асарлари ўзбек тилига ўгирилиб чоп қилинди. Ушбу асарлар асосида мазкур монографияда муаллифлар томонидан Юсуф Ҳамадонийнинг тасаввуфий таълимоти моҳиятини очиқ беришга ҳаракат қилинди.

Юсуф Ҳамадонийнинг мўъжазгина, аммо аҳамияти жиҳатидан бир неча жилд китоб қимматига тенг келадиган “Одоби тариқат” асарида инсон камолоти учун зарур бўлган тўрт асос – нафс риёзиёти, луқма ва хирқанинг ҳалоллиги, мужоҳада ва зикрнинг аҳамияти хусусида пурмаъно ҳикматлар ўз аксини топган.

Ҳозирги вақтда экологик инқироз инсоният олдида турган глобал муаммолардан бири ҳисобланади. Мазкур муаммони ҳал этиш йўлларида бири инсонларнинг экологик маданиятини юксалтиришдир. Бу борада

аждодларимизнинг мазкур соҳага оид маънавий меросини ўрганиш айти муддаодир. Юсуф Ҳамадонийнинг “Инсон ва коинот ҳақида рисола” номли асари бу борада муҳим аҳамиятга эга манба ҳисобланади. Мазкур асарда табиатнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда инсон ва коинот ўртасидаги муносабатда меъёрга амал қилиш, ўлчов доирасида ҳаракат қилиш, мувозанатни сақлаш масалалари ёритиб берилган. Шунингдек, унда бутун коинот Ҳазрати инсонга хизмат қилиши учун яратилгани ва инсон буни англаган ҳолда ундан ўзининг эҳтиёжлари даражасидагина фойдаланишга ўрганмоғи лозимлиги асослаб берилган.

Тинчликни асраш ҳозирги кунда инсониятнинг диққат марказида турган умумбашарий муаммолардан бири бўлиб, унинг ечими инсонлар ўртасидаги муносабатнинг муросайи мадора асосида қурилишига ниҳоятда боғлиқдир. Юсуф Ҳамадонийнинг “Рутбат ул-ҳаёт (Ҳаёт мезони)” асари Ер юзида уруш ўчоқларига барҳам бериш, тинчликни қарор топтириш ва уни асраш муаммосини ҳал қилишга ёрдам берадиган қимматли асарлардан биридир. Юсуф Ҳамадонийнинг “Рутбат ул-ҳаёт (Ҳаёт мезони)” асарида “Тирик инсон ким?” ва “Тириклик нима?” деган саволлар қўйилиб, муаллиф томонидан шундай жавоб берилади: “Тирик – бу тинч, осуда кишидир. Тириклик эса тинчлик, хотиржамликдир”. Рисолада инсон тинч - хотиржам яшаши учун нималар талаб қилиниши фалсафий мушоҳада асосида очиб берилган.

Ҳозирги кун фалсафасининг энг муҳим муаммоларидан бири бўлган инсон, унинг ҳаётининг мазмуни ва камолоти масаласи бўлиб, Юсуф Ҳамадонийнинг “Рутбат ул-ҳаёт (Ҳаёт мезони)” асарида ҳам мазкур масалага оид қимматли ўғитлар ўз аксини топган. Аллома “Рутбат ул-ҳаёт (Ҳаёт мезони)” асарида инсон энг муқаррам зот эканлиги, унда ҳайвоний ва инсоний жиҳатлар мавжудлиги, инсон ўз нафсини жиловлай олиши, ҳалол ва ҳаром, моддийлик ва руҳият, дунё ва охират, тубанлик ва юксаклик масалаларига эътибор бериши лозимлигини уқтиради. Юсуф Ҳамадоний мазкур асарида инсон ҳаётини уч босқичга бўлади: ислом, иймон ва эҳсон

билан яшаш. Алломанинг фикрича, ана шу босқичларда инсон танаси, қалби ва руҳияти камол топади. Инсон эҳсон мақомида баркамоллик даражасига етади ва ўзлигини англайди.

2003 йилда Бухоро шаҳрида “Хўжаи Жаҳон тасвувий таълимоти: ворисийлик ва маънавий тараққиёт” мавзусида ўтказилган республика анжумани материалларидан ҳам мазкур монография мавзусини ёритишда фойдаланилди.

Монографияда Юсуф Ҳамадонийнинг ҳаёт йўли, маънавий мероси ва унинг тасаввуф тарихидаги ўрнини манбалар асосида очиб беришга ҳаракат қилинди. Умид қиламизки, бу монография тасаввуф тарихидаги ҳали мукамал ёритилмаган мазкур соҳани ўрганишга ёрдам беради.

# I БОБ. ЮСУФ ҲАМАДОНИЙ – МАЪНАВИЯТНИНГ ЁРҚИН ЮЛДУЗЛАРИДАН БИРИ

## 1.1 Юсуф Ҳамадонийнинг ҳаёт йўли

Юсуф Ҳамадоний ўз маҳобатли мавқеига эга бўлган машҳур тарихий шахс сифатида тасаввуф оламида юксак ном қозонган. Юсуф Ҳамадоний Эроннинг Ҳамадон шаҳрига тегишли Ғанимия маҳалласида ҳижрий 440 - милодий 1048 йилда туғилган. “Шайхимиз душанба куни сафар ойининг иккинчи кунида таваллуд топганлар”, деб маълумот беради Абдулҳолик Ғиждувоний.<sup>4</sup> У ҳижрий 535 - милодий 1141 йилда вафот этган. Унинг қабри Марвда Султон Санжар зиёратгоҳига яқин жойлашган. Тасаввуф аҳли Юсуф Ҳамадоний мақбарасини “Қаъбаи Хуросон” деб улуғлайдилар.

Юсуф Ҳамадоний ўз замонасида Шайхуш шуюх - шайхларнинг шайхи, олими Раббоний-илоҳий илмлар олими, қутби аср- ўз асрини ҳимоя этувчи, соҳибқаромат авлиё – қароматлари билан машҳур бўлган валий, юксак мақомат соҳиби – руҳий қамолотга етган ориф, пири муршид – иршод, яъни бошқаларга илм бериш ҳуқуқи даражасига юксала оладиган шахсни тарбияловчи пир, алломаи замон – ўз замонининг олими номларига сазовор бўлган. У зотнинг тўлиқ исми Абу Яъқуб Юсуф ибн Айюб Ҳамадонийдир. Алишер Навоий у кишига шундай таъриф берган: “Имом, орифи раббоний, гўзал ҳоллари, кўп эҳсонлари, юксак қаромат ва мақомлари бор”.<sup>5</sup>

Юсуф Ҳамадонийнинг ҳаёт йўли кўрсатадики, у илм олишга жуда қатъий бўлиб, умр бўйи илм талабида бўлган. Юсуф Ҳамадоний ўн саккиз ёшларида Ҳамадондан Бағдодга келади ва Мавлоно Абу Исҳоқ ҳазратларидан фикҳ, ҳадис, тафсир каби илмлардан дарс олади. “Илми

<sup>4</sup>Хожа Абдулҳолик Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Т., “Янги аср авлоди”. 2003 й., 16-бет.

<sup>5</sup>Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Муқаммал асарлар тўплами., 17 том, Т., “Фан”-2001 й., 252-бет.

назарда даражаи камолга етишадилар”<sup>6</sup> Шунинг учун бўлса керак “Назар бар кадам” рашха – ҳаётбахш ўғитини ўз таълимоти асоси сифатида киритган. Юсуф Ҳамадоний форс тили билан бирга араб тилини ҳам мукамал ўрганган.<sup>7</sup> Юсуф Ҳамадоний Бағдодда бўлган вақтида тасаввуф тарихида Ғавсул Аъзам, Пири Дастгир номлари билан машҳур бўлган, кодирия таълимотининг асосчиси Абдулқодир Жийлонийнинг суҳбатларида бўлган. Абдулқодир Жийлоний ўзига нисбатан ёш бўла туриб, тасаввуф илмида юқорироқ даражага эришганлиги боис Юсуф Ҳамадоний унинг илмидан баҳраманд бўлишни шараф деб билган. Абдулқодир Жийлонийнинг тавсиялари билан ўзи ҳам ваъзу иршод ишларини бошлайди.

Юсуф Ҳамадоний илм олиш мақсадида Исфаҳонга ва Бухорога келиб, илм олади. Ироқ, Хоразм ва Мовароуннаҳрда соҳиби қабул бўлиб, бир неча муддат Кўҳизарда яшайди.<sup>8</sup> Шундан кейин, тасаввуф илми алломаси иршод ишларини кўпайтирди. Абу Али Фармадийнинг хизматларига етишди. “Шайх Абдуллоҳ Жувайнийдан ҳирқа (дарвешлар кийими) кийдилар ва тасаввуфда интисобларини (яъни насабларини) шайх Абдуллоҳ Жувайний ва шайх Ҳасан Самосий ҳамда шайх Абу Али Фармадийга қилур эрдилар”<sup>9</sup> Юсуф Ҳамадоний эгаллаган илмларидан бошқаларни баҳраманд қилиш учун Исфаҳон, Ироқ, Хуросон ва Бухорода бўлади. Марв вилоятида яшаб Ҳиротга келади ва Марв билан Ҳирот ўртасида бир неча марта қатнаб илм тарқатиш билан шуғулланади.

Садриддин Салим Бухорий ва Самад Азимовлар муаллифлигида 2006 йил "Бухоро" нашриётида чоп этилган “Буюк Ғиждувонийлар” (Авлиё ва алломалар) номли китобда келтирилган маълумотга кўра Юсуф

---

<sup>6</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаҳот:(Оби ҳаёт томчилари): Тарихий-маърифий асар. Табдил ва сўнгсўз муаллифи: М. Ҳасаний.-Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашр., 2003. 12-бет.

<sup>7</sup> Ҳасаний М., Раззокова М. Хожагон тариқати ва Хожа Ҳасан Андокий.Т.: 2003 й., 9- бет.

<sup>8</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаҳот: (Оби ҳаёт томчилари): Тарихий-маърифий асар. Табдил ва сўнгсўз муаллифи: М. Ҳасаний.-Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашр., 2003. 12-бет.

<sup>9</sup>Ўша ерда.

Ҳамадонийнинг насаблари Имом Аъзам Ҳазратларига (699 — 767) бориб тақалади.

Абдулҳолик Ғиждувоний “Мақомоти Юсуф Ҳамадоний” китобида пири муршидлари Юсуф Ҳамадонийнинг сурат ва сийратларини баён қилган. Тўғри, бу асарда Ғиждувоний таржимаи ҳолларига тегишли воқеалар, шунингдек, Юсуф Ҳамадонийнинг муридлари (шогирдлари) ҳақида ҳам маълумотлар бор. Лекин ушбу китобни ёзишдан асосий мақсад Ҳазрат Юсуф Ҳамадонийнинг одоб-ахлоқлари, кароматлари, ҳикматлари, ул зоти шарифнинг тарих олдида қилган улўғ хизматларидан элни воқиф этмок ҳисобланган.

“Мақомоти Юсуф Ҳамадоний” да Ҳазрат Абдулҳолик ўз устозларини кадам бакадам кузатиб, ҳар бир қиладиган ишлари, ҳар бир айтган сўзларини баён қилган. Шунини таъкидлаш жоизки, Ҳазрат Юсуф Ҳамадоний Бухоро, Самарқанд, Марв (Мори), Хоразм, Бағдод, Макка, Мадина ва бошқа шаҳарларда бўлиб, у ерларда илм олган. Ҳазрат икки юз ўн учта буюк аллома, шайхлар билан ҳамсуҳбат бўлгани манбаларда қайд қилинган. Қуръони Каримни минг марта хатм этган, тафсир, ҳадис, фикҳ, усул, фуруъ ва каломга оид 700 та китобни ёд олган. Ул зоти шарифнинг етти юздан ортиқ шогирдлари авлиёлик даражасига етган.

“Мақомоти Юсуф Ҳамадоний” да Ҳазрат Ҳамадонийнинг насабномаси ҳам берилгандир: Абу Юсуф ибн Яъқуб ибн Абдулвоҳид ибн Абдулвосит ибн Козим ибн Боқир ибн Муҳаммад ибн Исмоил ибн Абуҳанифа ибн Нўъмон ибн Собит ибн Марнон ибн Ринд ибн Хурмуз ибн Парвиз ибн Дороб ибн Кисро ибн Дарнуш ибн Аскиюш ибн Нудор ибн Манучеҳр ибн Эраж ибн Фаридун ибн Ҳасм ибн Жамшид ибн Базд ибн Таҳмос ибн Ҳушанг ибн Шерхан ибн Хасб ибн Шом ибн Аҳнавис ибн Таҳмурс ибн Яъқуб ибн Кайумарс ибн Шис ибн Одам салавотуллоҳу алайҳ. Юсуф Ҳамадоний буюк аллома шайх Абу Исҳоқ Шерозийдан фикҳ илмини ўргандилар. Ҳазрат ҳадис, тафсир илмларида, шунингдек, назар илмида ўз замонасининг пешқадами бўлдилар.

Абдурахмон Жомийнинг “Нафохатул унс” китобида ёзилишича, Юсуф Ҳамадонийнинг тариқатдаги пири Ҳазрат Абу Али Формадий (1004—1084) дир. Ҳазрат Формадийнинг устозлари Ҳазрат Харақоний (954—1034), ул зоти шарифнинг пири эса Боязид Бастомий (801—875) (кўриниб турибдики, Харақоний увайсий бўлиб, ул зот Боязид Бастомийни кўрмаган, балки Боязиднинг руҳиятидан тарбия олган). Боязиднинг устози Ҳазрат имом Жаъфари Содик (770 — 765) эди. (Боязид ҳам увайсий бўлган). Жаъфари Содикнинг устози Қосим ибн Муҳаммад (634 й. ваф.), бу зот Ҳазрат Солмони Форсийдан (655 й. ваф.), бу зот Ҳазрат Абу Бакр Сиддикдан (562 — 634), бу зот Ҳазрати Сарвари Коинот Муҳаммад (с.а.в.)дан (570—632) таълим олганлар. Ана шундай маълумотлар бошқа бир манба - Ҳофиз Таниш ал-Бухорий “Абдуллонома” (“Шарафномаи шоҳий”)да ҳам келтирилган, аммо шуни қайд этиш лозимки, айрим шахсларнинг номлари юқоридаги манбадагига нисбатан бир оз бошқача берилган. Масалан, Ҳазрат Формадий “Шайх Абу Али Фаромадий”, Ҳазрат Харақоний “Ҳазрат Хирқоний”, Боязид Бастомий“, “шайх Абу Язид Бистомий” ёки “Боязид Бистомий” шаклида берилган.<sup>10</sup>

Абдулхолиқ Гиждувонийнинг “Мақомоти Юсуф Ҳамадоний” асарида ёзилишича, Хожа Али Формадийнинг тўртта энг етук халифа (ўринбосар) лари бўлган; 1.Хожа Абдулло Мунир Амиқий, 2. Хожа Исҳоқ Фахр Насрободий, 3. Хожа Ҳамидиддин Мултоний, 4. Хожа Юсуф Ҳамадоний. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Хожа Али Формадийдан Ҳазрат Имом Муҳаммад Ғаззолий, Аҳмад Ғаззолий, Юнус Сажовандий, Сайид Аҳмад Бедистоний, Хожа Солмон Фарёбийлар ҳам таълим олиб, улуғ мақомларга эришганлар.

Абдулхолиқ Гиждувонийнинг “Мақомоти Юсуф Ҳамадоний” асарида ёзилганки, “Бир кун Ҳазрат Юсуф Ҳамадоний менга қараб дедилар: “Мен Хожаи Калон (яъни Формадий) нинг тўртинчи халифалари бўлганим каби,

---

<sup>10</sup>Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдуллонома (“Шарафномаи шоҳий”).Биринчи китоб; -Т.: “Шарк”, 1999, 79-бет

сиз ҳам менинг тўртинчи халифам.” Шундан сўнг кўзлари ёшга тўлди. Мен сўрадим: “Сизнинг ўрнингизда ким халифа бўлмай?!” Шайх дедилар: “Эй, Абдулхолик, ўрнимда Абдулло Барқий бўлиб, сўнг Хожа Ҳасан Андоқий ва кейин Хожа Аҳмад Яссавий бўлар. Хожа Аҳмад Яссавий Туркистонга сафар этмай, унинг ўрнида сиз халифа бўлмайсиз. Ҳамма вақт шариат ҳукмларига амал айланг ва ҳеч қачон шариатга зид ишни этманг ва кимники шариатга зид иш этаётганини кўрсангиз, ани ман айланг!”<sup>11</sup>

Абдулхолик Ғиждувонийнинг таъкидлашича, ҳазрат Юсуф Ҳамадоний ўттиз икки марта яёв ҳолда ҳаж қилган. Манбалар кўрсатадики, у киши жуда кўп яёв юриб, сафар қилган. Бизнинг фикримизча, бу сафарлар алломанинг камолотига ёрдам берган. Шунинг учун бўлса керак, мутасаввуф олим ўз таълимоти асосига “Сафар дар ватан” рашҳасини киритган. Юсуф Ҳамадоний аксарият вақт кундуз кунлари рўза, кечалари эса бедор - ибодатда эди. Юсуф Ҳамадоний шарофатидан саккиз юзта бутпараст ислом динини қабул этган. Жуда ҳам кўп кишилар Ҳақ йўлини топганлар.

Манбалар гувоҳлик беришича, Юсуф Ҳамадоний табобат илмидан ҳам хабардор бўлган. “Кўз оғриғи ва яралар учун дори-ю малҳам тайёрлар, бадан ҳарорати учун суюқ дори берарди”.<sup>12</sup> “Табобат илми билан алоқадор нарсаларни сўзларди”.<sup>13</sup>

Манбаларда Юсуф Ҳамадонийнинг ҳарбий ишларга қатнашганлиги ва юксак ватанпарварлик хусусиятлари ҳақида ёзиб қолдирилган. Аллома яшаган даврда Мовароуннаҳрга Чата ва Тўқмоқ лашкарлари бостириб келганда уларга қарши маҳаллий аҳоли билан жангларда иштирок қилиб, Ватан ҳимояси учун отланган.<sup>14</sup> Абдулхолик Ғиждувоний ёзадики, шайхимиз юзини Ҳамадон тарафига буриб, кўп йиғларди. Бу ҳолат алломанинг ўз Ватанини ниҳоятда севганлигидан дарак беради.

---

<sup>11</sup>Хожа Абдулхолик Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Т., “Янги аср авлоди”. 2003 йил, 14-бет

<sup>12</sup>Хожа Абдулхолик Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Т., “Янги аср авлоди”. 2003 йил, 18-бет.

<sup>13</sup>Ўша жойда, 20-бет.

<sup>14</sup>Ўша жойда, 18-бет.

Юсуф Ҳамадонийнинг турмуш тарзи шундан далолат берадики, аллома жуда хушмуомалали киши бўлиб, юксак камолотга етган инсон сифатида халқнинг самимий ҳурмати ва эъзозига лойиқ бўлган. Ҳазрат Ҳамадоний қалби эгри, фосиқ, такаббур, маккор, золим, халққа озор берувчи, порахўр, бидъат билан шуғулланувчи, мазҳаби бузук, харомхўр, ноҳақ қон тўқувчи, бенамоз, риёкорларга танбеҳ берар ва тавба этиб, ушбу иллатларни тарк қилишларини амр қиларди. Агар улар бу иллатларни тарк этмаса, ундайлар билан ҳамсухбат бўлмас эди. Ҳазрат умрида ҳеч кимни ҳақорат қилмаган, ҳатто тилига “лаънати”, “бадбахт”, “ит” деган ҳақорат сўзларни умуман олмаганди. Ҳамадонийнинг одоб-ахлоқи, қиладиган ишлари суннатга мувофиқ бўлиб, Ҳазрат пайғамбар с.а.в.га издош, пайрав эди.

Юсуф Ҳамадоний жуда пок, ҳалол ва меҳнаткаш инсон эди. Ул зоти шариф деҳқончилик ва қосиблик (этиқдўзлик, ямоқчилик) ҳунарлари орқали ризқ - рўзини топарди. Ҳалол касбдан топган маошларини бева - бечора, етим - есир, кўзи ожиз, мусофир, камбағал, толиби илмларга эҳсон қиларди. Беморлар ҳолидан тез - тез хабар олар, уларга меҳрибонлик кўрсатарди. Доимо ўзи билан жойнамоз, мисвок, атир, тоза қўл рўмолча, шунингдек, кулча, майиз, хурмо ҳам олиб юрар ва ҳамсухбатларига улашарди. Юсуф Ҳамадоний “умрларида бирон марта тиланчилик қилмаган, муридларини ҳам бундан қайтарар эди”.<sup>15</sup> Таом ейишда ҳалол ва покликка эътибор берарди. “Бозорда пиширилган овқатдан емасди”.<sup>16</sup> Бировнинг насибасига ва луқмасига кўз олайтирмас, тўсқинлик қилмас эди. Мулойим сўзлар, юраётганда оҳиста қадам ташлар эди. Ҳалол еб, ҳалол меҳнат қилувчиларни дўст тутарди. Халқ орасида ҳалолдан кийишга ва ҳалол меҳнат билан кун кечириш лозимлигини ташвиқ этарди. Ҳар оқшом ўтган кунининг ҳисоб-китобини қиларди, ризқ ғамини емасди.

Юсуф Ҳамадоний бировга озор бермасди. Юсуф Ҳамадоний таомларини ўзи пиширар, кирларини ўзи ювар, кийимларини ўзи ямарди.

---

<sup>15</sup>Ўша жойда, 17-бет.

<sup>16</sup>Ўша жойда, 18-бет

Ямоқли кийимни — яхши кўрарди. Шунини таъкидлаш жоизки, ўша асру айёмда зарбоф тўнлар киймоқ, заррин камарлар боғламоқ бойлар, дарбор аҳли, зодагонларга расм бўлган эди. Мусулмонлар ботинни эмас, балки зоҳирни безай бошладилар. Ҳазрати пирнинг оддий кийим, ҳатто ямоқли кийим кийиши зоҳирпарастларга танбеҳ бўлган. Ямоқли кийим - кибру манманлик кушандаси, камтарлик белгиси. Бу-нафсини ўлдирган, нафсини хору зор қилган кишилар либоси. Бу-ички дунёсини зийнатлаган аҳли тақво, аҳлуллоҳларнинг либоси. Ҳазрат от минмас, зарурат бўлганда эшакка миниб сафар қиларди.

Халқ мақолларида айтилишича, “Яхшиликка яхшилик ҳар ким иши, ёмонликка яхшилик марднинг иши”. Юсуф Ҳамадоний айнан ана шундай мард инсон бўлган. У “кимдан жафо ва азият кўрган бўлса, унга яхшилик билан жавоб қайтарарди”.<sup>17</sup> Машҳур аллома барчани кўп дуо қилар, суҳбатдошларига ҳам кўп-кўп дуо қилишни маслаҳат берарди. Бирор кишига ваъда берган бўлса, албатта сўзининг устидан чиқар эди. Мусулмонларга кўли ва тили билан зиён етказмасликка ҳаракат қиларди. Муҳтожларга ёрдам берарди.

Юсуф Ҳамадоний жуда камтарин инсон бўлиб, суҳбатларда, давраларда олимлигини, авлиёлигини асло ошкор этмасди. Суҳбатдошларидан ўзларини баланд тутмас, ҳеч кимни таҳқирламас, мазах қилмас, кимни кўрса, унга "Ҳожа!" деб мурожаат қиларди. Умрида бирор маротаба ҳам оёқларини узатиб ўтирмаган. Ҳеч нарсани ва ҳеч кимни камситмас эди. “Гапираётганда мен демасди. Агар эҳтиёж бўлса “бечора” дерди. Ҳеч кимни қарғамас, учраган мўминга салом берар эди, ҳар бир кириб келган киши учун оёққа турарди”.<sup>18</sup> Ҳеч кимга ҳасад қилмасди. Номаҳрам хотин-қизларга, инчунин, болаларга асло тикилиб қарамасди.

Манбалар таҳлили шунини кўрсатадики, Юсуф Ҳамадоний ўз нафсини жиловлаб олган инсон тимсоли эди. Кимдан бир яхшилик кўрса, уни бир

---

<sup>17</sup>Ҳожа Абдуллоҳик Гиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Т., “Янги аср авлоди”. 2003 йил, 18-бет

<sup>18</sup>Ўша жойда, 20-бет.

неча баравар қилиб қайтарар эди. “Кўнгилдан севувчи ва севиловчи сидку сафо аҳлига мансуб бир инсон эди. Ихлосли, ҳалим ва саховатли зот эди. Аллоҳга доим шукр қилар, асло шикоят этмасди. Ҳақ қисматига рози, ҳар лаҳза ўлимга тайёр эди. Омонатга хиёнат этмас, қариндош уруғларни тез-тез зиёрат қиларди. Қўни-қўшничилик ҳаққига риоя қиларди. Йўлларни йўловчиларга азият етказувчи нарсалардан тозалаб юрарди”.<sup>19</sup> Шогирдларига нафси танишга ва кўнгилга келадиган тушунча (хавотир)ларни билишга ҳаракат қилинг, деб ўғит берарди. Тасаввуфда ҳақиқий сўфийларни нафси ўлик кишилар деб, улуғлаганлар. Юсуф Ҳамадоний ҳам шундай улуғвор инсон бўлиб, у кишининг турмуш тарзида ҳам буни кўриш мумкин бўлган. Масалан, қиш кечалари ёстиқ ишлатар, ёзда эса буйра устида суяниб ётарди. Ўз замонасида бу ҳам камтаринлик белгиси бўлган. Касалларни бориб кўрар, муҳтожларга қарз берар, лекин уни қайтиб олмас эди. Бирор нарса ёки бирор кишини лаънатламас эди. Шогирдларига ғийбат қилишдан ва кўп сўзлашдан сақланишни маслаҳат берарди.

Юсуф Ҳамадонийнинг либослари жундан бўлиб, малла ранг эди. Оз нарса тановул қилар, кўпинча арпа нон ва сирка истеъмол этарди. Қирқ кунда бир бор товук гўшти, баъзан-баъзан туя ва қўй гўшти тановул этарди. Етмиш беш йил мужаррад (бўйдоқ) яшади ва кейин уйланди. Кўп рўза тутгани ва риёзат чеккани боис қомати эгик эди. Аллома ширинзабон эди ва доимо табассум билан гапирарди.

Аллома ҳамиша хуфия зикр ила машғул эди. Шогирдлари жуда ҳам бисёр бўлган. Юсуф Ҳамадоний ҳазрат Солмони Форсийдан қолган ҳасса, шунингдек, ҳазрат Ҳарақонийдан қолган тасбеҳни ғоят эъзозлаб сақларди. Ҳазрат шаҳар ва қишлоқларга борар, турк, араб, миллатига мансуб кишилар билан, шунингдек, хоҳ қул бўлсин, хоҳ бой бўлсин ҳамма билан бирдай суҳбатлашар, ҳаммага панду насиҳат этарди. Ислоннинг моҳияти, Ҳазрат Расули Акрам с.а.в. ҳаётлари, инчунин, саҳобаларининг одобларидан гапириб берарди. Юсуф Ҳамадоний ўз суҳбатларида машойихларнинг ҳикматли

---

<sup>19</sup>Ўша жойда, 21-бет.

сўзларини ҳам кўп ишлатар эди. У кишининг ҳимматлари олий эди. Юсуф Ҳамадоний Ҳирот билан Марвнинг орасида бориб келиб турар ва ваъзу насихатда давом этар эдилар.

У кишидан илм олиб камолотга эришган шахслардан бештаси буюк шайх ва тариқат намояндалари бўлиб етишганлар. Булар: Хожа Убайдуллох Барқий, Хожа Ҳасан Андоқий, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Абдулхолик Ғиждувоний ва Хожа Ҳаким Санобийлар. Ҳазрати Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг бош халифаси Муҳаммад Порсо «Фаслул -хитоб» номли китобида Юсуф Ҳамадонийнинг ҳар бири бир китобга тенг келадиган ҳикматли сўзларидан бир қисмини тўплаган.

Ҳазрат Юсуф Ҳамадонийнинг вафоти муҳаррам ойининг 28 куни пайшанбада воқеъ бўлди. “Рашаҳот”да Юсуф Ҳамадоний Ҳиротдан Марвга бораётганида йўлда, баъзи манбаларда, Афғонистоннинг Бомиён шаҳрида вафот этгани ёзилган.<sup>20</sup> Юсуф Ҳамадоний дастлаб, ўша вафот этган жойга дафн этилган. Кейин Ибн Нажжор исмли шогирди “жасади муборакларини” Марвга келтирган ва “қабри мубораклари ўша ерда турур”.<sup>21</sup> ( Марвдаги зиёратгоҳи расми илова қилинади).

Юсуф Ҳамадонийнинг вафот қилаётган ҳолатлари “Мақомот”да батафсил ёритилган. Пешин намозини адо қилгандан сўнг, меҳробга орқаларини ўгириб ўтирдилар ва асҳобга қараб дедилар: “Сувни иситинглар! Биз ўрнимизга Хожа Абдулло Барқийни тайинладик ва барчангиз унга эргашингиз, асло муҳолифат қилманг. Зикри дил ила машғул бўлинг, жаҳрия (баланд товуш билан) зикр этманг”. Сўнг Аҳмад Яссавийга қараб дедилар: “Фотир”, “Ёсин”, “Ваннозиот” сураларини тиловат қилинг!” Қироат тугагандан сўнг ўтирганлар орасида йиғи товуш, фарёд кўтарилди. Кейин Юсуф Ҳамадоний дедилар: “ Аллоҳ таолонинг шундай бандалари борки, улар қандай жон таслим этишларини Оллоҳдан бошқа зот билмас.

Байт:

<sup>20</sup> Ориф Усмон. Хожа Абдулхолик Ғиждувоний. Т.: Мовароуннаҳр, 2003. 40-бет

<sup>21</sup>“Рашаҳот”, 12-бет.

Дар кўйи Ту ошикон чунон жон бидиханд,  
Ки он жо Малакулмавт нағунжат ҳаргиз.

Таржимаси:

Ошиқлар Сенинг ишқингда шундай жон нисор этгайларким,  
Малакулмавт (Жон олувчи фаришта - Азроил) андин қолгай беҳабар.

Сўнг Ҳазрат Ҳамадоний васият қилиб дедилар: “Қизимни Саййид Шарафиддиннинг ўғлига никоҳлаб беринглар. Мени Абдуллоҳ Барқий ювсин, Ҳасан Андоқий қабримни қазиб, унга мени қўйсин”. Шу асно Ҳазрати Хизр, Илёс ва Ғавс, Қутб, Абдоллар кириб келдилар. Ҳазрати пир билан бир - бир видолашдилар. Хожаи Хизр Юсуф Ҳамадонийга битта оқ олмани узатдилар. Юсуф Ҳамадоний олмани исқаб, Ғавсга узатдилар. Ғавс ҳам уни исқади. Сўнг дедилар “Эй дўстлар намозни асло тарк айламанг ва халққа ҳамиша мушфику меҳрубон бўлинг, Ғавсни менинг ёнимга дафн қилинг!” Шундан сўнг Ҳазрат Юсуф Ҳамадоний бу фоний дунёни тарк айлади.<sup>22</sup>

Юсуф Ҳамадонийнинг Бухорога келишига доир маълумотлар манбаларда турли хилда берилганлиги мазкур масалага алоҳида тўхталишни тақозо қилади. Абдулхолик Гиждувонийнинг “Мақомоти Юсуф Ҳамадоний” асарида “Шайхнинг Самарқандга келиш сабаби” деб номланган қисмида Юсуф Ҳамадоний Самарқандга Ҳамадондан келганлиги ёзилган. Аллома Самарқандда Ғатфар туманининг Хушвуруд маҳалласида яшаганлиги ва шу ерга Андоқий, Яссавий, Барқийлар келиб ундан таълим олганлиги ҳақида маълумот берилган.<sup>23</sup> Аммо Абдурахмон Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс”, Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат”, Фахриддин ас-Сафийнинг “Рашаҳот айн ул-ҳаёт” асарларида Юсуф Ҳамадонийнинг тасаввуф таълимоти мактаби Бухорода қарор топганлиги айтилади. Юсуф Ҳамадонийнинг биринчи шогирди Хожа Абдуллоҳ Барқий ҳақида шундай ёзилади: “Хожа Юсуф Ҳамадоний Бухорога келганда, Барқий у билан

<sup>22</sup> Қаранг: Хожа Абдулхолик Гиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Т., “Янги аср авлоди”. 2003 йил, 28-30-бетлар

<sup>23</sup>Қаранг : Ўша жой, 26-28 бетлар.

учрашади ва унга мурид бўлади”.<sup>24</sup> Барқийнинг қабри ҳам Бухоро шаҳрида жойлашган. Андоқий ҳақида ҳам “Рашаҳот” да шундай маълумот ёзилган: “Ёшлигидан илм олишга қизиққан Андоқий Бухородаги мадрасада ўқишни давом эттиради. Ўша вақтда Бухорога Юсуф Ҳамадоний келади. Андоқий шайх ҳузурига келиб, унга мурид бўлади”.<sup>25</sup> Андоқийнинг ҳам қабри Бухоро шаҳридадир. Аҳмад Яссавий ҳам ёшлик даврида илм олишга интилади ва Бухоро мадрасаларининг бирида ўқиб юрган даврида Юсуф Ҳамадоний шон-шухрати ҳақида эшитади. Ўша пайтда Бухорога Юсуф Ҳамадоний келади ва Яссавий унга шогирд бўлади.<sup>26</sup>

Абдулхолиқ Гиждувоний ҳақидаги манбаларда таъкидланишича, у киши Хожа Хизрдан сабоқ олиб юрганида, “Ондин сўнг Хожа Юсуф Ҳамадоний Бухорога келдилар. Хожа Абдулхолиқ уларнинг (Юсуф Ҳамадонийнинг) суҳбатларини топдилар ва маълум қилдиларки, уларга зикри дил бор экан, суҳбатларида бўлдилар, то муддатеким Хожа Юсуф Бухорода эрдилар”.<sup>27</sup> Абдулхолиқ Гиждувоний 22 ёшида бўлганида Хожа Хизр тавсияси билан Бухорода Хожа Юсуф Ҳамадоний билан учрашиб, у кишидан таълим олган. Абдулхолиқ Гиждувоний 1103 йилда туғилганлигини инобатга олсак, у киши Юсуф Ҳамадоний билан 1125 йилда учрашиб, устоз-шогирд тутинган. 1125 йилда Юсуф Ҳамадоний 77 ёшда бўлган. Юсуф Ҳамадоний 94 йил умр кўрган. Умрининг охириги йилларида Хуросонга кетиб ўша ерда вафот этган. Сўнгги маълумотларга қараганда шайх Ҳамадоний 1140 йилда Ҳиротга боради.<sup>28</sup> Мазкур фактлардан маълум бўладики, Юсуф Ҳамадоний 77 ёшдан токи 90 ёшигача Бухорода бўлган ва Бухорода ҳаммаси бўлиб 15 йил яшаган. У киши Хуросонга кетган вақтида ҳам Юсуф Ҳамадоний мактаби Бухорода ўз фаолиятини давом эттирган. Алломанинг

---

<sup>24</sup> Ҳасаний М., Раззокова М. Хожагон тариқати ва Хожа Ҳасан Андоқий. Т.: 2003 й., 11- бет.

<sup>25</sup> “Рашаҳот”, 14-бет.

<sup>26</sup> Ҳасаний М., Раззокова М. Хожагон тариқати ва Хожа Ҳасан Андоқий. Т.: 2003 й., 12- бет.

<sup>27</sup> Алишер Навоий. Насойимул муҳаббат., 254-бет; “Рашаҳот”, 30-бет,

<sup>28</sup> Ориф Усмон. Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний. Т.: Мовароуннаҳр, 2003 й, 40-бет.

вафотидан сўнг ҳам у кишининг ишларини шогирдлари Бухорода давом эттирганлар.

Хулоса қилиш мумкинки, Юсуф Ҳамадонийнинг Бухородаги фаолияти 2 даврга бўлинади. Биринчи даврда, Юсуф Ҳамадоний ёшлик йилларида илм олиш мақсадида Бухорога келган ва бу ерда таълим олиб қайтиб кетган. Иккинчи даврда, эса Юсуф Ҳамадоний тўла камолотга етган ҳолда Бухорога яна қайтиб келган ва ўзининг тасаввуф мактабини ташкил этиб, илм истагида юрганлардан шогирдликка қабул қилиб уларга тасаввуф илмидан сабоқ берган.

Ҳозирда Бухорода Ҳазрат Юсуф Ҳамадоний яшаб, фаолият олиб борган жой қадамжо сифатида мавжуд. У Хожа Нуробод гузарининг шимолидаги Корхона гузарида жойлашган. С.Рахматова ва Ҳ.Қурбонов томонидан ёзилган “Бухоро гузарлари тарихидан лавҳалар” китобида ушбу гузар ҳақида қуйидагича маълумот тўпланган: “Корхона. Гузар шимолий ва жанубий томондан Хўжа Нуробод қабристонига бориб тақалади. Бу қабристон ҳақида “Муллазода китоби” (Муин ал фуқаро тахаллусли Аҳмад бин Маҳмуднинг “Муллозода китоби” Г.Н.,Н.Н.)да ҳам айтиб ўтилган. Бу ерда шайх ва эшон, муллалар дафн қилинган. Бир пайтлар гузар ҳам шу қабристон номида бўлган дейишади. 1824 йилда ҳам гузар Нуробод деб аталган. Хўжа Нуробод, Хўжа Сесарон, Хўжа Аспгардонлар ака-укалар бўлишган. Бу қабристонлар - Хўжа Сесарон Самарқанд дарвозаси олдида, Хўжа Аспгардон ёки Хўжа Чоршанбе эса Хожа Аспгардон гузарида жойлашган. Булар шаҳар ичидаги энг эски қабристонлардан саналади. Шундай қилиб, 1867 йили гузар Корхона номини олган. Гузардаги Корхона ҳовузи ва мачити эса XVI асрга тааллуқли бўлган”.<sup>29</sup> Корхона ҳовузи мармар тошлардан бунёд этилган бўлиб, Лаби Ҳовуздагидек катталиқка эга бўлган ва унга келиб қуйиладиган сув Шоҳруд ариғига ўхшаш ариқдан оқиб келган. Юсуф Ҳамадонийнинг камтарона уйи ана шу ариқнинг ҳовузга келиб қуйиладиган ерига жуда яқин бўлган экан. “Ҳужрасида бўйра, кигиз, кўза,

---

<sup>29</sup>С.Рахматова, Ҳ. Қурбонов. Бухоро гузарлари тарихидан лавҳалар. “Бухоро” нашриёти, 1995 йил, 111-бет.

икки ёстик ва қозондан бошқа нарса йўқ эди. Бойни мол-давлати туфайли камбағалдан устун кўрмасди”.<sup>30</sup> Шунингдек, ушбу ариқ бошқа ҳовузларга борадиган ариқлар билан туташтириб қурилган. Ариқ бўйлаб жуда кўп йиллар яшаган қатор тут дарахтлари ушбу салқин гўшанинг янада чиройига чирой кўшиб турган. Гузар аҳолиси ҳунармандчилик билан шуғулланишган. Кўпларининг ўз устахоналари бўлган. Улар қалғай, рўмол ва адрас тўқишган. Гузарда мачит ва мактаб бўлиб, зиёратгоҳ жой сифатида эса Юсуф Ҳамадоний қабри (“рамзий қабр” ёки “қадамжо”) табаррук маскан ҳисобланган. Тикувчилар шу ерга келиб зиёрат қилишарди. Чунки, покиза, эътиборли киши жума куни ҳовуз олдига борса, ер остидан тикув машиналарининг шовқин суронли ишлаётган овозлари эшитилган. Юсуф Ҳамадоний шогирдлари – Абдулхолиқ Гиждувоний, Аҳмад Яссавий, Барқий ва Андоқийлар ҳам ана шу гузарда илм ўрганганликларини ҳис қилиш кишига ғурур бағишлайди.

1927 йилги олинган ҳисоботларга кўра гузарда 101 хўжалик бўлиб, унда 404 киши истиқомат қилган<sup>31</sup>. 1929 йилги гузарларни қайта рўйхатдан ўтказишганда Корхона, Калобод гузарлари бирлаштирилиб Корхона номини олган.<sup>32</sup> Ҳозир гузар ўрнида катта Самарқанд кўчаси бўлиб, Туркман кўчаси ҳам киради. Мустақиллик йилларида тарихий жой номларини қайта тиклаш ишлари натижасида ушбу жойга яна “Корхона” гузари номи берилди. Лекин, собиқ Иттифоқ замонида масжид йиқитилди, ҳовуз кўмилди, ҳазрат Юсуф Ҳамадоний қадамжоси эса сақланган ва ҳозирда таъмир талабдир. Юсуф Ҳамадонийнинг қадамжолари Гиждувонда ҳам бўлган.

Бизлар ушбу Корхона гузаридаги Юсуф Ҳамадоний қадамжосини зиёрат қилиш бахтига муяссар бўлдик. (Бухородаги Юсуф Ҳамадоний номи билан боғлиқ қадамжо расмлари илова қилинади). 1936 йилда Вобкент туманида туғилган ва 1952 йилдан буён мазкур Корхона гузарида муқим

---

<sup>30</sup>Ҳожа Абдулхолиқ Гиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Т., “Янги аср авлоди” . 2003 йил, 25-24-бетлар.

<sup>31</sup> Вилоят Давлат архиви, 37-фонд, опись 1, дело 92.1-8 бетлар.

<sup>32</sup> Ўша жойда, дело 254.4-,28-30 бетлар.

яшаб келаётган кекса отахон Бўри Бўронов билан суҳбатлашдик. Суҳбат асносида биз учун янги бўлган анча маълумотларга эга бўлдик. У кишининг айтишларича, бу муқаддас жойни Фарғонадан, Хоразмдан ва Самарқанддан кўплаб кишилар сўраб-сўраб топиб келиб, зиёрат қилишар эканлар. Аммо бухороликларнинг аксарияти бу жойни билмайдилар. Зиёрат қилишга келган мусофир кишилар ушбу жойни Юсуф Ҳамадонийга бўлган ҳурматларини намойиш қилиб ўзларининг маблағларига пишиқ ғишдан сағана, устига рамзий қабр куриб кетишган эканлар. Сағананинг ичидаги 6 метр чуқурликдаги қабр усти анча кўмилиб юқорироққа кўтарилган ва мустаҳкам қилиб ғишлар билан қопланган. 6 метр чуқурликдан XVI асрга оид қабр устига қўйиладиган ёдгорлик мармар тошининг синган ярим бўлаги топилган. Бу тошда араб имлосида форсий тилда ёзув битилган. Ушбу ёзувни кўп киши ўқишга уриниб кўрган ва зеру-забари йўқ бўлгани учун ўқий олишмаган. Бухоро шаҳридаги Пири Дастгир масжидининг имом-хатиби Муҳаммад Гулов ўша тошдаги битикни ўқий олган. Тошда Бухоро хони Абдулаллизхон томонидан “Илм Султониغا Замон Султонидан ёдгорлик” деб ёзилган экан. (Ушбу топилманинг расми илова қилинади).

Бухоронинг Корхона гузарида жойлашган Юсуф Ҳамадоний қадамжосини таъмирлаб, тарихини халқимизга етказиш галдаги кечиктириб бўлмайдиган савоб ишлардан бири деб ҳисоблаймиз. Бухоронинг ўзига хос тасаввуф мактабига айнан шу ерда тамал тошининг қўйилганлигини ҳис қилиш ҳар бир зиёратчига руҳий камолот сирларини ечишга яна бир мадад бўлади деган умиддамиз. Юсуф Ҳамадоний тасаввуф таълимоти илмини айнан Бухоро ва унинг атрофидаги ҳудудларда ёйилишига асос яратган (Юсуф Ҳамадонийнинг Марв, Хоразмдаги зиёратгоҳларининг расмлари илова қилинади).

Қачон айтилган гап билан қилинаётган иш бир хил бўлса, қачон тил билан дил бир бўлса шунда натижа ҳосил бўлур, мурод ҳосил бўлур. Айтган гапларига ўзлари амал этганлари боис устод Ҳамадонийга юзлаб, минглаб, бугунги кунга келиб миллионлаб кишилар эргашмоқда. Инчунин, Ҳазрат

Абдулхолик Ғиждувонийга нафақат Шарқ балки Ғарблик муҳиблар ҳам эргашмоқда. Немислар, инглизлар, французлар хожагон нақшбандия таълимотига кирмоқда, «Хатми Хожагон»ни ўз юртларида ихлос билан, эътиқод билан ўтказмоқда.<sup>33</sup>

Ҳазрат Абдулхолик Ғиждувонийнинг таърифлашича, Юсуф Ҳамадоний, қотмадан келган, кўркам, узун соқоли ўзига ярашган, юзларидан нур томаётган, лабларида табассум, кўзларида илоҳий файз меҳру шафқат балқиган жуда ҳам қадрдон инсон бўлиб, унинг ҳар бир қадами, ҳар бир айтадиган каломи, ҳар бир қилган иши намуна, дастуриламал бўлган.

Юсуф Ҳамадонийнинг юксак маънавияти ҳақида кейинги даврларда яшаб ижод этган олимлар томонидан ҳам ажойиб таърифлар берилган. Хусусан, Сайид Аҳмад Васлий Самарқандийнинг 1913 йилда ёзилган “Назм ус-силсила” асарининг “Аз он жаноб ба жаноби Хожа Юсуф Ҳамадоний қаддаса сирраҳу” – “У жанобдан жаноб Юсуф Ҳамадоний қаддаса сирраҳуга” деган қисмида шундай ёзилган:

Аз Ҳамадон кард азми Формад,  
Хожа Юсуф дур бод ас чашми бад.

Дар қатори зумраи асҳоб шуд,  
Ложарам аз зубдаи аҳбоб шуд.

Хожа Юсуф маҳрами асрор гашт,  
Нисбати Хожа Али бо ў гузашт.

Хешро аз сижни тан берун намуд,  
Шуд Азизи Мисри тавҳиди шухуд.

Шуд мужаррад аз алоқоти бадан,

---

<sup>33</sup> Қаранг: Садриддин Салим Бухорий, Самад Азимов. Буюк ғиждувонийлар. (Авлиё ва алломалар) “Бухоро” нашриёти, 2006 й.

Гашт музтағрақ ба ишқи зулминан.

Аз паи ишқи худованди шитофт,  
Чун Зулайхо умри дубора биёфт.

Нури ваҳдат бар дилаш партал бизад,  
Аз дилаш занги дунро кард рад.

Жаноби арши барин дартоз шуд,  
Бо малоик ҳар нафас ҳамроз шуд.

То зи пираш нури огоҳий гирифт,  
Илми ў аз моҳ то моҳи гирифт.<sup>34</sup>

Мазмуни:

Хожа Юсуфни худо ёмон кўздан асрасин,  
Ҳамадондин Формад томон азм қилди.

Келиб асҳоб жамоаси (Хожа Али жамоаси) қаторига қўшилиб, унинг дўстларининг қаймоғига айланди.

Хожа Юсуфга Хожа Алидан нури нисбат ўтгандан кейин, у сирларни сақловчи бўлди.

Ўзини бадан зиндонидан озод қилди,  
Миср Азизи (Ҳазрати Юсуф а/с)га айланиб,  
Тавҳидга гувоҳлик берадиган бўлди.

Тан (бадан) алоқаларидан қутулиб, Зил-Минан (Худо, неъматлар эгаси) ишқига ғарқ бўлди.

Худованд ишқининг орқасидан қувиб,  
Зулайхога ўхшаб қайтадан янги умр топди.

---

<sup>34</sup> Сайид Аҳмад Васлий. Назм ус-силсила. Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2001. 16-17 бетлар.

Нури ваҳдат унинг дилидан шуъла отиб, қалб икки дейишлик (ширк келтиришлик)ни рад этди.

Арш томон юзланиб, фаришталар билан ҳар нафас сирдош бўлди.

У пиридан огоҳлик нурини олгач, билими денгиз остидаги балиқлардан тортиб Ойгача қамраб олди.<sup>35</sup>

Сайид Аҳмад Васлий Самарқандийнинг Юсуф Ҳамадоний ҳақидаги мазкур таърифидан у кишининг маънавий камолот даражаси, шунингдек, илоҳий билимларининг ниҳоятда юксак бўлганлиги ойдинлашади.

Юсуф Ҳамадоний халқни ахлоқий сифатларни эгаллашга, бир сўз билан комиллик сари ундаган. Мазкур буюк зотнинг ҳаёти ва авлодларга қолдирган маънавий мероси халқимиз маънавий онгини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Садриддин Салим Бухорийнинг таъкидлашича, Юсуф Ҳамадонийнинг саховатларини кўриб, ўзингдаги бахиллик, табассумларини кўриб, ўйилган қавоғинг, камтарликларини кўриб, ўзингдаги кибру ҳаво, алломанинг илмларини кўриб, омий бесаводлигинг, ул зотнинг шоҳу гадога бир хилда бўлган муомалаларини кўриб, ўзингдаги кўрслик, шайхнинг бетаъмаликларини кўриб, таъмагирлигинг, ул зоти шарифнинг турли дин вакилларига бир хил этадиган панду насиҳатларини кўриб, ўзингдаги мутаассиблик, у кишининг кетмон чопиб, ҳалол ризқ топаётганини кўриб, ўзингдаги танбаллик, кам ейишларини кўриб, очофатлигинг, кам ухлашларини кўриб, ғофиллигинг, кам гапиришларини кўриб, вайсоқилигинг, турли миллат вакилларига бир хил муомалаларини кўриб, маҳаллийчилигинг, миллатчилигинг, хуллас, беҳисоб АЙБЛАРИНГ КЎЗГУДА намоён бўлади. Юсуф Ҳамадоний Хазратлари улкан КЎЗГУ! Ул зоти шариф панду насиҳат этиб, ширин суҳбат қилиб, танбеҳ бериб аста - аста сени айбу нуқсонлардан қутқара бошлайдилар.<sup>36</sup>

<sup>35</sup> Сайид Аҳмад Васлий. Назм ус-силсила. Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2001. 64 - 65- бетлар.

<sup>36</sup> Қаранг: Садриддин Салим Бухорий, Самад Азимов. Буюк ғиждувонийлар. (Авлиё ва алломалар) “Бухоро” нашриёти, 2006 й.

Юсуф Ҳамадонийнинг Бухородаги қадамжоси ва унинг атрофларини обод қилиб, ушбу жойда музей ташкил қилинса халқимизга тасаввуф асосларини, Бухоро тасаввуф тарихидаги буюк ва азиз инсонларнинг хизматларини яхши ўрганишларига ва маънавий оламларини бойитишга яна бир имконият юзага келтирилган бўларди.

Юсуф Ҳамадонийнинг ҳаёт йўллари ҳаммамиз учун ибратдир. “Бу азизларнинг йўли барча офатлардан холидир”. Бу йўл “фақат холис ҳидоят ва маърифат нуридан иборат”.<sup>37</sup> Юсуф Ҳамадонийнинг ҳаёт йўли кўрсатадики, илм талабида бўлган, илмига амал қилган камтарин, ҳалол ва пок инсонлар улуғворлик даражаларига етадилар ва халқнинг эъзозига муяссар бўладилар. Бундай инсонлар халқимизнинг қалби ва онгида абадий яшайдилар.

## 1.2 Юсуф Ҳамадонийнинг инсон маънавий камолотидаги ўрни

Шарқ Уйғониш даврининг йирик алломаларидан бири сифатида Юсуф Ҳамадонийнинг Ватанимиз тарихида халқимизни маънавий юксалтиришдаги хизматлари беқиёс бўлган. Юсуф Ҳамадоний тасаввуф таълимотининг билимдони сифатида бир қанча нодир асарлар ёзиб қолдирган, шунингдек, маънавиятимиз юлдузлари бўлган Абдулҳолик Ғиждувоний, Аҳмад Яссавийлар каби маънавий камолот соҳибларини етказиб берувчи мактабнинг асосчиси ҳамдир.

Юсуф Ҳамадонийнинг тасаввуф тарихидаги энг улуғ хизматларининг асосийси тасаввуф ва инсоншуносликка оид ёзган бебаҳо асарларидир. Истиқлолнинг бизга берган энг катта неъматларидан бири буюк алломаларимизнинг асарларининг асл нусхалари билан танишиш имкониятига эга бўлганлигимиздир. Мустақиллик даврига қадар азиз авлиёларимизнинг ҳаёт йўли ва маънавий меросидан бебаҳра эдик.

---

<sup>37</sup> Ҳожа Абдулҳолик Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Т., “Янги аср авлоди”. 2003 йил, 16-бет.

Маънавий меросимизнинг тикланиши натижасида Юсуф Ҳамадонийнинг маънавий меросидан хабардор бўлдик. Тадқиқотларимиз натижасида Юсуф Ҳамадонийнинг қуйидаги асарлари бизгача етиб келганлиги аниқланди:

1. **"Рутбатул - ҳаёт" ("Ҳаёт мезони").**
2. **"Манозил ус - соирин" (Илм толибларининг манзиллари).**
3. **"Манозил ус - соликин"(Ҳақ йўлида борувчиларнинг манзиллари).**
4. **"Кашф".**
5. **"Рисола дар одоби тариқат" ("Тариқат одоби ҳақида рисола").**
6. **"Рисола дар ахлоқ ва муножот" (Ахлоқ ва муножот ҳақида рисола").**
7. **"Рисола фи аннал кавна мусаххарун лил инсон" (Коинотнинг инсонга бўйсундирилганлигига доир рисола).**

Мазкур асар "Инсон ва коинот ҳақида рисола" номи билан нашр қилинди.

Юсуф Ҳамадоний ёзган асарларнинг 3таси - "Рутбат ул - ҳаёт", "Одоби тариқат", "Инсон ва коинот ҳақида рисола"лари ўзбек тилига ўгирилган. Бу асарлар маънавий камолотнинг улкан хазиналарига қўшилган дурдоналаридир.

Ҳозирда Юсуф Ҳамадонийнинг асарларидан "Рутбат ул - ҳаёт" Сайфиддин Рафиддин ва Нодирхон Ҳасанлар томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб нашр этилган.<sup>38</sup> Бу асарда инсон ҳаёти мазмуни, камолот босқичлари ва унга эришиш йўллари батафсил баён этилган.

Абдулҳолиқ Гиждувонийнинг "Мақомоти Юсуф Ҳамадоний" асари билан бирга Юсуф Ҳамадонийнинг "Одоби тариқат" ва "Инсон ва коинот рисола"си нашр этилган. "Инсон ва коинот рисола"сида инсон Оллоҳ томонидан қай даражада улуғланганлиги ва унинг бахтли яшаши учун

---

<sup>38</sup>Қаранг: *Ҳожа Юсуф Ҳамадоний. Рутбат ул-ҳаёт (Ҳаёт мезони).*-Тошкент, 2003.

коинот орқали барча неъматларни муҳайё қилганлиги баён қилинган. Мазкур асарда Юсуф Ҳамадоний инсонларни бу неъматлардан меъёрда фойдаланиш ва уларни асраб - авайлашга чақиради.

Буюк мутафаккир, аллома, шайх Юсуф Ҳамадоний ўзининг «Одоби тариқат» асарида инсон ўзини соғлом комиликка етказиши учун ҳар куни бирор авлиёуллоҳнинг китобларидан 8 бет мутолаа қилсинки, бундан унинг кўнгли жонланади, деган фикрни таъкидлаб, инсон камолоти учун зарур бўлган тўрт асосга эътибор бериш лозимлигини таъкидлайди:

**Биринчи асос - нафс риёзиёти, яъни нафсни тарбиялаш.**

**Иккинчи асос - луқма ва ҳирқа (либос)нинг ҳалоллиги.**

**Учинчи асос - мужоҳада, яъни бир ишни қилишга жидду - жаҳд қилиш, эзгулик йўлида тинимсиз ҳаракатда бўлиш.**

**Тўртинчи асос - зикр, яъни хотирани тўғри тарбиялаш (инсон хотирасида фақат яхшиликларни сақлашга ўрганиш).**

Юсуф Ҳамадонийнинг тасаввуф тарихидаги улкан хизматларидан яна бири шуки, инсон камолоти учун зарур бўлган 4 рашҳа – ҳаётбахш ўғитларни ёзиб қолдирган. Хожагон ва нақшбандия таълимотларининг ўн битта қоидалари тасаввуф оламида маълум ва машҳур ҳисобланади. Ушбу 11 қоиданинг асоси бўлган тўртта қоида бевосита Юсуф Ҳамадоний томонидан яратилган. Манбадаги Юсуф Ҳамадоний томонидан айтилган қуйидаги фикр диққатимизни тортди: ““Ҳуш дар дам” (ҳар бир нафасни идора этиш , онгли тарзда чиқариш), “назар бар қадам” (оёғингиз остига ва олдингизга қаранг), “сафар дар Ватан” (Ватанда сафар қилинг) ва “хилват дар анжуман” (халқ орасида Ҳақ билан бирга бўлинг)”, - дер эди”<sup>39</sup>. Мазкур фикр хожагон ва нақшбандия тариқатларининг 11 қоидасидан дастлабки 4та қоидаси Юсуф Ҳамадоний томонидан яратилганлигига далил бўлади. Бу ҳаётбахш ўғитлар қуйидагилардир.

---

<sup>39</sup> Хожа Абдулҳолик Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Т., “Янги аср авлоди”. 2003 й., 23-бет

**1. ХУШ ДАР ДАМ** - ботиндан чиқаётган ҳар бир нафас хушёрлик ва огоҳлик, хузур ила чиқмоғи лозим, токи бунда ғафлат унга ҳеч йўл топа олмасин.

**2. НАЗАР БАР ҚАДАМ** - тариқат аъзосининг назари доим оёқ панжаларининг устида бўлсин, унинг назари сочилмасин ва кераксиз жойга кўзи тушмасин. Шаҳарда, қишлоқда, саҳрода ва бошқа ҳар қандай жойда юрганда инсон ҳар бир қадамига диққат билан разм солсин, огоҳ бўлсин. Лозим бўлмаган жойга бормасин.

**3. САФАР ДАР ВАТАН** одобининг маъноси шуки, тариқат аъзоси башарий табиатда сафар қилсин, яъни башарий сифатлардан малакий сифатларга ва номаъқул сифатлардан маъқул сифатларга ўтсин.

**4. ХИЛВАТ ДАР АНЖУМАН** одобининг маъноси тариқат аъзосининг доимо “Даст ба кору, дил ба Ёр” шиорига амал қилиши, унинг зоҳиран халқ билан, ботинан Ҳақ билан бўлмоғи даркор, демакдир.

Ҳазрати Хожа Баҳоуддиндан сўрадилар: “Сизнинг тариқат йўлингизнинг асоси нима?” Жавоб бўлди: “Хилват дар анжуман, яъни ташқи томондан халқ билан, ички томондан Ҳақ билан”, деб жавоб берган. Бу кўрсатадики, Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг асоси ҳам Юсуф Ҳамадонийнинг мана шу тўрт қоидаларидир.

Юсуф Ҳамадоний тасаввуф таълимотига киритган тўрт рашҳа жуда кўп тасаввуф арбобларининг диққат – эътиборини ўзига тортган ва улар мазкур рашҳаларни таҳлил этиб, ўз асарларида уларга шарҳлар ёзганлар. Нақшбандия таълимотининг йирик намояндаларидан бири Махдуми Аъзамнинг “Рисолаи чаҳор калима” (Тўрт калима ҳақида рисола) асари ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланмоқда.<sup>40</sup>

Юсуф Ҳамадоний шогирдлари ва маслақдошларига қолдирган бебаҳо ҳикматлари, сабоқлари тўрт рашҳа - ҳаётбахш томчилар деярли

---

<sup>40</sup>Бобохонов Ш.,Мансуров А. Нақшбандийа тариқатига оид қўлёзмалар фикристи.Т.:Мовароуннахр, 1993.52-бет.

саккиз юз йилдан бери ўз аҳамиятини йўқотмай, бани башарга беминнат хизмат қилмоқда. XXI асрга келиб, Юсуф Ҳамадоний эгаллаган чўкки нақадар юксакда эканлиги, унга етмоқ учун эса ҳали инсоният кўп саъй-ҳаракат қилмоғи даркорлигига қайта-қайта имон келтиради киши.

Юсуф Ҳамадонийнинг маънавиятимиз камолотидаги хизматларидан яна бири шундаки, у киши жуда кўп кишини маънавиятли-маърифатли бўлишига устозлик қилган ва хусусан, маънавият юлдузлари бўлган тўрт шогирдни тарбиялаган. Булар Хожа Абдуллоҳ Барқий, Хожа Ҳасан Андоқий, Хожа Аҳмад Яссавий ва Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийлардир.

Хожа Абдуллоҳ Барқий Юсуф Ҳамадонийнинг биринчи шогирди бўлиб, унинг аждодлари асли хоразмлик бўлиб, Бухорога кўчиб келиб жойлашганлар. “Ва улар хонадонининг барчаси аҳл-и илм, соҳиби вилоят ва каромот ва ҳанафий мазҳаби ва сунний эътиқодида бўлганлар”<sup>41</sup>. Хожа Юсуф Ҳамадоний Бухорога келганида мадрасада ўқиб юрган Барқий билан учрашади ва Барқий у кишига мурид тутинади. Барқий Юсуф Ҳамадоний вафотидан кейин унинг биринчи ўринбосари бўлади. Барқий ўз устозининг таълимотини умрининг охиригача халқ орасида тарғиб қилган. Шунини таъкидлаш жозки, Юсуф Ҳамадонийнинг ушбу шогирдининг номи баъзи манбаларда Барқий, баъзиларида эса Баррақий деб ёзилади. Бу зоти шариф ҳақида “Тухфат аз зоирин”да маълумот берилган. Хожа Абдулло Барқий Юсуф Ҳамадоний марҳум бўлганларидан сўнг муридлар тарбияси билан шуғулланган.

Хожа Абдулло Барқий 1160 йил вафот қилади, қабри Абу Исҳоқ Гулободийнинг мазорлари ёнида бўлган<sup>42</sup>. Бу ҳозирги Юридик ва маиший хизмат касб-хунар коллежи биноси ёнида жойлашган бўлиб, у ерни “Даҳмаи Беҳиштиён” номи<sup>43</sup> билан атайдилар. Ғиждувонда Барқийнинг қадамжолари бўлган.

<sup>41</sup> Аҳмад ибн Маҳмуд Бухорий «Муъин ал-фуқаро» «Тарихи Муллозода» (Бухоро мазорлари зикри). Абу Тоҳирхўжа Самарқандий «Самария». «Янги аср авлоди», 2009 й. 72-бет.

<sup>42</sup> Ҳасаний М., Раззоқова М. Хожагон тариқати ва Хожа Ҳасан Андоқий. Т.:, 2003й., 11-12 бетлар.

<sup>43</sup> “Даҳмаи Беҳиштиён” номининг маъноси жаннатий бўлганларнинг даҳмаси демакдир.

Ҳазрат Хожа Ҳасан Андоқий Юсуф Ҳамадонийнинг иккинчи халифаси ҳисобланади. Бухоро яқинидаги Андоқ қишлоғидан бўлган бу зоти шариф ҳақида Самъонийнинг "Ал Ансоб" китобида маълумот берилган. "Ал Ансоб" да ёзилишича, Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Ҳусайн ал Андоқий - имом, фозил, зоҳид, такводор, камтарин, ғоят гўзал сийратлилиги билан шухрат қозонган. У ҳижрий 462, милодий 1069 йилда туғилиб, ҳижрий 552, милодий 1157 йили йили рамазон ойининг йигирма олтинчи (4-ноябр) да вафот қилган<sup>44</sup>.

Ҳасан Андоқий Юсуф Ҳамадоний билан бирга Хоразм, Бағдодда бўлган. Ас Самъоний ёзади: "Мен биринчи бор Ҳасан Андоқий билан Марвдаги шайх хонақосида учрашдим. Сўнг Бухорода учрашдим ва бу зотдан сабоқ олдим. Ҳазрат Андоқий менга Ҳазрат Юсуф Ҳамадоний ривоят қилган ҳадисларни ўргатдилар. Ҳазрат Андоқий мени бениҳоя ҳурмат-иззат қилардилар".

Андоқий ўз замонасининг етук алломаси, тасаввуфий олим, валиюллоҳ бўлиб, жуда кўп муридлари бор эди. Кўп ибодат этар, кўп риёзат чекар эди. "Тухфат аз зоирин" китобида ёзилишича, Ҳасан Андоқийнинг қабрлари Бухорода Абу Исҳоқ Гулободий мазорлари ёнидадир. Хожа Абдулло Барқий, Хожа Ҳасан Андоқийларнинг қабрлари қолмаган. Шўролар замонасида улар йўқотилган.

Истиқлол йилларида Бухоро шаҳридаги Юридик ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ёнида "Даҳмаи беҳиштиён" зиёратгоҳи бунёд этилди. Ушбу зиёратгоҳда Ҳазрат Андоқий, Ҳазрат Барқий ва бошқа авлиёлар таржимаи ҳоли ёзиб қўйилди.

Хожа Ҳасан Андоқий ҳақида Али Сафийнинг "Рашаҳоту айн ул-ҳаёт", Тоҳир Эшон Хожанинг "Тазкираи нақшбандия", Мавлавий Ғулом Сарварнинг "Ҳазинат ул-асфиё", Носириддин ал – Бухорийнинг "Тухфат уз зоирин" асарлари асосида Маҳмуд Ҳасаний ва Мавжуда Раззоқовалар

---

<sup>44</sup>Аҳмад ибн Маҳмуд Бухорий «Муъин ал-фуқаро» «Тарихи Муллозода» (Бухоро мазорлари зикри). Абу Тоҳирхўжа Самарқандий «Самария». «Янги аср авлоди», 2009 й. 73-бет.

кенг маълумот берганлар.<sup>45</sup> Тоҳир Эшон Хожанинг “Тазкираи Нақшбандия” асарида Хожа Ҳасан Андоқий ҳақида маълумот берилиб, куйидаги байт келтирилади.

Байт:

Боз аз Юсуфам ба Андоқий,  
Нисбат омад зи соқийи боқий.

Мазмуни:

Боқий сифатли Юсуф (Ҳамадоний)дан,  
Андоқийга авлиёлик нисбати келди.

Байтдан кўриниб турганидек, Юсуф Ҳамадонийдаги валийлик қуввати Андоқийга ўтган.

Аҳмад Яссавий Юсуф Ҳамадонийнинг учинчи халифаси бўлиб, бир неча вақт устоз ўрнида Бухородаги хонақоҳда пири муршид сифатида қолиб, толиби илмларга сабоқ берган. Кейин эса Яссига кетган. Ҳазрат Навоий “Насойим ул муҳаббат”да ёзади: “Хожа Аҳмад Яссавий - Туркистон мулкининг шайхул машойихидур, мақомоти олий ва машҳур, каромати мутаволи (хайратланарли) ва номахсур (чегарасиз) эрмиш. Муриду асҳоби ғоясиз (бениҳоят кўп) ва шоҳу гадонинг иродат ва ихлоси остонидан ниҳоятсиз эрмиш”<sup>46</sup>.

Ҳазрат Яссавийнинг оталарининг исми Иброҳим, боболари Илёс бўлиб, насаблари Ҳазрат Али р.а.га бориб тақалади. Абдурауф Фитрат ўзининг “Яссавий ким бўлган?” номли мақоласида “Яссавий пир излаб Бухорога келган” лиги ва Юсуф Ҳамадонийга учраб унга мурид бўлганлигин таъкидлайди<sup>47</sup>.

Қутбидин Ҳайдар, Ҳаким Ато, Исмоил Ато, Шайх Разиюддин Али Лоло каби буюк авлиёлар Ҳазрат Яссавийнинг шогирдлари эдилар. Ҳазрат Аҳмад Яссавийнинг "Девони Ҳикмат", "Фақирнома" каби асарлари жаҳонга

<sup>45</sup> Қаранг: Ҳасаний М., Раззокова М. Хожагон тариқати ва Хожа Ҳасан Андоқий. Т.: 2003й.

<sup>46</sup> Алишер Навоий, Мукамал асарлар тўплами, 17 том, Т. "Фан" — 2001 йил, 419 —бет

<sup>47</sup> Абдурауф Фитрат. Яссавий ким бўлган? Танланган асарлар. II жилд. Илмий асарлар. Т.: “Маънавият”, 2000 й, 18-бет.

машхур. Ҳазрат Аҳмад Яссавий 63 га киргандан сўнг ер устини тарк қилиб, ер ости ғорига кирган. Ғорда ҳам шогирдларга дарс берган. У зоти шариф: "Пайғамбар ёшларига етдим, энди ер устида юрмайман!" - деб ғорга кирган экан.

Ҳазрат Аҳмад Яссавийнинг касблари чивикдан сузқич тўқиш, ёғочдан қошиқ ва чўмич йўниш бўлган. Мана шу касб орқали ризқ - рўзларини топган. Аҳмад Яссавий дейдилар: "Шайх улдирки, нарзу ниёз олса, уни мискин, ғариб, бечора, етим — есирларга бергай. Агар бу нарзу ниёзни ўзи еса гўё мурдор ит емишини тановул қилган бўлур!" Яссавий хикматлари собиқ Иттифоқ замонасида қатағонга учраган эди. Истиклол шарофатидан Ҳазратнинг китоблари бир неча бор ўзбек тилида нашр этилди. Ўзбекистонда Яссавий ижодларини тарғиб ва ташвиқ этишда Эргаш Рустамов, Иброҳим Ҳаққулов, Нодирхон Ҳасанов, Расул Муҳаммад Ашурбой ўғли Абдушукуров, Тожи Қораев ва бошқа олимлар хизмат қилган.

Бухоро шаҳридаги қадимги Корхона гузарида, шунингдек Ғиждувонда Аҳмад Яссавий қадамжолари бор. Яссавия тариқатининг асосчиси, буюк авлиё, улуғ шоир, файласуф, аллома ҳазрат Аҳмад Яссавий Сайрам қасабасида туғилганлар. Баъзи манбаларда ёзилишича, бу зоти шариф 130 йил умр кўрган. Бу зоти шариф Арслонбобо, Саид Ваққос, Шаҳобиддин Исфинжобий, Ҳамадоний ва бошқа устозлардан таълим олган.

Аҳмад Яссавийнинг қабри Қозоғистон Республикаси Туркистон вилояти Ясси қасабасидадир. Аҳмад Яссавий қабрлари устида Амир Темур 1395 йил улкан мақбара бино қилган.

Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг тўртинчи шогирди Хожаи Жаҳон номи билан машхур бўлган Абдулхолиқ Ғиждувонийдир. Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний Ғиждувонда 1103 йилда туғилиб, шу ерда яшаб, 1220 йилда вафот этган. Мустақиллик йилларида Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг зиёратгоҳи Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуслари билан обод қилинди ва 2003 йилда таваллудининг 900 йиллиги нишонланди.

Абдулхолик Ғиждувоний ўз устози Юсуф Ҳамадоний хақида “Мақомоти Юсуф Ҳамадоний” асарини ёзган. Бу манбани Сайфиддин Сайфуллоҳ ва Нодирхон Ҳасан форс тилидан ўзбек тилига ўгириб, 2003 йилда “Янги аср авлоди” нашриётида босмадан чиқарганлар. Таржимонлар мазкур асарни таржима этишда Эронда нашр қилинган Абдулхолик Ғиждувонийнинг “Рисолайи соҳибия”, Туркияда сақланаётган Камолиддин Афанди Ҳаририйзоданинг “Тиббиён”, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг кўлёмалар хазинасидаги Абдулхолик Ғиждувонийнинг “Мақомоти Юсуф Ҳамадоний” нусхаларига асосланганлар. Хожа Абдулхолик Ғиждувонийнинг “Мақомоти Юсуф Ҳамадоний” асарининг маълум қисмини Маҳмуд Ҳасаний ҳам таржима этган<sup>48</sup>.

Абдулхолик Ғиждувоний ёзади: “Йигирма икки ёшимда уйғок қалбларнинг хожаси Хизр а.с. мени Шайхи Раббоний Юсуф Ҳамадонийга топширдилар ва мени тарбия қилишларига васият қилдилар, улар (яъни Юсуф Ҳамадоний) Мовароуннаҳрда эканликларида мен хизматларини қилдим ва кўп манфаатлар топдим”. Устози Мовароуннаҳрда бўлган даврида Абдулхолик Ғиждувоний унга садоқат билан хизматда бўлган. Абдулхолик Ғиждувоний Юсуф Ҳамадоний вафотидан кейин унинг ғояларини ривожлантириб, хожাগон таълимотиغا асос солган.<sup>49</sup>

Маълумки, Ўрта Осиё тасаввуф тарихида Юсуф Ҳамадонийнинг номи ва хизматлари алоҳида мавқега эга. Ҳамадоний XII асрнинг энг атоқли алломаларидан, Марв, Ҳирот, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида истиқомат қилиб, ўзининг тасаввуфга доир илмий фикр-қарашларини тарғиб этган. Унинг Бухоро ва Самарқандни кўчманчилар босқинидан мудофаа этишда қатнашганлиги тарихий китобларда қайд қилинган. Аҳмад Яссавийнинг ҳам, Абдулхолик Ғиждувонийнинг ҳам муршиди Юсуф Ҳамадоний бўлганлиги учун нақшбандия таълимотининг тамалида яссавийликка яқинлик, янада

<sup>48</sup> Қаранг: Хожа Абдулхолик Ғиждувоний. Сўзбоши, таржима, луғат ва изоҳлар муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Т.: “Ўзбекистон”, 2003 й., 127-бет

<sup>49</sup> Қаранг: Шарипова О. Абдухолик Ғиждувоний ҳаёти ва тасаввуфий мероси. Т.: “Фан”, 2008 й., 118 б.

аниқроғи, мафкуравий вобасталик мавжуддир. Бу ҳақда ўз вақтида Ф.Купрули, В.А.Гордлевский қаби таниқли тадқиқотчилар фикр билдиришган ва нақшбандийликнинг умумий йўналиш эътибори билан яссавийликдан кўп фарқ қилмаслигини қайд этиб ўтишган. Муҳаммад Темирчи Хожи Бектоши Валий яссавийликдан адаб қонун-қоидаларини ўзлаштириб, инсоннинг қўлига, тилига, белига ҳоким бўлишини асослаган бўлса, нақшбандийлик ҳилм, гўзал ахлоқ, инсоннинг тупроқдек хокисор, қуёшдек жўмард бўлиш тушунчасини олган, дейди. Мекоил Байрамнинг ёзишича, Амир Темур замонларида нақшбандийликка яссавийликнинг давоми сифатида қаралиб, бу икки тариқат ҳам теппа-тенг ҳимоя қилинган. Ҳатто, тарихда баъзи шайхларнинг ҳам яссавийлик, ҳам нақшбандийлик сулукига мансублиги бу икки таълимот орасига сунъий тўсиқлар қўйиб бўлмаслигини тасдиқлайди. Масалан, Фаранг шарқшуноси Тьерри Заркон “Ҳазинатул асфиё”га таяниб, яссавийлик ва нақшбандийликнинг бирлашувига мисол ўлароқ Хожа Ҳофиз исмли яссавия дарवेशининг айна пайтда нақшбандий ҳам бўлганлигини ёзади. Бу ҳақда ўз вақтида Ф.Купрули, В.А.Гордлевский қаби таниқли тадқиқотчилар фикр билдиришган ва нақшбандийликнинг умумий йўналиш эътибори билан яссавийликдан кўп фарқ қилмаслигини қайд этиб ўтишган.

Юсуф Ҳамадонийнинг тасаввуф тарихида улкан ҳодиса бўлган асарлари “Ҳуш дар дам”, “назар бар қадам”, “сафар дар ватан” ва “хилват дар анжуман” рашҳаларини ўрганиш, у тарбиялаган тасаввуфнинг яссавия йўли асосчиси Аҳмад Яссавий ва хожагон таълимоти асосчиси Абдулҳолиқ Ғиждувонийлар меросини ўрганиш маънавиятимиз камолоти учун муҳим манба бўлиб ҳисобланади.

### 1.3 Юсуф Ҳамадоний – соҳибқаромат валий.

Юсуф Ҳамадоний тасаввуф тарихида соҳибқаромат валий сифатида маълум ва машҳурдир. Абдуҳолиқ Ғиждувоний устози Юсуф Ҳамадоний

хақида шундай ёзган: “Муридлик бошимни валийлик сардори, ҳидоят куббаси ва у Ҳамадонлик муршид, шайхлар шайхи, Шайх Юсуф Ҳамадонийнинг оёғига қўйдим. Бир муддат бу тўғри йўлда у тариқат сайёҳи ва ҳақиқат денгизининг ғаввоси, ғайб сирларининг кашшофи Абу Юсуф ибн Яъқуб ибн Абдулвоҳид ибн Абдулвосит...мутобаат йўлида ниёт, тобелик ва муҳтожлик билан қадам босдим”.<sup>50</sup> Бу иқтибосдан маълум бўладики, Юсуф Ҳамадоний валийлик рутбасида бўлган. Валийлик рутбаси деганда нимани тушуниш лозим?!

Тасаввуфий таълимотда “валий”лар масаласи махсус тадқиқ этилган. Валий Аллоҳга яқин киши, Аллоҳнинг дўсти. Салоҳиддин ибн Муборак ал Бухорийнинг “Анис ат - толибин ва уддат-ус-соликин” асарининг биринчи қисми “Дар маърифати валояти валий” (“Валийлик валояти маърифатига доир” ) да таъкидланишича, “валоят нурдан иборатдир”. Бу нур Тангри инояти ила ибоднинг қалбини тўлдиради ва натижада исломнинг ҳақиқий нури яқинида жамол кўрсатади. Асарда таъкидланмоқдаки, валоят даражасига етишда Тангрининг инояти шарт. Илоҳий нур-нур ал - яқин - аниқ, тўғри нур бўлгани ила бошқа нурлардан фарқ қилади, шу нур, ила тўлган қалб - валий қалби бўлади. Валийни кўрган киши Тангрини зикр этади, ўзи ва жумлаи оламни яратган бу мутлақ зотга қараб ҳайратга тушади, “Валий қалби маъдани анвори жалолдир. Валий юзидаги нур ва латофат валий қалбидаги ана шу анвордандир. Ул нурнинг акси валийнинг сиймосидан зоҳир бўлур ва ҳар ким унинг юзига назар айласа, ул киши Ҳаққ таолони ёд этар ва унинг зикрига машғул ўлур”<sup>51</sup>.

Валийлар суҳбатига мушарраф бўлган шахс ўзидаги башарий истаклардан воз кечиб, малакий даражали сифатларга эга бўлиши ҳам иншо этилган. Валий суҳбатига мушарраф шахс ўзидаги гил - тупроқ ва сувдан тузилган тана истакларидан воз кечади. Бухоролик етти пирнинг тўртинчиси

---

<sup>50</sup>“Мақомот”, 11-бет.

<sup>51</sup> Салоҳиддин ибн Муборак. Анис ат-толибин ва уддат ус – соликин. Қўлёзма. 7-бет.

Хожа Али Рометаний - Ҳазрат Азизоннинг қуйидаги рубоийсида ушбу фикр ўз аксини топган:

Бо ҳар ки наштию нашуд жамъ дилат,  
Аз ту нараמיד заҳмати обу гилат.  
Зинҳор аз он қавм гурезон мебош,  
Варна накунад руҳи Азизон бихилат<sup>52</sup>.

Мазмуни :

Сухбатдошинг ила қалбинг ноҷам,  
Йўқолмади сендан сув - гил заҳмати ҳам.  
Демак, ундайлардан узоқлашмасанг,  
Азизон руҳи кечирмас ҳеч ҳам.

Ҳазрати Азизоннинг фикрича, ҳақиқий валий суҳбатига етишган шахс қалби сокин, соф, пок бўлиб, сув - гил заҳматидан қутулиб юксалади ва тавҳидни англай боради, лекин сохта авлиёлар билан суҳбатлашиб, сенда башарий истаклардан қутулиш каби сифатий ўзгариш бўлмаса, ундай кишилардан тезроқ қочиш керак, деган фикрни уқтиради.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ўз таълимотида валийликнинг учта хусусияти бор деб, қуйидаги фикрни баён қилади:

Се нишон бувад валиро, ки нахуст он бамаъни,  
Ки чу рӯи ў бубини, дили ту бар ў гарояд.  
Дуввум он, ки дар мажолис, чун суҳан кунат зи маъни,  
Ҳаммаро зи ҳастии худ б-ҳадис мерабояд.  
Севвум, он бувад б-маъни вали аҳаси олам,  
Ки зи ҳеч узв ўро ҳаракоти бад наояд<sup>2</sup>.

Мазмуни:

Валийликнинг уч белгиси бор, биринчиси у бамаънидир,  
Унинг юзини кўрган заҳотинг дилингни ром этади.  
Иккинчиси, агар мажлисида у маъно ҳақида сўз айтса,

---

<sup>52</sup>Рисолаи ҳазрат Азизон. - Бухоро: Бухоройи Шариф, 1327 ҳ.й.30-бет.

<sup>2</sup>Мақомот. 59-бет.

Бутун борлиғи ила ҳаммани сўзига мафтун этади.

Учинчиси, валий маъно жиҳатидан оламдаги махсус кишидир,

Унинг бирор узвидан ҳам ёмонлик келмайди.

Ҳазрат Юсуф Ҳамадоний ҳаёти ва ижодини ўрганиш жараёнида ушбу аллома барча валийларга хос бўлган сифатларга эга бўлганлигига ишонч ҳосил қилдик. Юсуф Ҳамадоний ҳаёт йўлларининг таҳлили кўрсатишича, у кишида валийларга хос бўлган барча хусусиятлар мавжуд бўлган. Алломанинг манбаларда таърифланган нур ёғилиб турган юзлари, ҳикмат тўла сўзлари ва эзгу амаллари ҳақидаги маълумотлар бунга ёрқин мисол бўла олади.

Валийларга хос бўлган хусусиятлардан бири соҳибкароматлиликдир. Каромат - ғайриоддий ҳолатлар бўлиб, у ҳаммада ҳам учрайвермайди.

Манбаларда Юсуф Ҳамадоний соҳибкаромат бўлганлигини кўрсатадиган далил-исботлар берилган. Юсуф Ҳамадоний кароматлари ҳақида Жомийнинг “Нафоҳатул-унс”, Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат”, Носириддин Тўранинг “Тўхфат аз-зоирин” китобларида ёзилган.

Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарида Юсуф Ҳамадонийнинг соҳибкаромат киши бўлганлиги ҳақида маълумот берилган ва қуйидаги каромати ёритилган: Шайх Муҳиддин ибн Арабийнинг ёзишича, Ҳазрат Юсуф Ҳамадоний жума кунидан бошқа пайт уйдан чиқмасдилар. Бир кун диллари безовта бўлди ва ташқарига беихтиёр чиқдилар. Лекин қаерга бормоқ ва не иш қилмоқ кераклигини билмасдилар. Шу он уловга миниб, уни ўз ихтиёрига қўйдилар. Шаҳардан ташқаридаги кўримсиз бир масжид ёнида улов тўхтади. Ҳазрат масжидга кирдилар. Масжид ичида ҳайбатли бир йигит қиблага қараб ўтирарди. У Юсуф Ҳамадонийга қараб деди: “Эй, Ҳазрат! Менга мана бу масала оғир бўлди. Уни ечиб беринг!” Юсуф Ҳамадоний унинг масалаларини ҳал қилиб бердилар, сўнг дедилар: “Эй йигит! Қачон сизга масала оғир келса, шаҳарга бизнинг ҳузуримизга келинг! Мени бундай овора қилманг!” Йигит деди: “Эй Шайх! Қачон менга масала оғир келса, ҳар бир тош Юсуф Ҳамадоний бўлгай ва масалаларимни ҳал қилгай!” Ибн

Арабий ёзадилар, бу воқеадан маълум бўладики, мурид сидкидилдан таважжуҳ (яъни пирга юзланиб, уни тиласа) этса, пирни ўз ёнига жазб (тортиб келтирмоқ) эта олур.<sup>53</sup>

Ҳазрат Юсуф Ҳамадоний Бағдоддаги “Низомия” мадрасасида ваъз этаётганларида машхур факих, ҳофизул Қуръон ибн ул Саққо ўрнидан туриб бир масала бўйича савол беради. Ҳазрат Ҳамадоний унга дейдилар: “Ўлтиргилки, бу саволингдан куфр ҳиди келмоқда. Исломдан бошқа динга ўтгайсанми деб гумон қилурман...”. Андак фурсатдан сўнг Саққо Румдан келган элчи билан тил топишиб, насроний динига ўтди ва Румга кетди. Ибн ул Саққо жон бераётган пайтида дедилар: “Қуръондан бирор оят билурмисан эсингда қолганми?” У деди: “Қуръондан бирор ҳарф ҳам ёдимда йўқ!” У насроний динида ўлди. Мазкур воқеа ҳам Юсуф Ҳамадонийнинг содир бўладиган ҳолатларни олдиндан айтиб бера олиш қобилиятларини кўрсатади.

“ Нафоҳат ул - унс”да қуйидаги қизиқ воқеа ҳам баён этилган: Ҳазрат Шайх Нажибуддин Бурраш Шерозий дейдиларки, кунлардан бир кун кўлимга ажиб бир рисола тушди, уни мутолаа этиб кўнглим бағоят шод бўлди. Лекин рисоланинг муаллифи кўрсатилмаган эди. Менга ушбу рисола муаллифини билмоқ ва яна бошқа асарларини топиб ўқимоқ истаги пайдо бўлди. Иттифоқо бир кеча туш кўрдим. Нуроний бир шайх ёнимга келдилар. Ул зотнинг эгниларида оқ ҳирқа, ҳирқаларида зар билан бошдан оёқ “Оятал курси” ёзилган. Ҳазрат ҳирқаларини ечдилар, ул ҳирқанинг остида яна бир сабз ранг ҳирқа кийгандилар, у чиройлироқ эди. Унда ҳам худди биринчи ҳирқа каби зар билан “Оятал курси” ёзилган эди. Иккинчи ҳирқани ҳам ечиб менга бердилар ва дедилар: “Буларни тутиб туринг, мен вузуъ(яъни таҳорат) этаман!” Таҳоратдан сўнг қайтиб келдилар ва менга дедилар: “Буларнинг иккисидан бирини танлаб олинг”. Мен дедим: “Қайсисини берсангиз, ихтиёр сизда!” Сабз ранг ҳирқани менга кийдирдилар ва оқини ўзлари кийдилар, сўнг менга дедилар: “ Мени танимадингизми? Мен сиз ўқиган рисоланинг

---

<sup>53</sup>Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. Мукамал асарлар тўплами., 17 том, Т., “Фан”-2001 й., 252-253 бетлар.

муаллифи Юсуф Ҳамадоний бўламан. Ул асарнинг номи “Рутбат ул-ҳаёт”. Яна бошқа китобларим бор. Улар яна-да яхшироқдур. “Манозил ус-соирин”, “Манозил ус-соликин”. Мен уйқудан уйғониб бениҳоя шод бўлдим...”. Ушбу каромат ҳақида “Тухфат уз-зоирин” китобида маълумот келтирилган<sup>54</sup>.

"Тухфат уз-зоирин" китобида келтиришларича, Ҳазрат Юсуф Ҳамадонийга Аллоҳ таоло шундай каромат берган эканки, ул зот қайси мамлакатга қадам қўйсалар, ўша жойдаги барча шароблар ўз - ўзидан сиркага айланар экан. “Ҳикоят борки, қачонки у жаноблари (яъни Хожа Юсуф Ҳамадоний) бирор шаҳарга кириб келсалар, ўша шаҳар шаробхоналаридаги шароб сиркага айланган, ҳеч қачон бу шаҳарда шароб етилмас эмиш.

Қачонки (Хожа Юсуф Ҳамадоний) Хуросондан Бухорога йўл олди, Амуйя суви дан (яъни Амударёдан) ўтаётган эдилар, Бухоро вилоятида бўлган ҳамма шароблар сирка бўлган. Бухоро халқи, бу кароматни кўргач, ҳаммалари у (яъни Хожа Юсуф Ҳамадоний) жанобларига эътиқод қилганлар. Ҳар қачонки у киши Бухорога йўл олса, (ва шаробнинг сиркага айланиш) воқеаси юз бергач, шунда ҳамма (аҳоли) у жанобнинг йўлига чиқар эдилар”<sup>55</sup>.

Юсуф Ҳамадоний даврида “Самарқанд, ҳатто Амударё бўйидаги вилоятлардан тортиб, Қора Хожагача, Хоразм вилоятидан то Бадахшонгача бўлган минтақада бидъатчи ва нафсу ҳавосига тобе бўлган бирон эътиқоди бузуқ киши қолмади”<sup>56</sup>. Ана шунинг ўзи ҳам Юсуф Ҳамадонийнинг кароматларидир.

Бу кароматларни юзага келтириш учун кароматгўйда жуда катта кучкуват бўлиши лозимлигини тасаввур қилиш орқали, Юсуф Ҳамадонийнинг улуғворлигини ҳис этиб, ҳайратланади киши. Шайхнинг турмуш тарзи, доимо ҳалол луқмага, пок либосга, зоҳирий ва ботиний покланишга амал қилиши, қалби ва қўллари доимо дуода бўлганлиги, фақат эзгу амаллар

<sup>54</sup>Носир-ад-дин Тўра ибн Амир Музаффар ал – Ҳанафий ал- Бухорий. Хожа Баҳо-ад-дин Нақшбанд ва у киши ҳазратларининг устозлари ҳамда муредлари. Илмий-оммабоп тўплам. Бухоро.,1993 й., 9-10 бетлар

<sup>55</sup> Носир-ад-дин Тўра ибн Амир Музаффар ал – Ҳанафий ал- Бухорий. Хожа Баҳо-ад-дин Нақшбанд ва у киши ҳазратларининг устозлари ҳамда муредлари. Илмий-оммабоп тўплам. Бухоро.,1993 й., 9-бет.

<sup>56</sup>“Мақомот”, 28-бет.

килиб юрганлиги боис унинг ҳар бир қадами муборак яъни баракали бўлган. У қадам босган юртларда тинчлик, хотиржамлик, фаровонлик ҳукм суриб, илму маърифат ўчоғи гуркираб турган.

Демак, Юсуф Ҳамадоний Шарқ Уйғониш даврининг йирик мутафаккири сифатида бой маънавий мерос қолдирган. Мазкур маънавий мерос ёш авлодни юксак маънавиятли қилиб тарбиялашда муҳим аҳамиятга эгадир.

## **II БОБ. ЮСУФ ҲАМАДОНИЙНИНГ БУЊЁДКОР ҒОЯЛАРИ**

### **2.1 Тириклик - тинчлик ва хотиржамликдир**

Юрт тинчлиги миллий мафкурамизнинг асосий бунёдкор ғоясидир. Тинчлик ва хотиржамлик фаровонлик ва иқтисодий тараққиётнинг, инсонлар бахтли яшашининг асосидир. Тинчлик бўлмаган жойда уруш – жанжал юз беради. Халқимизнинг “Бир кун уруш бўлган жойдан қирқ кун барака кетади” деган ҳикматли гапларида чуқур маъно бор. Чунки, уруш – жанжаллар инсонлар, халқлар соғлигига ҳам, иқтисодий равнақига ҳам катта зарар келтиради. Инсонларга тинч, сокин, хотиржам яшаш сирлари, йўлларини ўргатувчи асарлардан бири Юсуф Ҳамадонийнинг “Рутбат ул - ҳаёт” асаридир.

Юсуф Ҳамадонийнинг “Рутбат ул - ҳаёт” асари илк бора Сайфиддин Сайфуллоҳ ва Нодирхон Ҳасанлар томонидан 2003 йили ўзбек тилига таржима қилиниб, “Ҳаёт мезони” номи билан “Янги аср авлоди” нашриётида чиқарилди ва халқимиз бу нодир меросдан баҳраманд бўлди. Таржимонлар Юсуф Ҳамадонийнинг “Рутбат ул - ҳаёт” асарини нашрга тайёрлаган ва муқаддима ёзган доктор Муҳаммад Амин Риёхий ва шу рисола туркчага таржима қилган Наждат Тўсунлар нусхалари асосида ўзбек тилига ўгириб, китобхонларга тақдим этганлар.

Юсуф Ҳамадонийнинг “Рутбат ул - ҳаёт” асари дин ва тасаввуфнинг нозик саволларига жавоб тарзида ёзилган. Ўн тўртта саволга жавоб бериш

жараёнида инсон камолоти учун муҳим бўлган тушунчалар – инсон, унинг танаси, нафси, қалби, руҳи, ислом, иймон, эҳсон, зикр, фикр, амал, дунё ва охираат билан боғлиқ масалалар атрофлича таҳлил этилган.

“Барча нарса инсон ва унинг бахт-саодати учун” бўлган жамиятимизнинг фаровонлиги ва тараққиёти ҳар бир инсоннинг ўзлигини англаши, ҳаётини мазмунли ўтказишига боғлиқ. Юсуф Ҳамадоний мазкур асарда инсонни барча махлуқотлар ичида энг улуғ хилқат эканлигини таъкидлаган. Аммо, гўзал тақвимда яратилган инсонда камол топиб, илоҳийлик даражасига юксалиш бахти билан бирга таназзулга учраб, ҳайвоний даражага тушиб қолиш хавфи ҳам мавжуд. Асарда “инсонийлик” ва “ҳайвонийлик” сифатлари, белги ва хусусиятлари очиқ берилган.

Юсуф Ҳамадоний асарда инсон ҳаётини уч босқичга: ислом билан яшаш, иймон билан яшаш ва эҳсон билан яшашга ажратади ва ҳар бир даража учун хос бўлган мазкур асосларни таҳлил этади.

“Рутбат ул – ҳаёт” асари “Тирик (жонли) ким ва тириклик (ҳаёт) нима?” – деб берилган саволга Юсуф Ҳамадонийнинг: “Билгинки, басират ва яқин аҳли қошида тирик – бу тинч – осуда кишидир. Тириклик эса тинчлик - хотиржамликдир”,<sup>57</sup> деган жавоби билан бошланади. Юсуф Ҳамадоний асарда инсонларнинг бир қисми дунё, яъни моддий нарсалар билан осуда , тинч ва сокиндир, иккинчи қисми эса илоҳий, маънавий нарсалар билан хотиржамдир, деб ёзади. Биринчи гуруҳ дунё моли, безакларини жамлаш, тўплаш билан яшайди. Бундай ҳаёт тарзини Юсуф Ҳамадоний алданиш, жуда қадрсиз ва тубан даража, деб таърифлайди. Чунки, бундай одам ҳайвон, ҳашарот, қушлар билан баробардир, улар каби эрта-ю кеч қорнини тўйдириш ғамидадир.

“Парранда, дарранда ва ҳашаротларни бўйсундирган, фаҳму ақл ва омонат юклатилган муаззам ва мукаррам инсоннинг тасалли топиш мақоми ва мартабасининг мазкур ҳайвонлар билан тенг мавқеда бўлиши нақадар уят

---

<sup>57</sup> Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони (Рутбат ул-ҳаёт).-Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2003 й.,10-11 бет.

ва хунукдир”<sup>58</sup> - дея таъкидлайди Юсуф Ҳамадоний. Дарҳақиқат, бундай инсонлар ҳайвонлар каби ейиш, ичиш, жуфтлашиш, маскан ва либослари билан ором ва тасалли топади. Шунингдек, ўзининг инсоний мақоми ва даражасини сира ўйлаб кўрмайди. Ҳолбуки, Аллоҳ инсонни ҳайвонлардан устун, азиз ва бутун борлиқнинг гултожи қилиб яратиб, жамики мавжудотни унга бўйсундирди. Юсуф Ҳамадоний бундай тубанликка тушган инсонларга қарата куйинчаклик билан мурожаат қилади: “Бу ожиз, бечора ва унутувчан инсон “Махлуқотни бошқариш ва мусаххар қилиш (бўйсундириш) либосини менга нима учун кийдирдилар?” - деб ўйламайдими?”. Илм, заковат ва идрок тожини бутун яратиклар орасида нима учун менинг бошимга қўйдилар? Ибодат ва бандалик ёзувини нега менинг пешонамга ёздилар? Кўкларда ва ерда менинг номимни нима учун дўстлик ва муҳаббат билан машҳур қилдилар? Бир юз мингдан ортиқ пайғамбарлик нуқтаси, саййидлик унсури ва саодат марказини барча махлуқот орасидан нима учун фақат мени Ҳаққа даъват қилиш учун юбордилар?”<sup>59</sup> Бу билан Юсуф Ҳамадоний инсонни онгли, фаҳм-фаросатли қилиб яратилганлигини таъкидлаб, у инсонийлик даражасида яшаши лозимлигини уқтиради. Юсуф Ҳамадоний ҳайвонийлик даражасидан юқорига чиқа олмаган кишиларни ғофил деб атайти ва аксинча, ўзини англай олган ҳамда инсонийлик даражасига юксалганларни огоҳ ва хушёр кишилар дея таърифлайди.

Юсуф Ҳамадоний “Рутбат ул – ҳаёт” асарида нафс масаласига алоҳида эътибор қаратади. У нафсни – “Инсон вужудининг ҳаммоли ва вужуд ишларини бажарувчи улов”,<sup>60</sup> - дея таъриф беради. Ейиш, ичиш, кийиниш ва оила қуриш нафснинг истакларидир. Нафс истакларини меъёрда сақлаш, жиловлай олиш инсон камолоти учун жуда муҳим ҳисобланади. Нафс истаклари ҳаддан ошса, меъеридан ортса инсон тубанлашиб, нафс қулига айлана боради. Муаллиф фикрича, инсон бу моддий оламда қисқа муддат

---

<sup>58</sup> Ўша жойда, 12-бет.

<sup>59</sup> Ўша жойда, 13-бет

<sup>60</sup> Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони (Рутбат ул-ҳаёт).-Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2003 й.,14 - бет.

яшаб ўтувчи мавжудот эмас. Бу олам инсон учун охиратнинг зироатгоҳидир. Яъни, инсон ҳаёти давомида қилган ҳар бир эзгу ва хайрли амаллари охират учун захира бўлиб йиғилиб боради. Шунинг учун инсон ўз нафси ва истакларига ўз эҳтиёжи даражасида ҳамда меъёрда муносабатда бўлиши лозим. Инсон ҳамиша ўз нафсини жиловлай олиши лозим.

Юсуф Ҳамадоний инсоншунос олим. У ҳар бир инсоннинг эҳтиёжлари турлича бўлишини, тана хусусияти ва мижози билан фарқ қилишини асослаб беради. Тана инсонга эзгу ва хайрли ишлар учун хизмат қилиши лозим. Бу борада Юсуф Ҳамадоний қуйидагича фикр билдиради: “Бадан дин йўлида ғозийнинг отидан ва ҳожининг туясидан афзал бўлмаганидек, тубан ҳам эмас”. Эзгулик йўлида хизмат қилаётган инсон танасининг эҳтиёжларини кондириш ҳаётий заруратдир. Мазкур фикр халқимизнинг “Мен ейиш учун яшамайман, балки яшаш учун ейман”, деган ҳикматли сўзларига ҳамоҳангдир. Ҳою ҳавасларга берилиб, нафс истаклари учун яшайдиган кишининг танасини Юсуф Ҳамадоний қароқчи ва йўл тўсарларнинг оти ҳамда туясига ўхшатади.

Асарда “Қўли ва тилидан бошқа мусулмонлар хотиржам бўлган киши ҳақиқий мусулмондир” деган ҳадисни шарҳлаш асосида, нафсининг меъёрини билган инсон бировга озор етказмайдиган, яхши-ёмонни, ҳалол-ҳаромни биладиган хушмуомала киши сифатида таърифланади.

Ислом тинчлик, хотиржамлик, аҳилликка чорловчи диндир. Юсуф Ҳамадонийнинг фикрича, агар инсон танаси эзгулик йўлида хизмат қилса, ислом билан яшаш ҳисобланади. Бундай ҳаёт тарзи натижасида тана покланиб қалб поклигига эришилади. Покиза қалбда иймон гавҳари яшайди ҳамда эзгу ниятлар ҳосил бўлади. Ана шундай яшаш тарзини аллома иймон билан яшаш дея таърифлайди. Шунингдек, аллома Аллоҳ инсонни кўриб тургани каби ва инсон ҳам унинг мавжудлигини ҳис қилиб ҳаракатда бўлишини эҳсон билан яшаш дея таъкидлайди.

“Рутбат ул - ҳаёт” да Юсуф Ҳамадоний ғазаб хусусида қуйидагича таъриф беради: “Ғазаб шундай бир иллатки, на тадбиркор ақл ва на буюрувчи

қалб унга бас келаолмайди. Бу иккови ғазаб оловининг таъсирида сўниб, бу ҳолдаги кишидан ақлга мақбул бўлмаган ва кўнгилга ўтирмайдиган баъзи ишлар юзага келади”<sup>61</sup>. Ғазаб иллоти инсоннинг нуруни ўчириб, хайвоний хис-туйғулар оловида ёндиради. Асарда Юсуф Ҳамадоний ғазаб иллатидан қутулиш йўлларини кўрсатади. Инсон тинч-хотиржам яшаши учун ғазаб қуввати устидан ғолиб чиқиши керак. Алломанинг фикрича, инсон ғазабланган вақтда ўзини жиловлай олсагина ҳақиқий кучли кишига айланади.

Мазкур асар инсоннинг ўзлигини англаши йўлидаги муҳим тушунчаларни - тана, қалб, рух, сир каби мураккаб тушунчаларни илмий ўрганиш борасида қимматли манба ҳисобланади. Юсуф Ҳамадоний инсон танасининг сўзи ва бажарадиган ишларини бодом ёки ёнғоқнинг пўстлоғига, қалб тафаккурини уларнинг мағзига, инсон руҳи ва сирни эса бодом ёғига ўхшатади. Муаллиф асарнинг яна бир бошқа жойида баданнинг сўз ва амалларини юлдузга, қалбда уйғонадиган фикр ва тушунчаларни ойга, инсон руҳи ва сирини қуёшга ўхшатади. Инсон руҳига аслларнинг аслидир, дея таъриф беради.

Асарда Қуръон оятлари асосида одамнинг вужудга келиш жараёнига эътибор қаратилади. Она раҳмида Аллоҳ қудрати билан фарзандга жон ато этилиб, аввал у нутфа – бир зарра сув, кейин алақа – лахта қон, сўнгра парча гўшт ва суяк яратилади. Руҳ бутун инсон баданини доимо ҳаракатга келтиради. Инсон ирода ва ихтиёри ҳам руҳ орқали юзага чиқади.

Юсуф Ҳамадоний Қуръон оятлари ва ҳадислар асосида инсонларнинг турфа хусусиятларга эга кишилар эканлигининг сабабларини изоҳлашга эътибор қаратади. Аллома бунга сабаб инсонларнинг фитратлари турли хил маъданлар ва тупроқлардан яратилганлигидадир, дея изоҳлайди. Турфа хилдаги одамларни бир-бирига яқинлаштирадиган амал – бу ўзаро саломлашиш эканлигини уқтиради. Дарҳақиқат, “Ассалому алайкум” ибораси “Мен сизга тинчлик-хотиржамлик тилайман” деган маънони

---

<sup>61</sup>Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони (Рутбат ул-ҳаёт).-Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2003 й., 33 - бет

англатади. “Салом” деган сўз арабчадан олинган бўлиб, “тинчлик” деган маънони англатади. Бу сўз Қуръони Каримда 40 (қирқ) марта учрайди. Халқимиз маънавий меросида тинчликнинг аҳамиятини ёритиб берувчи таъсирчан, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган жуда кўплаб ривоятлар мавжуд. Уларда тинчлик ҳукм сурган жойдагина инсон фаровон яшаши учун зарур бўлган саломатлик, бойлик, бахт ва саодатга эришиши мумкинлиги кўрсатилган.

Тадқиқотларда хотиржамлик инсон баркамоллигининг мезони эканлиги баён этилган<sup>62</sup>. Дарҳақиқат, тинчлик ва хотиржамлик инсоннинг ўзидаги бор имкониятларини эзгу ишларга сафарбар этишига ёрдам беради. Рухий осойишталик, тана саломатлиги, қалб сокинлиги учун ҳам тинч – осуда ҳаёт зарурдир.<sup>63</sup>

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Юсуф Ҳамадонийнинг “Рутбат ул-ҳаёт” асарини ўрганиш ва унинг мазмун - моҳиятини ёш авлод онгига сингдиришнинг аҳамияти каттадир. Чунки, бу асар бир томондан, инсоннинг ўзлигини англашга ёрдам берса, иккинчи томондан унга ҳам жисман, ҳам қалбан, ҳам руҳан осойишта, тинч, хотиржам яшаш йўллариини ўргатади. Ахборот хуружи авж олган глобаллашув шароитида турли минтақалардаги нотинчликлар, уруш оловини ёқиш истагидагилар, ўзларининг машъум ниятларига эришиш йўлида ислом динини ниқоб қилиб олган қора кучларнинг вайронкор ғояларидан ёшларимизни ҳимоя қилишда Юсуф Ҳамадонийнинг мазкур асаридаги тинчликка ундовчи бунёдкор ғоялар долзарб аҳамият касб этаверади.

Юсуф Ҳамадонийнинг “Рутбат ул - ҳаёт” асаридаги тана ва руҳга муносабат ҳақидаги ғояларини алоҳида таҳлил этишни зарур деб билдик<sup>64</sup>. Барча фалсафий, ҳикматий, ирфоний таълимотлар марказида инсон туради.

---

<sup>62</sup>Наврўзова Г., Юнусова Г. Ўзликни англашда хотиранинг ўрни ва роли. Т.: “Чашма Принт” 2013 й.,105-109-бетлар.

<sup>63</sup> Зоиров Э., Алимова М. Саломатлик фалсафаси. Т.: “Турон замин зиё”, 2015 й. 90-96 бетлар.

<sup>64</sup>Қаранг:Наврўзова Г., Зоиров Э.Х., Юнусова Г. Тасаввуфда инсон ва унинг камолоти масаласи. Т.: “Фалсафа ва ҳуқуқ институти”, 2006 й.,133 б.

Инсон қандай мавжудот, у нималардан ташкил топган, унинг ҳаёт мазмуни нима, оламда унинг ўрни ва мақоми қаерда деган саволлар буюк ақл ва қалб эгаларини ўйлашга мажбур этган. Бу азалий ва доимий муаммоларни ечиш учун буюк файласуф, донишманд, аллома, оқилу орифлар ўз фикрларини айтганлар, асарлар ёзганлар. Шулар қаторида хожагон, нақшбандия, яссавия таълимотининг пиру устози шайх, олим, ориф Юсуф Ҳамадоний ҳам бу масалада қимматли ғояларни илгари сурган.

Юсуф Ҳамадоний инсонга бутун борлиқнинг сарвари, энг ҳурмат ва иззатга сазовор махлуқот сифатида баҳо беради. Бутун борлиқ, жонли ва жонсиз табиат, наботот ва ҳайвонот инсон учун яралгани ва унинг тасарруфида эканлигини таъкидлайди. У инсонни тана ва руҳдан иборат мавжудот сифатида таҳлил этади.

Юсуф Ҳамадоний инсон вужудини бир жойда бадан, бошқа жойда тана, учинчи жойда вужуд иборалари орқали таҳлил этади. У инсон танасини куйидагича таърифлайди: “Бадан - дин омонат топширган бир уловдир ва шариат вазифаларини бажарувчи ҳаммолдир”<sup>65</sup>. Дема к, Юсуф Ҳамадонийнинг фикрича, инсон учун тана улов, яъни от – туя каби асл манзил-маконга, охираат зиёратгоҳига етишга ёрдам берувчи воситадир. Шунингдек, инсон ўзига юклатилган вазифаларни бажариши учун тана ҳаммол, яъни ёрдамчидир. Юсуф Ҳамадоний танани, бир томондан, дин омонат топширилган улов деса, иккинчи томондан, шариат вазифаларини бажарувчи ҳаммол деб баҳо бермоқда. Бунинг моҳиятини тушуниш учун дин, омонат, шариат каби тушунчаларнинг мазмунини англашимиз керак. Дин араб тилидаги ишонч, ишонмоқ сўзидан олинган бўлиб, борлиқни яратувчи ва бошқарувчи, адолатнинг юксак намунаси, моддий оламга хос бўлмаган ва айни вақтда баркамолликнинг олий кўриниши сифатида тушунилувчи олий мавжудотга, яъни худога нисбатан муносабат, тасаввур, урф-одаат ва маросимлар мажмуидир. Омонат бутун мавжудотлар ичида

---

<sup>65</sup>Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони. (Рутбат ул-ҳаёт) /Таржимон ва сўзбоши муаллифлари Сайфидин Сайфуллоҳ, Нодирхон Ҳасан. Т.: Янги аср авлоди. 2003. 19-бет.

Одамга юклатиган Аллоҳни таниш ва ибодат қилиш вазифасидир. Бундан шундай хулоса келиб чиқади-ки, Юсуф Ҳамадоний фикрича, инсон учун тана Аллоҳни таниш, Аллоҳ омонатини бажариш, Аллоҳ берган неъматлар шукрини адо этиш, яъни улардан меъёрда фойдаланиш, уларни исроф этмаслик, ибодат этиш улови сифатида хизмат учун яралган.

Ибодат кенг маънодаги тушунча бўлиб, ҳадисда айтилишича, ўн қисмдан иборатдир. Унинг тўққиз қисми ҳалол лўқма учун ҳаракат, бир қисми фарзларни бажаришдир. Инсоннинг ҳалол лўқма учун ҳаракат қилиши, деҳқоннинг ерга уруғ экиши ва ҳосил олиши, ҳунарманднинг деҳқон ва одамлар учун зарурий асбоб-ускуналар ясаши, олимнинг илм йўлида таҳсил олиши учун тана улов вазифасини бажаради. Шариат вазифаларини бажариш мақсадида таҳорат қилиш, либос, жойни поклаш, намоз ўқиш ва ҳоказолар учун қўл, оёқ, кўз ва танадаги барча имкониятлар ҳаммол, ёрдамчидир. Дарҳақиқат, танада жойлашган мия фаолияти ёрдамида инсон фикр юритади, кўз ёрдамида кўради, кулоқ билан эшитади, бурун билан ҳидлайди, тишлар билан овқатланади, ички узв (аъзо)лар билан уларни ҳазм қилиб, кераклисини танада сақлаб, чиқиндиларни олиб ташлайди, қўл билан меҳнат қилади ва оёқлари уни зарурий маконга элтади. Демакки, бадан зарурий, керакли улов ва ҳаммолдир. Юсуф Ҳамадоний инсон учун танани керак, зарурий деб ҳисобламақда. Юсуф Ҳамадонийни танани инсон камолоти учун зарурлигини таъкидлаши жуда ижобий ғоядир. Чунки тана руҳ учун зулмат деб руҳпарастлар умуман тананинг ролини ва ўрнини инкор этадилар. Тана талабларини умуман инкор этиш нотўғри эканлигини Юсуф Ҳамадоний тўғри таъкидлайди. У яна шундай изоҳлайди “бадан дин йўлида ғозийнинг отидан ва ҳожининг туясидан афзал бўлмаганидек, тубан ҳам эмас”<sup>66</sup>. Демак, тананинг мақоми ҳақ йўлига борувчи кишининг от ва туяси кабидир. Ғозийнинг дин йўлида ҳаракат қилишида қай даражада от зарур бўлса ва ҳожи туясиз ( XII асрда бу асосий транспорт бўлганлигини инобатга

---

<sup>66</sup>Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони (Рутбат ул-ҳаёт).-Т.: “Янги аср авлоди”, 2003 й., 19 - бет.

олиш лозим. Г.Н.,Н.Н.) ҳажига бориб, фарзини адо этишдек бахтга муяссар бўла олмаса, инсон учун ҳам тана от ва туя каби улов ва ҳаммол мақомида экан. Ундан тубан, яъни паст мақомда эмас экан.

Юсуф Ҳамадонийнинг қараши Ибн Сино билан уйғундир. Ибн Сино инсон танасини восита, омил дея баҳо бериб, унинг инсон камолоти учун зарур эканлигини таъкидлайди. Юсуф Ҳамадоний ҳам инсон танасини улов ва ҳаммолга ўхшатиб, унинг инсон камолоти учун муҳимлигини уқтиради. Бу икки мутафаккир турли иборалар билан танага таъриф бераётган бўлсалар ҳам, икковлари ҳам инсон учун тана роли ва ўрнини инкор этмасдан зарурлигини тан оладилар.

Юсуф Ҳамадоний инсон танасининг тузилиши ҳақида ҳам фикр юритган. У инсон танаси ҳақида тўхталиб, “Тўрт унсур (тупроқ, сув, олов, ҳаво) сенинг фитратинг ва мижозингдир. Унсурлардан иборат ҳар бир мавжудотда махлуқотнинг кейин яратилганлиги ва ўлимга маҳкумлигига доир минглаб аломат ва нишонлар бор”<sup>67</sup>, - дейди. Демак, тана фонийдир.

Рух – маънавий, руҳий, номоддий ибтидони ифодаловчи тушунчадир. Юсуф Ҳамадоний руҳга ҳам шундай таъриф беради: “Рух аслларнинг аслидир”.<sup>68</sup> Аллома руҳнинг ўрни ва мақомини шундай изоҳлайди: “Рухнинг борлиғи соясида бадан кўради, билади, эштади, ушлайди, юради”<sup>69</sup>. Юқорида биз танада мавжуд имкониятлар инсонни фикрлашга, кўриш, ҳидлаш, таъм билиш, эзгу ҳаракат қилишга ёрдам беришини айтган эдик. Лекин кўзнинг кўриши учун ҳам, миянинг тафаккур қилиши учун ҳам, кулоқнинг эшитиши-ю, қўл-оёқнинг ҳаракати учун ҳам баданга руҳ кирган бўлиши лозим. Демак, руҳсиз тана ўлик улов ва ҳаммол кабидир. Танага руҳ кирганида ундаги барча имкониятлар уйғониб, токи руҳ унда яшар экан инсонга хизмат қилади. Демак, руҳнинг мақоми юксакдир. Лекин тана бўлмаса инсон ўз олдидаги вазифаларни бажара олмайди. Бу ғоялардан маълум бўлаяпти-ки, Юсуф Ҳамадоний моддиюнчилар каби фақат танани

<sup>67</sup>Ўша жойда. 37-бет.

<sup>68</sup>Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони (Рутбат ул-ҳаёт).-Т.: “Янги аср авлоди”, 2003 й.,49-бет.

<sup>69</sup>Ўша жойда.

инсон учун асосий деб ҳисобламайди. Тана ва рух масаласида меъёрга амал қилинган Юсуф Ҳамадонийнинг инсон тўғрисидаги таълимоти моддиюнчи ёки рухпарастларнинг таълимотлари каби бир томонлама ва чекланган эмас.

Юсуф Ҳамадоний тана ва рухнинг ўзаро чамбарчас боғлиқ эканлигини ва бири – иккинчисини тақозо этиши ва уларнинг борлиги инсон тирикчилигининг асоси эканлигидан далолат беришини айтади. “Рухнинг хусусият - фазилатлари туфайли доноликда қатъият, назарда фаросат ва ибрат, эшитишда ҳикматни англаш, эргашишда итоат, юришда хизмат юзага келади”<sup>70</sup>, – дейди Юсуф Ҳамадоний. Демак, инсоннинг танада жойлашган аъзолари рух ёрдамида фақатгина оддий кўриш, эшитиш... каби вазифаларни бажармай, балки шу билан бирга миянинг тафаккур қуввати, назар (кўз орқали кўриш)да фаросат ва ибрат, эшитишда ҳикмат мағзини англаш, қўл-оёқнинг ҳаракати охираат озиғи учун эканлигини ҳис қилиш каби улуғвор ва юксак мақомга етишишига ёрдам берар экан. “Жўмардлик йўли, мушоҳада жойи, фазл мавзеси, карам макони, яқинлик қароргоҳи, кудсият маскани, ҳаёт маҳали, унсият бўстони, севги-дўстлик водийси, муҳаббат денгизи, сукунат майдони ва мукошафат йўли жон - рухдир”<sup>71</sup>, - деб таърифлайди Юсуф Ҳамадоний. У тана ва рух бир-бирини тақозо этиши, боғлиқлиги билан бирга улар умуман бир-биридан фарқ қилишини қуйидаги тарзда изоҳлайди: “Нутфа, алақа, гўшт, суяк, соч ва юз каби бошқа борлиқлар ҳам рухга ўхшамайди, улар жонсиз, қотиб қолган ва ўликдир. Лекин бу борлиқлар рух билан доимо тирик, ҳаракатда ва тоза, бузилмайдилар, сасимайдилар ва йўқ бўлиб кетмайдилар”<sup>72</sup>. Демак, ҳаётнинг, ҳаракатнинг, тоза-озодаликнинг, аслиятнинг сақланишининг асоси рух экан. Шунинг учун, унга “аслнинг асли”, дея берилган таъриф тўғридир.

Юсуф Ҳамадоний рух орқали инсоннинг аъзолари ҳаракатланиши, натижада инсон ўз фаолиятини амалга ошириши мумкинлигини

---

<sup>70</sup>Ўша жойда.

<sup>71</sup>Ўша жойда.

<sup>72</sup>Ўша жойда. 50-бет.

таъкидлайди. У яна шундай рухни таърифлайдики, “Ирода ва ихтиёр ҳам унда”<sup>73</sup>. Демак, инсон нима ишни ирода этса ва ихтиёр қилса у ҳам рух қувватидан экан. “Рух кўришда кўздир ва кўзда кўришдир ва кўрадиган кўзнинг кўрувчисидир. Рух кўришни ҳам кўради. Шунингдек, эшитиш ва эшитилган, сўзлашув ва сўзлашилган, хидлаш ва хидланган, топиш ва топилган, англаш ва англашганингнинг эшиги ҳам рухдир”<sup>74</sup>.

Юсуф Ҳамадоний инсон танасига рух дам урилганидан сўнг покиза бўлган соф фаришталар Одамга сажда қилгани ҳодисасини шарҳлашга асосланиб ёзадики, агар рух жавҳар ва зот жиҳатидан фаришталардан кўра покроқ, тозароқ ва софроқ бўлмаганда, Ҳаққа яқинлик ва макон жиҳатидан улардан улуғворроқ бўлмаганида эди, фаришталар рухга сажда қилмаган бўлардилар.

Юсуф Ҳамадоний “Одам алайҳиссаломга рух уфурилгач, унинг бошидан оёғига қадар нурининг шуъласидан порлаб, нурланиб кетди. Малакут олами аъзоларининг ҳар бир зарраси бу офтоб нурининг порлашидан янада жонланди, нурланди. Бутун коинот ҳайбат ва итоатга йўналди”<sup>75</sup>, - деб ёзади. Демак, рух танага уфурилгач, инсонга бутун борлик сажда этиб, унинг хизматига шай бўлди. Бу ғояни кўп шоиру носирлар тасвир этганлар. Масалан, Саъдий Шерозий ҳам бутун коинот инсоннинг хизматида эканлигини қуйидаги мисралари орқали баён этади:

Абру, боду, маху, хуршеду фалак дар коранд,

То ту ноне ба каф орию ба ғафлат нахўри<sup>76</sup>.

Мазмуни:

Булут, шамол, ой, қуёш ва фалак ишдадирлар.

Токи, сен нонни қўлга киритсанг ва ғафлат билан емасанг.

Рухнинг аслларнинг асли дейиш билан бирга, Юсуф Ҳамадоний саҳиҳ ҳадисларга асосланиб рух жисмдан олдин яратилганлигини ва одамларнинг

---

<sup>73</sup>Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони (Рутбат ул-ҳаёт).-Т.: “Янги аср авлоди”, 2003 й., 50-бет.

<sup>74</sup>Ўша жойда.

<sup>75</sup>Ўша жойда. 51-бет.

<sup>76</sup>Саъди Шерозий. Гулистон. Қўлёзма. 5а-в.

калбан бир-бири билан уйғун ёки ихтилофли бўлиши рухнинг тониши ва бегоналаниши, улфат бўлиши ёки ихтилоф қилишига боғлиқ деган фикрни эмас, балки, бадан, қалб, рухларда фарқ йўқ, фарқ инсоннинг ўз бадани, қалби ва руҳи воситасида қилган амалларида кўринади, дейди. Демак, Юсуф Ҳамадоний инсоннинг танаси ва руҳи уйғун бўлган ҳаётлик вақтида ўзига берилган неъматлардан қандай фойдаланганлиги, эзгу ёки ёмон амаллар қилганлигига қараб баҳоланишини таъкидлаш билан, инсонни бутун борликда устун қилиб кўядиган ақлу идроки, фахму фаросати, тил ва тафаккур қувватларини нима мақсадда сарфлаганлиги унинг ҳаёти мезони эканлигидан огоҳ қилади. Инсон улардан эзгулик йўлида фойдаланиб ҳақиқий инсон, ҳазрати инсон бўлиши мумкин. Шу билан бирга унга берилган имкониятларни англамай тубан ҳайвон даражасига тушиши ҳам мумкин.

Юсуф Ҳамадонийнинг фикрича, одамнинг ҳайвонийлик даражасида қолиб кетиши ёки инсонийлик даражасига кўтарилиши унинг ўз бадани ва руҳига қандай муносабатда бўлишига боғлиқ. Буни изоҳлашда у тирик ва тириклик тушунчаларидан фойдаланади. Ҳар бир мавжудот нима биландир тинч, хотиржам эканлигини тирик тушунчаси орқали изоҳлайди. Баъзилар фақат ейиш, ичиш, кийиниш каби ҳайвоний истакларини қониқтирганда осуда – хотиржам бўладилар. Бу жуда тубан даража бўлиб, ҳайвон кабидир, дейди устози комил.

Юсуф Ҳамадоний тана истакларининг албатта, нафс билан боғлиқ ҳолда юзага келишини ҳам қайд этади. У инсон ўз вужудининг ҳаммоли ва вужуд ишларини бажарувчи улов бўлган нафснинг ейиш, ичиш, кийиниш ва оила қуриш каби эҳтиёжу истакларини ҳаддан ошишдан сақлаши, уларни ўзининг ҳузур - ҳаловат манбаи ва асоси деб билмаслиги керак дейди. Бунинг учун дунё молини йиғишда ҳаддан ошмаслик, эҳтиёжга кўра еб-ичиш, рўзғор тебратиш, оила қуриш ва ҳоказо билан кифояланиш ҳамма учун зарурийдир. Зеро, булар билан чалғиб таскин топиш ҳайвонлар мартабаси эканини унутмаслик лозим. Инсонга бу нарсалар вужуд ҳаммоли бўлган

нафсининг яшаши учун заруратдир. Юсуф Ҳамадоний заруратнинг меъёри хамда чегараси бўлиши лозимлигини таъкидлаш билан бирга заруратнинг мутлақ ва бепоён эмаслигига эътиборни қаратади.

Кўриниб турибдики, Юсуф Ҳамадоний тана истакларини нафс билан боғлайди, нафсни жиловлаш ва танани инсоний вазифаларни бажариш учун зарурий даражада озиклантиришга доимий амал қилган тақдирдагина инсон ўз мақоми мезонга мос келади, деган хулосага келади. “Маълумки, ўсимлик, ҳайвон, одам – табиатан бир хил жонзотлардир. Уларнинг ҳаммаси бирдек нафсга эга”<sup>77</sup>, - дейди профессор О. Файзуллаев ва буни қуйидагича таҳлил этадики, ўсимликлар нафси чегараланганлиги боис улар ҳаёт учун зарур меъёрдан ортиқча озуқа олишга эҳтиёжи йўқ. Ҳайвон ва одамда эса озик-овқатларни керагидан ортиқча истеъмол қилиш ҳоллари учраб туради. Бу нафсининг жиловланмаганлиги оқибатидир. Меъёрдан ошган нафс зарарлидир. Шунинг учун ҳам нафсга берилиш ҳайвон даражасида тубанлашишдир.

Юсуф Ҳамадоний тана истакларига берилган, нафс истакларига кўмилган одамларни “дунё билан тирик” ва ҳайвон мақомидагилар деб таърифлайди. У Ҳақ таоло зикри ва амри билан ҳаловат топувчи кишиларни “Мавло билан тирик” дейди ва ҳақиқий инсон деб улуғлайди.

Инсон камолоти учун ўзлигини билиш ва хузур ҳаловатининг манбаларига эътибор қаратишни муҳим деб билиб, Юсуф Ҳамадоний то хузур-ҳаловат манбаи ўзгармаса, ҳаёт – тириклик ўзгармайди, деган фикрга келади. Алломанинг таъкидлашича, ҳақиқий инсонда бадан ислом учун ишлайди ва яшайди. Қалб эса иймон учун ишлайди ва яшайди. Кўнгилнинг ёрдамисиз бадан бир иш қилолмайди, бадансиз эса кўнгил мушоҳада ва висолга эришолмайди. Бадан кўнгилга, кўнгил баданга чамбарчас боғлиқ. Баданнинг исломи – мусулмончилиги кўнгил ёрдамисиз, кўнгилнинг иймони эса бадан кўмагисиз рўёбга чиқмайди. Булар орасида фарқ шундаки, ғайбни кўриш ва идрок этишда қалб пойдевор вазифасини бажаради, бадан эса бунга

---

<sup>77</sup>Файзуллаев О. Нафс, жон ва рух. (Қуръон, тасаввуф ва фандаги талқинлари). Т.: Akademiya, 2005. 28-бет.

бўйсунди. Биринчи бўлиб, кўз кўради, ундан кейин ғайбий тушунча юзага келади. Чунки, ислом билан тасалли топишда аввало зохирий бадан, сўнгра эса иймон билан таскин топишда ботиний қалб асос ҳисобланади.

Юсуф Ҳамадоний инсон танаси билан боғлиқ истакларни нафс деб атайди, нафс жиловланса тана итоатда бўлади ва бундай тана эзгуликка хизмат қилгани учун мусулмон мақомига етади, дейди.

Юсуф Ҳамадоний инсоннинг маънавий камолотини қалб, сир ва рух ҳолати билан боғлайди. Аллома фикрича, инсон қалби Ҳақ йўлида бўлса Иймон мақомига эриша олади, Ҳақнинг инсонни кўриб тургани каби инсон ҳам Ҳақни ҳис қилиб туриши ҳолати - бу сир ва рух ибодати бўлиб, бунда инсон Эҳсон мақоми даражасига кўтарилади. Демак, Юсуф Ҳамадоний фикрига кўра, инсон руҳи камолотининг даражалари қалб, сир, рух бошқичлари бўлиб, Эҳсон энг юксак мақомдир. Унда рух бутун вужудни Ҳақ йўлига хизматда бўлишини бошқариб туради.

Юсуф Ҳамадоний бу мақомларни қуйидагича шарҳлайди: “ақлли ва покиза инсонлар дуруст ва тўғри ишлари уйғоқ қалбдан вужудга келишини биладилар. Саҳиҳ (тўғри) фикрлар тамиз сирларидан ҳосил бўлади. Покиза сир эса соф ва муқаддас, тоза руҳдан вужудга келади”<sup>78</sup>.

Юсуф Ҳамадоний ўзининг “Ҳаёт мезони” асарида инсон моҳиятини изоҳлашни тирик тушунчаси билан бошлайди. “Тирик бу тинч-осуда кишидир. Тириклик эса тинчлик ва хотиржамликдир”, - деб ёзади Юсуф Ҳамадоний. Шундай кишилар борки улар фақат дунёвий нарсалар билан тирикдир. Бу энг қадрсиз ва тубан даражадир. Чунки бундай одам ҳайвон, ҳашаротлар билан тенг ва улар билан шерикдир. Фаҳм ва ақл билан шарафланган инсон ҳайвон мақомидан уялиши фарз ва вожиб, у ҳайвонлар роҳатланадиган нарсалар билан ором топишдан ҳаё ва ор қилиши керак, дейди Юсуф Ҳамадоний ва унинг акси бўлган охират ишлари билан таскин топадиган инсонларнинг даражасини улуғлайди.

---

<sup>78</sup>Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони. 48-бет.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Юсуф Ҳамадоний бадан дин омонат топширган бир улов ва шариат вазифаларининг бажарувчи ҳаммолдир, шунинг учун унинг талабларига меъёр асосида амал қилиш даркор дейди. Инсон тана ва руҳдан иборат мавжудот. Тана истаклари билангина таскин топиши ҳайвоний даражадир. Қалб, руҳ охираат учун мақбул ишлар билан озиқланиб, таскин топиши асл инсоний даражадир. Юсуф Ҳамадоний таълимотининг диний ва дунёвий жиҳатдан қимматли томони шуки, бадантанани умуман инкор этмайди. Балки, уни инсон камолоти учун муҳим восита, улов, ҳаммол сифатида баҳолайди. Шунинг учун ҳам инсон унинг талабларига меъёр билан, мўътадил муносабатда бўлиши лозимлигини айтади. Бу жуда тўғри қарашдир. “Ҳою ҳавасга эргашиб, нафс васвасаларига буйсуниб, шариатга хилоф амалларни бажариши учун баданни таомлаштирган инсон от ва туяга ем-хашак бериб, уларнинг кучи билан йўлтўсарлик қиладиган қароқчи, ёки бир мусулмонни ноҳақ ўлдириш учун қиличини қайраган кишига ўхшайди”<sup>79</sup>, – дейди Юсуф Ҳамадоний ва бу ҳолат ҳаром ишлигини таъкидлайди.

Инсон камолот даражасини Юсуф Ҳамадоний Ислом, Иймон, Эҳсон мақомларига ажратиб, улардан эҳсон олий мақом деб ёзади. Ислом мақомида бадан, иймон мақомида қалб, эҳсон мақомида сир ва руҳ камолга етган, Ҳаққа таслим бўлган бўлади.

Юсуф Ҳамадонийнинг тана ва руҳга оид ғоялари Абдулҳолик Гиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбандларнинг хожагон ва нақшбандия таълимотларидаги “Даст ба қору, дил ба Ёр” (Қўл ишдаю, қалб Аллоҳ билан) шиорининг вужудга келишига ғоявий асос бўлиб хизмат қилган. Натижада бу таълимот аҳли хилватни анжуманда қилиб, ҳалол меҳнат билан тананинг қувватларини эзгулик йўлида сарфлаб, мудом Ҳақни қалбда зикр этган, тафаккур ва шукрда бўлган. Айнан бу таълимотларнинг тана ва руҳ истакларига меъёрда муносабати, “Даст ба қору, дил ба Ёр” лик талаби уларни жаҳон миқёсида тарқалишига ва ҳозирги кунда ҳам тирик бўлиб

---

<sup>79</sup>Ҳожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони. (Рутбат ул-ҳаёт) Т: Янги аср авлоди. 2003. 19-бет.

яшашига имкон берган. Шунинг учун ҳам, Юсуф Ҳамадонийнинг ғоялари бунёдкор бўлиб, баркамол инсон тарбияси учун муҳимдир.

Юсуф Ҳамадонийнинг “Ҳаёт мезони” (Рутбат ул-ҳаёт) асаридаги ғоялардан қуйидаги умумий хулосаларни чиқариш мумкин:

- Инсон тана ва руҳдан таркиб топган ва бутун борликда энг олий мақомда турган зотдир.
- Тана руҳсиз ўлик ва ҳаракатсиз. Руҳ танасиз ўз олдидаги вазифаларни бажара олмайди. Тана руҳсиз, руҳ танасиз камол топа олмайди. Инсон ҳаёти учун иккови ҳам зарур.
- Тана нафс билан боғланган. Тана ҳузур-ҳаловатини меъёрида сақлаш учун нафсни жиловлаш лозим.
- Руҳ аслларнинг асли, латиф, боқийдир. Инсон камолоти қалб, сир ва руҳ мақомлари даражасидадир.
- Қалб покланиши билан Иймон мақомига етади.
- Сир ва руҳнинг мақомлари ва инсон камолотининг олий даражаси Эҳсондир.
- Тана ва руҳ аслини билиш ва уларга меъёрида муносабатда бўлиш зарур.
- Тана фоний. Ундаги нафс истакларига берилиши инсонни ҳайвоний ҳолатга, тубанлашувига олиб келади. Шунинг учун, нафсни таниш ўз-ўзини англаш, билишнинг асосидир.
- Нафси жиловланган, бўйсундирилган тана руҳ итоатида бўлиб, эзгуликка хизмат қилади ва Ислому мақомида бўлади.
- Тана ва руҳ истакларига бундай меъёрда муносабатда бўлиш инсон ҳаёти учун зарур.
- Инсон ўзига берилган ҳаётий имконият тана ва руҳ қувватларини эзгуликка сафарбар этиши ва шу билан тинч, хотиржам яшаши ўз тириклик мезонини билишини англатади.

- Инсон ўз ҳузур-ҳаловати, хотиржамлиги манбаини тўғри англаши, меъёрига, мезонига етказиши ўз номига муносиб тирик мавжудот бўлишига имкон беради.
- Юсуф Ҳамадонийнинг инсонга оид таълимоти моддиюнчи ва рухпарастлардан фарқли, у томонга ҳам, бу томонга ҳам, оғмасдан меъёрдаги, бунёдкор ғоядир.

## 2.2 Меъёр - инсон ва коинот муносабатининг асосидир.

Юсуф Ҳамадонийнинг “Инсон ва коинот ҳақидаги рисола”сида инсон бутун мавжудотлар ичида энг улуғ, азиз ва мукаррам зот эканлигига урғу берилиб, коинотдаги неъматлар инсон учун яралганлигига эътиборни қаратади. Аллома рисоласининг бошида Қуръони Каримнинг “Жосия” сурасини шарҳлаш асосида бутун борлиқ инсон учун яралганлиги ва унинг тасарруфига берилганлигини таъкидлайди. Муаллиф инсонга берилган бу неъматдан меъёрида фойдаланиш зарурлигига урғу беради.

Юсуф Ҳамадоний ўзининг “Инсон ва коинот ҳақидаги рисола”сида инсоннинг бахтли, соғлом, фаровон яшаши учун ўз меъёрини билиши ва бутун борлиқ билан уйғун ҳаракатда бўлиши лозим, деган бунёдкор ғояни илгари сурган. Алломанинг фикрича, инсоннинг камолотга эришувида коинот билан инсон ўртасидаги муносабат меъёрда бўлиши жуда муҳим.<sup>80</sup> У ўз асарларида инсон билан коинотнинг бир – бирига муҳтожлигини, лекин инсон ундан ўзининг эҳтиёжига нисбатан кўпроқ фойдаланса ўзини ҳам, коинотни ҳам, хатарга қолдиришини таъкидлаб, шундай ёзади: - “Дарҳақиқат, коинот ожиздир, чунки, у сизнинг хизматингизга топширилган, сиз ҳам ожиз ҳожатмандсиз. Фойдаю манфаатга, яроқли нарсаларга муҳтож бўлганингиз учун дунё сизларга бўйсундирилди. Коинотнинг кадр – қиммати ва устунлиги очик – ойдин маълум. Зеро, у сиз учун фойдалидир.

<sup>80</sup> Қаранг: Наврўзова Г., Зоиров Э.Х., Юнусова Г. Тасаввуфда инсон ва унинг камолоти масаласи. Т.: “Фалсафа ва ҳуқуқ институти”, 2006 й., 133 б.

Сизнинг коинотдаги устунлигингиз ҳам очик – ойдин равшан. Чунки, унинг фойдали ва завқли жиҳатларидан фойдаланишингиз мумкин. Шу боис коинот бир томондан ожиз бўлса, бир томондан Саид Хожадир, яъни устундир. Сиз ҳам бир жиҳатдан бошқарувчисиз, иккинчи жиҳатдан ожизу мухтожсиз. Коинотнинг ожизлиги сизга мухтож бўлгани сабаблидир. Устунлиги эса сенинг коинот ва унинг хизмати туфайли ҳаёт кечира олишингдир”<sup>81</sup>.

Коинот, оддий қилиб айтганда, инсон ва уни ўраб турувчи борлик, олам ва ундаги мавжуд бўлган барча нарсалар, ҳодисалар, наботот ва ҳайвонот оламидир. Ундаги барча нарсалар бир – бири билан ҳамма вақт узвий равишда боғлиқдир. Юсуф Ҳамадоний инсон асосини тўрт унсурга бўлиб, ўзларининг “Ҳаёт мезони” асарларида шундай изоҳлаган: - “Бу тўрт унсур (тупроқ, сув, олов, ҳаво) сенинг фитратинг ва мижозингдир”<sup>82</sup>.

Юсуф Ҳамадоний инсон ҳаёти ва камолотини коинот билан узвий боғлайди. Демак, инсон бутун борлик билан чамбарчас боғлангандир. Буни у куйидаги асослар билан исбот этади:

1. “Коинот бир таомдир. Сен уни еб, ўзингда ҳазм қиласан. Коинот ичимликдир. Уни ичиб тугатасан. Коинот кийимдир. Сен уни кийиб эскиртирасан. Коинот маскан – уйдир. Сен унда яшайсан”<sup>83</sup>. Емоқ, ичмоқ, кийинмоқ, манзил-макон сифатида коинотдан фойдаланишда меъёрга эътибор бериш лозим. Бизни ўраб олган наботот, ҳайвонот олами, боғу роғлар инсон хизматида. Лекин, инсон улардан меъёрида фойдаланишга одатланиши лозим ва бу унинг камолотига ёрдам беради.

2. “Коинот иссиқлик ва совуқликдир”<sup>84</sup>. Бундан ҳам ҳар бир инсон ўз эҳтиёжи ва мижозига кўра фойдаланиши лозим. Коинотдаги йил фасллари, барча ўсимлик, ҳайвонот олами ўзига хос иссиқлик ва совуқлик табиатига эгадир. Инсон табиатдаги ушбу иссиқлик ва совуқликка муносабатни

---

<sup>81</sup>Хожа Юсуф Ҳамадоний. Инсон ва коинот ҳақида рисола. \\\ Хожа Абдулхолик Гиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Т: Янги аср авлоди, 2003. 84-85 бет.

<sup>82</sup>Хожа Юсуф Ҳамадоний. Ҳаёт мезони. (Рутбат ул-ҳаёт) Т: Янги аср авлоди. 2003. 32-бет.

<sup>83</sup>Хожа Юсуф Ҳамадоний. Инсон ва коинот ҳақида рисола. 85 - бет.

<sup>84</sup>Хожа Юсуф Ҳамадоний. Инсон ва коинот ҳақида рисола. 85 -бет.

англаши ва ўзининг табиатига мос ҳолда фойдалана олиши тана ва рух камолоти учун муҳимдир.

Табиатдаги иссиқлик ва совуқликнинг уйғунлиги меъёрининг инсон омили таъсирида бузилиши натижасида планетамизга глобал иссиқлик хавф солмоқда. Олимларнинг фикрича, Ер юзидаги экологик ўзгаришлар оқибатида 2050 - йилга бориб атмосферадаги ўртача ҳарорат 1,5 – 4,5 даражага кўтарилиши кутилмоқда. Бу инсоннинг соғлигига ўзининг салбий таъсирини ўтказиши аниқ. Шу боис инсонлар табиат мувозанатини сақлашга ҳаракат қилишлари зарурдир. Юсуф Ҳамадонийнинг мазкур ғоясидан нафақат иқлим бузилишининг олдини олишда, балки ҳар бир инсон кийиш, ейиш ва ичишда ҳам унга қатъий амал қилиш борасида фойдаланиши мумкин. Иссиқ мижоз ёки совуқ мижозли кишилар бу ғояга тўғри амал қилсалар соғликларини ҳимоя қила оладилар. Аксинча бўлса, турли хил аллергия касалликларга дуч келишлари мумкин.

3. “Коинот нур ва оловдир”<sup>85</sup>. Табиатда инсон учун қуёш нури каби фойдали, нефть, газ, кўмир каби энергия манбалари мавжуд. Инсоннинг бу манбалардан меъёридан ортиқ ўз манфатларини кўзлаб фойдаланиши натижасида турли хил экологик муаммолар вужудга келмоқда. Масалан, атмосферанинг юқори қисмида озон қатлами сийқаланиб, Антарктида ва Арктика устидаги туйнуклар кенгайиб бормоқда. Озон қатламининг емирилиши натижасида барча жонли мавжудотларга ҳалокатли таъсир этадиган қуёш радиацияси нурлари учун йўл очилиб, экологик фалокатлар рўй бериши мумкин.

Нур ва оловдан ҳам киши тўғри фойдаланиши лозим. Агар биз кўз нури мисол қилиб олсак, ҳар бир инсон шу кўз нури ўзига ва халқига, керакли нарсаларга ишлатса, кераксиз, беҳуда, ноҳўя нарсалардан олиб қочса, албатта унинг кўз нури камаймайди ва у эзгуликка хизмат қилади, Юсуф Ҳамадоний “Коинот” асаридаги “нур ва олов”ни инсонлар характерида ҳам ўхшатиб “Ҳаёт мезони” асарида ҳам нури бир қалб

---

<sup>85</sup>Ўша жойда

нурига, яъни эзгуликка, оловни эса ғазабга ўхшатиб шундай изоҳлайди: “Фитратига ғазаб олови сачраган киши тўғрисида нима дейсан? Бу ғазабнинг таъсири ва ҳокимлиги унинг фитрати устидан ғолиб келади. Ғазаб шундай бир иллатки, на тадбиркор ақл ва на буюрувчи қалб унга бас кела олади. Бу иккови ғазаб олови таъсирида сўниб, бу ҳолдаги кишидан ақлга мақбул бўлмаган ва кўнгилга ўтирмайдиган баъзи ишлар юзага келади. Зеро, бу ҳолат Иблис эгаллаб олган кишилар сифатидир. Баъзан уларда ғазаб оташи кучайиб, улар гўё йиртқич ҳайвонларга дўнадилар. Баъзан шаҳват оташи зўрайиб, уларни ҳайвонга айлантириб қўяди. Ғазаби ва шаҳвати ғалаба қозонган бу инсоннинг қалбида нур қолмайди, натижада ақлининг таъсир кучи ҳам йўқолади.”<sup>86</sup> Комил инсон нурий (нурли) инсондир. У ғазаб, нафрат, кина каби норий (нурсиз) одамга хос иллатлар устидан ғолиб бўлиб, нур ва олов қувватларидан тўғри фойдалана олади.

4. “Қоинот сув ва тупроқдир”<sup>87</sup>. Инсон организми сув, тупроқ ва бошқа унсурлардан иборат, бунда ҳам ҳар бир инсон, хоҳ у олим бўлсин, хоҳ у бошқа касб соҳиби, сув ва тупроқдан ўз эҳтиёжига яраша фойдаланса, инсон саломатлиги учун жуда фойдалидир. Шунингдек, инсон ўз асли сув ва гил эканлигини билса камтарин, хоксор бўлади. Бир кун аслига қайтишини англаши унинг камолотига ёрдам беради.

Юсуф Ҳамадонийнинг бу ғояларини унинг шогирдларидан бири Аҳмад Яссавий ҳам ўз ҳикматларида қуйидагича назмий баён этган:

Бешак билинг, бу дунё барча элдин ўтаро,

Инонмағил молиннга, бир кун қўлдан кетаро.

Ота — она, қариндош қаён кетти, фикр қил,

Тўрт оёғлиғ чўбин от бир кун сенга етаро.

Дунё учун ғам ема, ҳақдин ўзгани дема,

Киши молини ема, сирот узра тутаро.

Аҳли аёл, қариндош - ҳеч ким бўлмайдур йўлдош,

---

<sup>86</sup>Ўша жойда

<sup>87</sup>Ўша жойда

Мардона бўл, ғариб бош умринг елдек ўтаро.

Қул Хожа Аҳмад, тоат қил, умринг билмам неча йил,

Аслинг билсанг обу гил, яна гилга кетаро.

Сувни меъёрида ишлатмаслик оқибатида жуда кўп ривожланган давлатларда ичимлик сувининг танқислигидан қийинчиликлар юзага чиқмоқда. Айни шу мамлакатлардан 42-45 % км<sup>3</sup> ҳажмида саноатдан чиққан ифлос оқава сувлар сув хавзалари, кўл, денгиз, океан сувини ўзининг захарли таркиби билан булғамоқда. XXI аср бошларига келиб, тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёж дунё микёсида ўтган асримизнинг 90 - йилларига нисбатан яна 2,3-2,5 баробар ошди.

Тупроқни асраш инсоният учун муҳим муаммолар даражасига кўтарилмоқда. Деҳқончилик маҳсулотларини етиштиришда турли хил сунъий ўғитлардан фойдаланиш ҳам тупроқ таркибига ўз таъсирини ўтказиши тайин. Бундай тупроқда етиштирилган маҳсулот асосида тайёрланган озиқ –овқатлар ва кийим-кечаклар инсон соғлиги учун салбий таъсири кўрсатади.

5. “Коинот ҳаво ва шамолдир”<sup>88</sup>. Булардан ҳожатинг доирасида ишлатсанг, сенга фойдалидир. Лекин ҳожатдан ортиб кетса, сени ўлдиради, маҳв этади, ҳалок қилади. Сен улардан тасарруфинг доирасида фойдаланиб, яшашинг учун ишлат, ҳожатингдан ортиғини тарк этгин, дейди Юсуф Ҳамадоний.

6. “Коинот оила куриш ва никоҳланишдир”<sup>89</sup>. Агар ҳар бир инсон буни тўғри тушуниб оиласига соғлом фикр билан қараса у инсон учун манфаатли, завқли ва лаззатли бўлади. Бироқ оиласига нисбатан носоғлом фикрларга ва номақбул ишларга ҳаддан ошса, аллома фикрича, ундай инсоннинг қалбига, баданига ва ақлига зиён этади. Инсон ўзига берилган бу имкониятдан наслини давом эттириш, фарзанд кўриш каби эзгулик учун фойдаланиши лозим.

---

<sup>88</sup>Хожа Юсуф Ҳамадоний. Инсон ва коинот ҳақида рисола. 85- бет.

<sup>89</sup>Ўша жойда.

Бутун борлиқ жуфт яралган ва шунинг учун кўпаяди. Инсон ҳам ўз наслини давом эттириш мақсадида оила куради. Никоҳ муқаддасдир. Шунинг учун Юсуф Ҳамадоний оила куриш масаласини никоҳ билан бирга таҳлил этган. Никоҳ асосида қурилган оила икки жинс учун ҳам манфаатлидир. Аммо никоҳсиз муносабатлар, зино, фаҳш ишлар турли касалликларга олиб келади. XXI аср вабоси бўлган спид касаллиги каби турли хил ўта хавфли касалликларнинг юзага келиши ана шундай муносабатларнинг натижасидир.

7. “Коинот инсонлар билан бирга бўлиш, халқ билан аралашидир”<sup>90</sup>.: Бунда ҳам ҳар бир инсон гапириши, юриш туриши ва ҳар бир қилаётган ишининг меъерини билиши лозим. Агар бу ишлар меъеридан ошса у баданни эритиб, қалбни куйдиради.

Инсонлар билан бирга бўлиш, халқ билан аралашидиш эзгу ният билан амалга оширилса ижобий натижаларга олиб келади. Аксинча, инсонлардан узоқлашиш, узлатда бўлиш, чилла ўтириш ва халқ билан беҳуда вақтни ўтказиш тана ва руҳ учун зарарлидир.

8. “Коинот уйқу ва уйғоқликдир”<sup>91</sup>. Бадан ва руҳ камолоти учун уйқу ва уйғоқлик жуда фойдалидир. Агар биз улардан эҳтиёжимиздан ортиқ фойдалансак баданимиз ва табиатимизга зарар етади. Уйқудан кам фойдаланиш эса киши жисмини хароб этади ва кундан кунга заифлаштиради.

Уйқу ва уйғоқлик масаласи баданнинг ривожиди ва инсон табиатининг янгилиниши – тозаланиши учун зарурдир. Уйқу меъерида бўлса инсон соғлом, чاقқон ва тетик бўлади. Меъерида ухламаслик тана ва руҳни толиқтиради. Сурункали уйқусизлик – касаллик ҳисобланади.

Уйғоқлик масаласи ҳушёрлик, огоҳлик билан уйғундир. Уйқу ва уйғоқликка нисбатан инсонларнинг табиати турличадир. Ҳар бир инсон ўз меъерини билиши ва шунга муносиб ухлаб, уйғоқ бўлиши лозим.

---

<sup>90</sup>Ўша жойда.

<sup>91</sup>Ўша жойда. 86 -бет

9. “Коинот ейиш, ичиш, эшитиш, ҳидлаш, сўз, иш, ҳаракат ва тўхташдир”<sup>92</sup>. Агар ҳар бир инсон шулардан ҳам табиати кўтарадиган даражада фойдаланса у инсон учун фойдали ва лаззатлидир. Ҳар бир инсон шуларга эътиборли бўлса ҳаёти фаровон, сокин ва кераксиз ташвишлардан холи бўлади. Ҳар бир инсон ўз ҳолига ўзи шафқат қилиши керак, бу учун у нафсига, баданига, табиатига ортиқча нарсалардан ўзини йироқ тутмоғи лозим бўлади ва натижада вужудининг бардавомлигини таъминлаган бўлади.

10. “Коинот тафаккур ва ботиний ишларда мушоҳада юритишдир”<sup>93</sup>. Инсонга бошқа мавжудотлардан фарқли ақл юритиш, тафаккур қилиш учун имкон берилган. Шунинг учун инсон ҳар бир қилаётган ишини тафаккур қилиши, яъни шу иш тўғрими ёки нотўғрилигини билиши, ҳар бир сўзини тафаккур қилиши, оқибати ижобий ёки салбий бўлишини фикрлаши лозим бўлади. Лекин бу теран тушунчалар инсон тузилишининг чегарасидан ошиб кетса у инсоннинг сезгирлигини, ҳушёрлигини маҳв этади ва натижада ақлу идрокини барбод этади.

11. “Коинот ирода ва истакдир”<sup>94</sup>. Инсон ўз хизматидаги ҳар бир нарсага ҳукмрон. Инсон ўзига берилган ирода ва истакни эзгуликка ишлатса яшаши, борлиги ва барқарорлигини сақлайди. Аксинча, у ўзининг ирода ва истагини ёвузликка ишлатса, албатта ўзига ҳам, коинотга ҳам, атрофидагиларига ҳам, зиён келтиради. Ундай кишилар ҳам руҳан, ҳам жисмонан соғлом бўлолмайдилар. Бу ҳақда Юсуф Ҳамадоний шундай фикр беради: “Сенинг бу ҳолатда яшашинг, борлигингни давом эттиришинг ва барқарорлигингни сақлашинг, боқий ва давом этишинг учун фойдалисини олиб, зарарлисини тарк этсанг, натижада сен яшайсан. Шунда тассаруфинг остида бўлган нарсалар сендан ҳукмдор ва Парвардигорларига шикоят қилмайдилар”.

---

<sup>92</sup>Ўша жойда.

<sup>93</sup>Ўша жойда.

<sup>94</sup>Ўша жойда

Демак, ҳар бир инсон ўз кўз нурини, куч-қудратини, қўллари, оёқлари ва бутун вужудини, ҳис туйғуларини ақл-идроқини беҳуда нарсаларга ишлатмай фақат эзгуликка қаратса, ундан одам ҳам, олам ҳам, коинот ҳам миннатдор бўлиб, у камолотга етади. Юсуф Ҳамадоний, бир томондан, инсон учун яралган коинотни тафаккур этишга чақирса, иккинчи томондан, инсонни шу катта оламнинг кичик нусхаси эканлигини, коинотдаги барча нарсалар унинг танасида мавжудлигини ва шунинг учун инсон коинотни тафаккур этиб, ўзини англаши ва ўзини билиб Ҳақни таниши лозимлигини таъкидлайди.

Умумбашарий муаммолардан бири сифатида экологик муаммолар инсониятнинг бахтли ҳаёт кечиришига хавф солаётган бир вақтда Юсуф Ҳамадонийнинг “Инсон ва коинот ҳақида рисола”сида кўрсатилган инсон ва коинот ўртасидаги муносабатнинг 11 жиҳатини ўрганиш, мазмун - моҳиятини ёшлар онгига сингдириш аҳамиятлидир. Бу рисола ёшларнинг экологик онгининг юксалишига, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида юзага келадиган муаммоларнинг олдини олишда тарихий манба ва тарбиявий восита сифатида муҳим аҳамият касб этади.

### 2.3 Инсон камолотининг тўрт асоси

Юсуф Ҳамадонийнинг инсон камолоти масаласига доир асари “Одоби тариқат”рисоласидир. Мазкур рисола номи маъносини шарҳлайдиган бўлсак, “Одоби тариқат” форсча ибора бўлиб, у “тариқат одоби” маъносини англатади. “Тариқат” араб сўзидан олинган бўлиб, “йўл” маъносига эгадир. Бу йўл инсонни комилликка элтувчи йўлдир. Тариқат сўзи тасаввуфда икки маънода келади. Биринчиси, инсонни комилликка элтувчи йўлларнинг номи: хожагон тариқати, яссавия тариқати ва бошқалар. Иккинчиси, тариқатда бўлган инсоннинг камолот босқичларидан бирининг номи. Инсон камолотга эришувида тасаввуфий таълимот асосида тўрт босқичдан ўтиши лозим: шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат. Юсуф

Ҳамадонийнинг “Одоби тариқат” рисоласида хожагон тариқатида – камолот йўлида бўлган инсонларнинг одоби ҳақида сўзи боради. Бу асарда инсонни илоҳийлик сифатига эга бўлиши учун зарур бўлган одоб қоидалари ёзилган.

Комил инсон – ижтимоий тараққиётнинг асосий ғояларидан бири. Комил инсон ғояси ва уни амалга оширишга бўлган интилишлар инсоният цивилизациясининг маъно – мазмунини ташкил қилади. Тарихга назар ташласак, ҳар қандай жамиятда комилликнинг энг асосий кўрсаткичи инсоннинг эзгуликка, ижтимоий бахт - саодатга, гуманистик ғояларга муносабатида ҳамда уларга асосланган амалий фаолиятида намоён бўлади, яъни, жамиятнинг умумий ривожига, инсоният цивилизациясига ижобий таъсир кўрсатувчи комиллик мезони шахснинг баркамоллиги орқали жамиятни бахт-саодатли қилишдан иборат бўлиб келган. Инсондаги комиллик, энг аввало, унинг фикр, тафаккур ва амалий фаолият эркинлигини англашидадир. Шу маънода буюк юнон файласуфи Сукротнинг: “Ўзинг-ўзингни бил”, - деган даъвати ҳам инсоннинг ўз насл-насабини, ҳаёт мазмунини, кишининг келажак авлодлар олдидаги масъулият ва мажбуриятини англашга қаратилган чақириқдир. Комил инсоннинг моҳияти, аввало жамиятни баркамол қилиш йўлидаги саъй – ҳаракатларда намоён бўлади. Комил инсон ва жамият муносабатларида ўзаро боғлиқ бўлган икки жараёни кўриш мумкин. Биринчиси, комил инсоннинг жамият тараққиётига ижобий таъсир қилиши. Зеро, биз ҳар қандай жамиятни унда яшаётган кишиларнинг хатти-ҳаракатларига қараб баҳолаймиз. Иккинчиси, жамиятнинг характери, унинг комил инсон қилиб тарбиялаш борасидаги имкониятларида, унга бўлган муносабатида намоён бўлади. Яъни, эркинлик, мустақиллик комил инсон ғоясини амалга ошириш учун тегишли шарт-шароит яратади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда комил инсонни тарбиялаш учун ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий-ташқилий вазифалар давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши этиб белгиланган.

Комил инсон – тасаввуф фалсафасининг асосий тушунчаларидан бири бўлиб, ҳар жиҳатдан етук киши, ахлоқий жиҳатдан олий покликка эришган, борлиқ ва Аллоҳни англашда тўлиқ билимга эга бўлган инсон сифатларини англатади. Тасаввуф таълимотига кўра, Аллоҳ комил инсонда ўзининг барча хислат ва аломатларини бамисоли кўзгуда кўргандек кўриб туради. У борлиқнинг бир-бирига зид икки жиҳати: маънавий ва моддий жиҳатларини бирга қўшади. Унинг бутун олам учун бўлган фавқулодда аҳамияти ана шундан келиб чиқади-ки, у – Коинотнинг ботиний ҳукмдори, Олам яралишининг сабабчиси ва мақсадидир.

Комил инсон ғояси илк маротаба тарихий манба “Авесто”да ўз ифодасини топган. Ундаги “эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” қондаси асосида яшайдиган инсон комил инсон тимсоли ҳисобланади. Конфуций томонидан фанга киритилган. У комил инсон (цзюн – цзи) – ҳақидаги ғояни яратди. Цзюн-цзи, яъни юксак маънавиятли инсон икки асосий хусусиятга эга бўлиши керак: инсонийлик ва масъулият (аждодлар олдидаги қарз)ни ҳис қилиш. Комил инсон, энг аввало, ишончли ва фидоий бўлиши лозим. У бунинг учун тинимсиз, ўзини аямасдан ўз ҳукмдори, ўз отаси ва ўзидан катта барчага бирдай хизмат қилиши ва доимо камолот сари интилиши зарур<sup>95</sup>.

Комил инсон тушунчасини биринчи марта Шайхи Кабир номи билан машҳур бўлган Муҳйиддин Арабий (1165-1240) томонидан муомалага киритилганини кайд этмоқ жоиз. Комил инсон ҳақидаги таълимот сўфий файласуф Ибн ал-Арабий томонидан яратилган, кейинчалик унинг издошлари, жумладан Ўрта Осиёда Аҳмад Яссавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқалар томонидан ривожлантирилган.

Ибн Арабий наздида комил инсон бу ақли аввал ёки нафси аввал, ақли кулл тушунчалари билан маънодошдир. Чунки Тангри Таоло илоҳий Нурдан илк марта Ақли аввални яратди ва унинг сурату шаклини Комил инсон қиё-фасида зухур этди. Шунинг учун “Холақоллоху Одамо ало суратар–Раҳмону” (Аллоҳ одамни Раҳмон суратида яратди) деган ҳадис мавжуд.

---

<sup>95</sup>Мўминов А. Йўлдошхўжаев Ҳ. ва бошқалар. Диншунослик. Дарслик. Т: Мехнат, 2004. 75-Б.

Комил инсон, шу тариқа, Аллоҳнинг Раҳмону Раҳим сифатларига эга бўлди, дейдилар<sup>96</sup>.

Алишер Навоийнинг “Насойим ул - муҳаббат” асарида комил инсонга хос хусусиятлар, унинг шарқона фазилатлари санаб ўтилган. Булар қаторига улўғ мутафаккир қуйидагиларни киритади: тавба, ҳалол луқма билан қаноатланиш, ўз касбидан топиб кун ўтказиш, шариатга риоя этиш, барчадан ўзини кам деб билиш, ҳатто фарзандлари, хизматкорларига қўполлик қилмаслик, чучук тилли бўлиш – яхши, мулоғим тилли бўлиш, раҳмдил бўлиш, саҳий бўлиш, мард бўлиш, ҳалимлиқ, хушхулқ бўлиш, ризо-розилик билан кун ўтказиш, сабрли бўлиш, садоқатли, вафоли бўлиш, риёзат чекишдан қўрқмаслик ва бошқалар.

Комил, баркамол инсонни тарбиялаш, вояга етказиш ҳақида мусулмон Шарқи ахлоқи тарихида инсон ҳаёти учун дастуруламал, қўлланма вазифасини ўтаган кўп пандномалар, халқ китоблари мавжуд бўлган. Чунончи, Кайковуснинг “Қобуснома”, Саъдийнинг “Гулистон”, “Бўстон”, Амир Темурнинг “Темур тузуклари”, Абдурахмон Жомийнинг “Баҳористон”, Алишер Навоийнинг “Махбуб ул-қулуб”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи муҳсиний” ва бошқаларни кўрсатишимиз мумкин. Бу асарларнинг кўпчилигида одил шоҳ ва адолат, ҳалоллик, софлик, поклик, тўғрилиқ, ростгўйлик, инсонпарварлик, маърифатли бўлиш каби инсоннинг шарқона фазилатлари берилган. Мазкур асарлар муаллифлари каби Юсуф Ҳамадонийнинг ҳам “Одоби тариқат” асари ҳажман кичик бўлса-да, чуқур маънога эга бўлганлиги билан комил инсон тарбиясида қимматли манба бўлиб ҳисобланади.

Шайх Юсуф Ҳамадоний ўзининг “Одоби тариқат” асарида инсон ўзини комиликка етказиши учун хар куни бирор авлиёуллоҳнинг китобларидан 8-бет мутолаа қилганида, унинг кўнгли жонланади, деган фикрни берган. Асарда инсон камолоти учун тўрт асосга эътибор бериш лозимлиги таъкидлаб ўтилган.

---

<sup>96</sup>Сайид Содик Гуҳарин, Шарҳи истилоҳоти тасаввуф, 1-жилд, Техрон: 1444. 125 - бет

## Шайх Юсуф Ҳамадонийнинг “Одоби тариқат”

### асаридаги тўрт асос



Биринчи асос нафс риёзати бўлиб, бунда: «инсон шахвати ёки дунёвий орзу истаги ўлчовида эмас, балки ҳожат доирасида ейиши, ичиши, кийиниши керак»<sup>97</sup>, дейди Юсуф Ҳамадоний. Унинг бу ғояларининг мазмун – моҳиятини тушуниш ва амалда қўллаш учун нафс нима эканлигини англашимиз лозим.

Тасаввуф аҳлининг фикрича, “Ҳар ким нафсини таниса, батаҳқиқ парвардигорини ҳам танийди”. Шунинг учун бу таълимот нафсни билмоқ ва уни тарбиялашга алоҳида эътибор беради. Инсон камолотининг энг зарурий шарти нафс тарбиясидир.

<sup>97</sup>Хожа Юсуф Ҳамадоний. Одоби тариқат. // Хожа Абдуллоҳиқ Гиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Т: “Янги аср авлоди”, 2003. 78-бет

“Нафс инсоннинг моддий ўзлиги, “Мен”лигидир. Бизнинг ботинимизга бир идора этувчи, жисмимизни, моддий борлигимизни, ҳаёт учун зарурий манфаатларимизни кўриқлаш ва қўллаш мақсадида фаолият кўрсатувчи маънавий бир борлиқ нафсдир”<sup>98</sup>.

Нафснинг мавжудлиги зарурат ва унинг истаклари табиийдир. Лекин уни назорат қилиш, тарбиялаш ва ёмон иллатлардан поклаб туриш шарт. Чунки унинг табиий истаклари бажо этилаверса, у хаддидан ошади ва жиловлаб бўлмайдиган ҳолатга келади. Бобораҳим Машрабнинг бу борада айтган қуйидаги фикри бунга далилдир: “Нур бўлур эрдимки, нафс аждарҳоси бўлмаса”.

Нафснинг дастлабки ҳолати а м м о р а лик бўлиб, бу инсонни гуноҳларга ботиб юришига сабабчи бўлади. Уни манбаларда қуйидагича таърифлаганлар:

Нафси аммора бири, ҳам кўкдир унинг ранги,

Сифатлари еттидир, ҳам ҳайвони ваҳшийдир.

"Лааммаратул биссу" мазҳаридир,

Ҳирс, тамаъ, шахват, буғзу ҳасад, бахиллик феълидир.

Дарду зулум, ҳуббу дунё завқидир.

Салбу дунё, мавти жони хавфидир<sup>99</sup>.

Тасаввуф аҳли умумий нуқтаи назари бўйича, нафс (нафси аммора) барча ёмонлик, чиркинлик гуноҳларнинг дояси эрур. Жунайд Бағдодий “Куфрнинг асоси - нафснинг муроди эрур”, деса, Абу Сулаймон Дароний “Нафс ҳам хоин, ҳам ғаним эрур. Энг яхши амал унга қарши курашмоқдир”, дейди. Нажмиддин Комилов “Нафс – шайтон қутқуси, нафс – тубанликка тортадиган куч, нафс – хирсу ҳавас даракчиси, таъма, манманлик, жаҳолат, фаҳшни келтириб чиқарадиган қувват. Шунинг учун инсоннинг биринчи вазифаси ўз нафсини жиловлаб олиш, уни маҳв этишдир”,<sup>100</sup> - дейди.

<sup>98</sup>Жўшон М. А. Тасаввуф ва нафс тарбияси. Т.: Чўлпон, 1998. 13-бет.

<sup>99</sup>Сиддик Нажи Эрен. Аллоҳга ва расулига энг яқин йўл. Истанбул. 1992. 3-нашр: 229-бет.

<sup>100</sup>Комилов Н.Тасаввуф.-Т.:Мовароуннаҳр-Ўзбекистон, 2009.396-бет.

Ҳазрат Алишер Навоий ҳирсу ҳавас, нафсу ҳаво, зулму ситам ҳақида гапирар экан, уни қуйидаги сатрларда ифода этади:

То ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,  
То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас,  
То зулму ситам жониға бедод ўлмас,  
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.

Шунингдек, Навоий нафсни душмандан-да хавфли душман, унга тобе бўлиб ғанимни банд айлаши мумкин, лекин нафсни таслим этиш беҳад душвор, дея таъкидлайди:

Бўлиб нафсингга тобиъ, банд этарсен тушса душманни,  
Сенга йўқ нафсдек душман, қила олсанг ани қил банди.

Аммора нафсига хос бўлган бу иллатлар инсон қўл-оёқларини боғлаб, уни фақат ёмонлик қилишга чорлайди. Шунинг учун Юсуф Ҳамадоний инсон камолотининг биринчи асосини нафс риёзиёти, деб билади.

Инсон нафси тарбияланиб, мутмаина, розия, марзия, сафия даражасига етганида, унда малакавий, авлиё ва набийларга хос ҳамда илоҳий сифатлар юзага келади.

Нафс даражасига боғлиқ инсон ахлоқий камолот мақомларини билиши, ўрганиши, ажратиши инсонни ўз-ўзини англаши учун зарурдир. Нафс тарбияси руҳий камолот йўлида, маънавий баркамол инсонни тарбиялашда катта аҳамият касб этади.

Юсуф Ҳамадоний “Одоби тариқат” рисоласида нафс риёзати ҳақида ёзадики, агар бир кеча кундузда бир марта таом ейиш кифоя қилса, икки марта ейиш керак эмас, агар бир марта озгина ейиш кифоя қилса тўйиб емаслик лозим. Агар очлик оғир машаққат бўлса, ҳаётни очлик асосида куриш керак эмас. Бу фикрдан маълум бўладики, инсон ўз эҳтиёжи доирасида нафсига муҳолифат қилиши, аммо очлик билан ўзини машаққатда қолдирмаслиги керак. Инсоннинг ҳолдан тойиши ва нобуд бўлиши нафс риёзати эмас.

Юсуф Ҳамадонийнинг асарида нафс риёзати икки кўринишда бўлиб, биринчиси узлат, иккинчиси эса кам ухлашдир, деб кўрсатилган.

Узлат деганда Юсуф Ҳамадоний аввало “кўнгил муҳофазаси” ни назарда тутди. Бунда инсон ўз қалбини кибр, ҳасад, ғазаб, таъма, ғийбат, хирс ва шайтон васвасасидан муҳофаза қилиши лозим. Чунки, қалб бир покиза макон, яъни буюк Аллоҳ маконидир. Мана шу қалбни покиза сақлай олган инсонгина комиллик даражасига етади.

Узлатнинг бошқа мазмуни “зеҳн муҳофазаси”. Бунда ҳам инсон ўзининг зеҳнини муҳофаза, яъни уни ҳар хил кераксиз ўйлардан холи қилиши зарур. Зеҳн – бу хотира, хаёл қувватидир. Азалдан халқ орасида кам учрайдиган ўткир зеҳнли, қувваи ҳофизаси кучли, хаёлий даражаси жуда кенг бўлган инсонлар улуғланганлар. Инсон хотирасидаги гина, ғазаб, кераксиз фактлар инсон камолотига ғов бўлади. Шунинг учун зеҳнда керакли маълумотларни сақлаш лозим. Умр оқиб кетар дарё кабидир. Инсон умрини беҳуда хаёллар билан ўтказмаслиги, руҳини азобга қўймаслиги лозим. Чунки жон, рух, тана омонат экан, уни ҳар қандай кераксиз хаёллар билан азоблашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бир-бировимизга, ота-она, фарзандларга, ака-ука, қариндош-уруғ, кўни-қўшниларга кечиримли бўлиб, уларга нисбатан ёмон фикрларни зеҳнимиздан, хаёлимиздан олиб ташлаш камолотга имкон бўлади.

Юсуф Ҳамадоний ўзининг “Одоби тариқат” асарида нафс риёзатининг яна бир кўринишини “кам ухлаш”дир, деб изоҳлайди. “Кўп ухлашлик умрни зое этади, баданни бўшаштиради, иш унуми ва иштиёқини йўқотади”, деб таъкидлайди. “Киши бир кунда саккиз соатдан ортиқ ухламаслиги керак. Акс ҳолда инсон умрининг учдан бирини йўқотган бўлади”, - дея муаллиф Имом Ғаззолийнинг фикрига иқтибос келтиради.

Юсуф Ҳамадоний ўз асарида овқатланиш ва ухлашнинг шартларини баён этади ва овқатланиш шартларига қуйидагиларни киритади: инсон ейишга эҳтиёж сезганда, таҳоратли ҳолда, яқинлари билан бирга овқатланишга амал қилиш, шунингдек, “бисмиллоҳ” деб бошлаш ва неъмат

шукронасини келтириш, оғзига луқмани кичикроқ олиш, овқатни аста-секин истеъмол қилиш, бировнинг луқмасини емаслик. Ухлаш шарти: таҳоратли ҳолда ётиш, қорни тўқ ухламаслик, дуо, салаватлар ва Аллоҳ зикри билан уйқуга ётиш.

Аллома инсон камолоти учун зарур иккинчи асос деб, “Луқманинг ва ҳирқанинг яъни кийимнинг ҳалол бўлиши” зарур эканлигини таъкидлайди. Чунки, “ҳаром луқма туфайли қалбда нур ҳосил бўлмайди. Ҳаром либос билан эса ибодат завқини тотиб бўлмайди”<sup>101</sup>, - деб айтган. Демак, луқманинг ҳалоллиги, қалбда нур ҳосил қилар экан, бу эса танада шифо бўлар экан. Ҳалол еган кишининг умри хотиржам, файзли ҳамда уйқуси сокин бўлар экан.

Асарда Жунайд Бағдодийнинг “Ейиш-ичиш ва турар жой пок бўлса, бошқа барча ишлар тузалади”, - деган фикри асос сифатида келтирилади. Юсуф Ҳамадоний таъкидлайдики, “Ҳар бир инсон қуйидаги уч нарсани тўғри йўлга қўйиши зарур: ҳирқа (дарвешлар либоси), луқма ва маскан. Буларнинг уччаласи ҳам пок ва ҳалол бўлган тақдирда, кишининг барча ишлари ривож топади”.<sup>102</sup> Муаллиф ҳаром ва гуноҳ ишлардан эҳтиёт бўлиш ва парҳез қилиш лозим дейди, тўғри йўлда бўлмаган ҳаромхўр ва фосиқлар суҳбатидан узоқда бўлишни маслаҳат беради. Чунки, ёмон ҳамсуҳбат кишини йўлдан адаштиради, дея уқтиради.

Юсуф Ҳамадоний хожагон таълимотига киритган “Хилват дар анжуман” талаби ҳам ҳалол луқмага асосланади. Бу хусусда Баҳоуддин ўз муршиди Амир Кулолнинг қуйидаги ўғитларига катта эътибор берган: “Кўзни ҳаром кўришдан, кулоқни ҳаром эшитишдан, қўлни ҳаром ишдан, оёқни ҳаром юришдан сақлаш лозим”<sup>103</sup>, “Ризқингизни ҳалол касб билан топинг ва исроф қилманг”<sup>104</sup>, “Дил ва тилнинг поклиги ҳалол луқмадандир. Чунки одам меъдасини ҳавз каби билгин. Унда пок сувлар равондир. Ҳар гул

<sup>101</sup> Хожа Юсуф Ҳамадоний. Одоб тарикат. // Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Т: “Янги аср авлоди”, 2003, 79-бет

<sup>102</sup> Ўша жойда.

<sup>103</sup> Шаҳобиддин ибн бинту Амир Ҳамза. Мақомотит Амир Кулол. -Тошкент: Ильин. 1328 х. й. -С. 33.

<sup>104</sup> Ўшаасар. 35-бет.

ва мевае - ки сув ва тупроқдан ҳосил бўлади, у ҳам пок ва манфаатли бўлади. Ҳазрат расул буюрадиларки, кимки қирқ кун ҳалол луқма еса, Тангри унинг тили ва дилига илм ва ҳикмат булоғини очиб қўяди ва қалбини равшан қилади”<sup>105</sup>. Шулар асосида Баҳоуддин “хилват дар анжуман”нинг моҳиятини кўрган. “Хилват дар анжуман” таълимоти орқали Баҳоуддин инсон холис, риёсиз, ҳалол меҳнат қилиш билан камолотга энг яқин ва барчага мақбул йўл орқали етишишини кўрсатади.

Юсуф Ҳамадоний ўғитларига амал қилган нақшбандия тариқатининг аҳли ҳамма вақт ҳалол меҳнат қилиб, ҳалол луқма истеъмол қилганлар. Улар хилват, узлат, чиллада ўтирадиган, меҳнат қилмай текинхўрлик қиладиган шайхларни қаттиқ қоралаганлар ва танқид қилганлар. Уларнинг бу қарашларини Абдурахмон Жомий куйидагича назмга туширган:

Зи шайхи чилланишин дур бошу чиллаи вай,  
Ки ҳаст чиллаи вай сардтар аз чиллаи дай<sup>106</sup>.

Мазмуни:

Чилла ўтирадиган шайхдан узоқлашгинки,  
Унинг чилласи қишнинг чилласидан кўра совуқроқдир

Шу мазмунда ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанддан қолган куйидаги мисралар ҳам машҳурдир:

Ту то кай гўри мардонро парастӣ,  
Ба гирди кори мардон гарди расти<sup>107</sup>.

Мазмуни:

Қачонгача яхши одамлар қабрига сиғинасан,  
Уларнинг ишлари билан шуғуллансанг, камолга етасан.

“Луқма ейиш бу – уруғ сепишдир. Уруғни онгли ва хушёр ҳолатда экиш керакки, қуввати таом бўлсин”<sup>108</sup>, - дейди Юсуф Ҳамадоний.

<sup>105</sup>Ўшаасар. 33-бет.

<sup>106</sup>Чоми А. Асарҳои мунтахаб. Ҷ.5. Душанбе. 1964.- Саҳ. 303.

<sup>107</sup>Бертельс Е. Э. Джами:Эпоха, жизнь, творчество. – Сталинабад, 1949. - С. 66.

“Мақомот”да ёзилишича, Юсуф Ҳамадоний овқатга чанг ёки бирор-бир нарса тушса ундан емаган, бу билан билиш мумкин-ки, аллома ҳалол луқмага жуда катта эътибор берган.

Юсуф Ҳамадоний камолот учун зарур учинчи асос, деб “мужоҳада”ни киритган. Мужоҳада – бу курашмоқ, яъни шайтоний ва дунёвий, шахвоний бузуқ ишларга буюрувчи фикрлар билан курашмоқликни билдиради. Инсон доим шайтон васвасасига, нафс истакларига ва дунёга боғланиб қолишга қарши курашиши керак. Агар инсон ана шулардан мосуво бўлса камолотга етади.

Мужоҳадани Юсуф Ҳамадоний инсоннинг ўз ичидаги, ботинидаги асосий уч душманга – нафс, шайтон ва дунёпарастликка қарши курашмоқ, деб тушунтиради. Бу уч душман инсон ирода ва ихтиёрига эгалик қилиб, унинг камолотига ғов бўлади. Шайтон васваса қилиб, гуноҳ ишлар қилишга даъват этади. Нафс ҳийла-найранг орқали ифлос ишларга чақиради. Дунё эса инсон кўз олдида ўзига оро бериб, жилваланади ва инсонни ўзига хизмат қилишга чорлайди. Юсуф Ҳамадоний ёзади: “Мужоҳада сенинг ихтиёр ва ироданг ўрин олган кўнгил дарвозасига ўтириб, муроқаблага даъват этади”.<sup>109</sup> Мужоҳада кўнгилга келадиган фикр қаердан эканлигини англаб унга қарши курашади. Инсон қалбига келадиган фикрларни Юсуф Ҳамадоний тўрт хилга бўлади: шайтоний васваса, нафс ҳийласи, дунё севгиси ва илоҳий илҳом. Қалб нури билан инсон уларни таниши ва илоҳий илҳом билан Ҳақ йўлига бориши лозим.

“Одоби тариқат” асарида келтирилган инсон камолотининг тўртинчи асоси зикрдир. Яъни ўз аслини доим ёдда тутиши ва илоҳий сифатларни эгаллаши учун Ҳаққа юзланишдир.

Юсуф Ҳамадонийнинг мазкур асари ҳозирги кунда ҳам инсонни ўз нафсини таниш, ўз қалби ва зехнини муҳофаза қилиш, вақтини унумли, самарали ўтказиш, беҳуда ейиш ва ухлашдан сақланиш, ўз ботинидаги,

---

<sup>108</sup>Хожа Абдулҳолик Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Т., “Янги аср авлоди”, 2003 й, 25-бет.

<sup>109</sup> Юсуф Ҳамадоний. Одоби тариқат. 80-бет

қалбидаги ҳис – туйғу ва фикрларини таҳлил эта олиш, зарарлисидан ўзини ҳимоялаш, ижобий фикр билан ҳалол ва пок яшаш йўллари ҳақида сабоқ беради. Бу асарни эзгу ишлар қилиш услуб ва йўллари ҳақидаги дастуруламал десак ҳам адашмаймиз.

#### 2.4 Юсуф Ҳамадоний ҳикматлари

➤ Эй Абдулҳолиқ! Сулукдаги ҳақиқий йўл икки хилдир: сулуки зоҳирий, сулуки ботиний. Сулуки зоҳири шуки, ўзни ҳамма ҳолда шариат чегарасида тутгайсиз! Ва нафс ҳавосидан эҳтиёт бўлгайсиз ва вужудингиздаги барча аъзоларни (қўл, оёқ, кўз ва ҳоказо) шариат мақомида тутгайсиз.

➤ Сулуки ботиний қалбнинг покланишидир. Киши ўз қалбини ойнага айлантириши керак. Уни занг, ифлосликлардан тозаламоқ учун бисёр ҳаракат этиши даркор. Ботиний таҳорат-қалбнинг покланиши ҳисобланади. Ифлосликлардан қутулган қалб Аллоҳ зикрига гўё бўлгай.

➤ Ўлим, гўр азоби ҳақ, Мункар ва Накир савол-жавоби ҳақ, қиёмат куни ҳақ, гуноҳларни ва савобларни тарозида ўлчаниши ҳақ, Сирот кўприги ҳақ, жаннат ва дўзах ҳақдур.

➤ Кўзи очиқ киши шариат мулкини бус — бутун кўрадиган инсондир. Зеро шариат —нафс ва коинотнинг султонидир.

➤ Инсон дунё лаззатлари билан фароғат топишдан йироқлашмагунча диний вазифаларни ҳаққи билан адо этолмайди. Бир қалбда икки зид нарса ўрнашолмайди, келиша олмайди.

➤ Кўнгил дунё завқларига асир экан, ислом шарафи ва шонидан узокланиб, тубанлашиб бораверади. Натижада исломий тасаллий мақоми хароб бўлиб, дунёвий завқу сафога тегишли макони маъмур ва обод бўлади.

➤ Дунё матоси билан хотиржам бўлиб овунган киши ҳайвонлар, хашаротлар, ёввойи ва уй ҳайвонлари, қуш ва балиқлар билан баробар ва

улар билан шерикдир. Чунки улар бу алдов дунёнинг лаззатлари билан тирик ва ҳаётдирлар.

➤ Бадан дин йўлида ғозийнинг отидан ва ҳожининг туясидан афзал бўлмаганидек, тубан ҳам эмас. Жиҳод ва ҳаж йўлида от ва туяга ем-хашак бериш Ҳаққа ибодат ва диний амаллардан бўлса, бундан ҳам афзалроғи — шариат ҳукмларини ва дин аҳкомларини бажарувчи баданни таомлаштириш Ҳаққа итоат ва яқинлик қилишдир.

➤ Ҳою ҳавасларга эргашиб, нафс васвасаларига бўйсуниб, шариатга хилоф амалларни бажариш учун баданни парвариш қилган инсон от ва туяга ем-хашак бериб, уларнинг кучи билан йўлтўсарлик қиладиган қароқчига ёки бир мусулмонни ноҳақ ўлдириш учун қиличини қайирган кишига ўхшайди.

➤ Басират аҳли демишлар: Инсонда иймоний бир фикр пайдо бўлса, исломий амал унинг табиатига айланади. Ҳар иккаласини жамлаш имкони бўлса, бирлаштириш лозим. Масалан, рўза ва тафаккур. Эътикоф ва тафаккур ва ҳоказо.

➤ Илоҳий ирода илм хазинасидан кишининг саодати ва бахтсизлигини олиб қудратга топширади. Изн бу саодат ва бахтсизликни қудрат хазинасидан олиб, қазога топширади. Қадар қазо хазинасидан буларни олиб бандага етказди.

➤ Қадарда ғафлат, қазода саҳву жоиз, изнда ғафлат, қудратда тухмат, илоҳий иродада майлу собир ва илмда (яъни илоҳий илмда) хато — янглишлик бўлмайди.

➤ Агар тупроқ моҳиятини ўрганаман десанг (зеро сен тупроқдан яратилгансен), бутун умринг сарф бўлур, лекин тупроқ сиру асрорига оид бўлган илминг ибтидода қолгай.

➤ Агар сувнинг хусусиятларини ўрганмоққа бел боғласанг (зеро сен сувдан яратилгансен), минг йил умр кўрсанг-да, сувнинг мингдан бир хусусиятини билмакка ақлинг етмас.

➤ Агар олов сир-синоатини ўрганаман десанг (зеро сен оловдан яратилгансен), қиёматгача умр кўрсанг, дунё тугар, лекин олов сир-асрори

тугамас. Агар ҳаво сифатларини ўрганаман десанг ( зеро сен ҳаводан яратилгансен), умринг, илминг, ақлинг тугар, лекин ҳаво сифатлари тугамас.

➤ Ишнинг ҳақиқати шуки, кўз асло кўзни ва кўринган нарсани том маънода кўролмайди. Ақл ақлни ва ўй фикрдагини том маънода танймайди, ҳис ҳеч вақт ҳис этилган нарсани ҳақиқий маънода англай олмайди.

➤ Зикр қалбни юмшатади ва кўнгил кўзини мунаввар қилади. Қалб тафаккурини очувчи калит зикрдир.

➤ Қалб билан зикр дарахт билан сувга ўхшайди. Қалб билан тафаккур эса дарахт билан мевага менгзар.

➤ Аллоҳ севгиси махлуқот севгисидан кўра жўшқин ва шиддатли ва кудратлироқдир. Нафсоний ва Шайтоний севги билан Раҳмоний севги орасидаги фарқ шундай: махлуқ севгисидан ўзидан кетиш ва девоналик юзага келади. Ҳақ таолони севишдан эса кўнгилда фаросат, ҳикмат ва маърифат ҳосил бўлади. Чунки, Шайтоннинг йўлида тикан ва хас-хашак учраса, Ҳақ таолонинг йўлида фақат наргису лола, гуллар рўбарў келади....

➤ Зоҳирингизни парокандаликлардан халос этинг, чунки зоҳиран пароканда кишининг ботини ва кўнгли ундан ҳам баттар пароканда бўлади.

➤ Ақлга эргашинг, нафсга муҳолифлик қилинг, ақл ва нафс бир жойда жам бўлмайдиган бир-бирига зид икки нарсадир. Тоатга мағрурланманг. Дунёга берилманг ва дунёвий безакларга майл этманг.

➤ Лукма ейиш бу – уруғ сепишдир. Уруғни онгли ва ҳушёр ҳолатда экиш керакки, қуввати таом бўлсин.

➤ Душманларингни хурсанд қилинглар.

➤ Ҳақнинг тавфиқи банданинг феъли ва ғайратига боғлиқдир.

➤ Касб қилиб кун кечириш фарздир.

➤ Солиҳ амал иймондир. Иймон тоатдир, аммо ҳар қандай тоат иймон эмас.

➤ “Илоҳи! Бизни нафсимиз билан ёлғиз ташлаб қўйма, бизга рози бўлганинг нарсаларни насиб айла, оқибатимизни хайрли қил, инсон шаклидаги шайтонлардан бизни узоқ тут”.

### III БОБ. ЮСУФ ҲАМАДОНИЙ АСОСЛАГАН ҲАЁТБАХШ РАШҲАЛАР

#### 3.1. Ҳушёрлик тамойили ёхуд “ҳуш дар дам” хусусида

Юсуф Ҳамадоний хожагон таълимотига киритган биринчи рашҳа “Ҳуш дар дам” ҳисобланади. “Ҳуш дар дам” Юсуф Ҳамадоний томонидан тасаввуф таълимотига киритилган энг асосий ҳаётбахш ўғит бўлиб, бу рашҳа хожагон ва кейинчалик нақшбандияни ҳушёрлик, огоҳлик, дахлдорлик, онглилик, воқиғлик йўлидан бориб, жаҳоний таълимотга айланишига сабаб бўлди. “Ҳуш дар дам” рашҳаси ўзида “ҳуш” ва “дам” тушунчаларини уйғунлаштирган. “Ҳуш” – ҳушёр, огоҳ, воқиғ, ҳар бир ишнинг асли, моҳиятини англаш, зеҳн маъноларида келса, “дам” – нафас, он, вақт, замон мазмунини англатади. “Ҳуш дар дам” зоҳирий ва ботиний мазмунга эга рашҳадир.

Нега айнан “Ҳуш дар дам” рашҳаси биринчи ўринга қўйилган? Бунда бирор ҳикмат борми? Ундан кейинги, яъни “назар бар қадам”ни “Ҳуш дар дам”дан олдин қўйса бўлмайдими? Ҳамма гап шундаки, “Ҳуш дар дам” машғулоти хаёлни жиловлаш, фикрни бир жойга тўплашга қаратилган. Хаёлни жиловлаш эса осон эмас. У гоҳ ўтмишга, гоҳ келажакка биздан сўроқсиз сайр қилаверади. Хаёл кирмайдиган кўча, у кезмайдиган минтақа йўқ ҳисоб. Шу сабаб агар фикру хаёл жиловланиб, ёлғиз Аллоҳга қаратилмаса, солиқ кейинги рашҳаларга амал эта олмайди. Зеро, Юсуф Ҳамадоний рашҳалари фақат тил зикрига эмас, дил зикрига асосланади. Қўлга тасбеҳни олиб, шунчаки тилда “Аллоҳ” деган билан мурод ҳосил бўлмайди. Ҳар нафасда тилни ҳам, дилни ҳам, фикрни ҳам Аллоҳ зикри, Аллоҳ ёди эгаллаши лозим. Кўриниб турибдики, “Ҳуш дар дам” рашҳаси кейинги рашҳаларга амал қилмоқ учун ҳал этувчи вазифани бажарар экан, шу боис у биринчи ўринга қўйилган.

Зоҳиран “Ҳуш дар дам” инсондан ҳар нафасни онгли, тўлақонли, шукроналик билан олишни англашиб, инсонни жисмонан ва ақлан камолотга

етказса, ботиний маъноси ҳар дам, ҳар нафасни ғанимат билиб, илоҳий неъмат сифатида сақлашдир.

“Ҳуш дар дам” рашҳасини тасаввуф аҳли турлича талқин этганлар. “Аҳли тариқатнинг ибодати чиққан ва кирган нафаслардан огоҳ бўлмоқликдир”, дейди Боязид Бастомий. Саъдуддин Қошғарий “Ҳуш дар дам”ни куйидагича шарҳлаган: “Нафас олмоқ ва чиқармоқ ғафлат билан эмас, балки ҳузур ва огоҳлик юзасидан бўлиб, ҳар бир нафас Аллоҳ таоло зикри билан ўтсин”.

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор эса уқтирганларки, ҳар бир нафасни асраш ғоят муҳим, агар нафас огоҳлик билан олинса, ҳузурбахш бўлур. Ўз нафасини асрай олмаган (яъни, Аллоҳ зикридан бошқа ишларга нафасини сарфлаган) киши уни йўқотади. Нафасни беҳуда сарфлаган тариқатни қўлдан бой беради.

Ҳазрат Баҳоуддин деганларки, бу йўлда нафас ҳал этувчи омилдир. Яъни, нафас олганда хаёл на ўтмиш, на келажакка банд, балки хаёл ўтмиш ва келажак воқеаларидан озод бўлиши керак. Нафасни олиш ва уни чиқариш, шунингдек, икки нафас ўртасини ғоят эҳтиёт қилиш зарур. Зеро, нафас гофиллик билан кириб чиқмасин.

Рубоий:

Эй монда зи баҳри илм бар соҳил айн,  
Дар баҳр фароғат асту бар соҳил шайн.  
Бардор сафи назар зи мавжи кавнайн,  
Огоҳ ба баҳр бош байн ун-нафасайн.

Мазмуни: Эй илм денгизига кирмай, унинг соҳилида қолган зот, фароғатни денгиздан топасан, соҳилда эса бахту саодат йўқ Икки дунё жилвасига назар солмай ҳар нафас олиш ва уни чиқариш орасида хушёр бўл. Баҳоуддин Нақшбанд бу рубоийда қуйидаги ғояни таъкидлаган:

"Огоҳ зи баҳр бош байнун-нафасайн"

Мазмуни:

Денгиздан (яъни олам моҳиятидан) нафасларинг орасидаги дамда ҳам огоҳ ва ҳушёр бўлгин. Яъни, сен нафасни огоҳлик билан олиб, огоҳлик ила чиқариш амалиётидан қоникмасдан булар орасидаги дамни ҳам унумли ўтказгин. Инсон тўғри нафас олиш учун, аввало жисмоний қувватларни бошқаришни ўрганади. Нафас йўллари, ўпка қуввати тўғри ишласа, мия фаолияти яхшиланади, ақлий қувват ортиб инсон уни ҳам бошқаради. Нафасни беҳудага кетказмаслик нафсоний қувватларни жиловлайди ва инсон нафаси пок, қудсий бўлиб, Исо нафаси каби ҳаётбахш бўла боради. Бундай инсонни “дами, нафаси ўткир”, - деб айта бошлайдилар. Баҳоуддин Нақшбанд шунинг учун таъкидлаган:

“Гум зада бе ҳамдамии ҳуш дам”.

Мазмуни:

“Ҳушсиз дамни умуман йўқ қилиш”. Кўпгина манбаларда буни “Кам зада”, яъни “Камайтириб” деб таржима этадилар. Али Сафийнинг “Рашаҳот” асарининг янги таржимасида ҳам шундай ёзилган. Лекин, бу нақшбандия моҳиятига мос эмас, чунки нафаслар орасидаги дамни ҳам асрашга ўргатаётган таълимот, ҳушсиз дамни камайтир деб эмас, балки йўқот деб таъкидлаши аниқ.

“Ҳуш дар дам” рашҳаси ҳақида Абдурахмон Жомий “Рисола дар маънии “Ҳуш дар дам” , яъни “Ҳуш дар дам”нинг маъноси ҳақида рисола ёзган ва унда шундай фикр юритади:

Туро як панд бас аст дар ду олам,

Ки аз жонат наёят бе Худо дам.

Агар ту пос дори поси анфос,

Ба султони расонандат аз он пос.<sup>110</sup>

Мазмуни:

Икки оламда сенга бир ўғит етарлидир,

Худони ёд қилмай бирор нафас ҳам чиқарма.

Агар сен ҳар бир нафасингни қўриқлай олсанг,

---

<sup>110</sup>Мухаммедходжаев А. Идеология нақшбандизма. Душанбе: Дониш, 1991, с. 166.

Бу сени султонлик даражасига етказди.

Буюк шоир ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг “Агар шоҳсен – огоҳ сен. Агар огоҳсен – шоҳсен сен” деган ғояси хушёрлик учун ҳаётий тамойил ҳисобланади. Сўз мулкининг султони “хуш дар дам” моҳиятини қуйидаги байтда тўғри очиб берган:

Мозию мустақбилни тааммул айла кам,

Не учунким дам бу дамдир, дам бу дам.

Олмон адиби Гётенинг қуйидаги байтлари айнан мана шу рашҳалардаги ғоя таъсирида битилган:

Нафас олмоқ ҳамда чиқармоқ эрур,

Икки эҳсон, буни англамоқ зарур.

Бири сиқар, ўзгаси янги қувват,

Шулар сабаб ҳаёт гўзалдир ғоят.

Аллоҳга шукр де, нафас кирган он,

Шукр де нафасинг чиқарган замон.

“Хуш дар дам” – ҳар дам, ҳар нафасда хушёр бўлишни англатувчи ибора бўлиб, у қоида сифатида нафас олиш қувватини назорат этиш, ҳар бир нафасни идора этиб, уни эзгулик йўлига, Ҳақ ризолиги учун сафарбар этишни назарда тутди.

Инсон саломатлиги учун энг зарурий асослардан бири нафас олиш жараёнидир. Юсуф Ҳамадоний таълимотининг асосий тамойили бўлган “Хуш дар дам” тамойили нафас олишни тартибга солади. У бу жараённи ташқи ва ички томонидан мукаммаллаштириб моҳиятини очди. “Хуш дар дам” тамойилининг **зоҳирий**, яъни ташқи томони ҳар бир оладиган нафасни тўғри, бутун ўпка қувватларини сафарбар этиб, олинган нафаснинг бутун вужудга тарқалиши учун ичида сақлаб, уни тўғри чиқариш ва нафас олиш жараёнида хушёр бўлиш, ҳар бир берилган нафас, кирадиган, чиқадиган нафаслар орасидаги вақтга шукроналик қилишдир. Бу оддий инсоннинг ҳам саломатлигини тиклайди, уни ёш, тетик ва ғайратли бўлишга ёрдам беради. Бу жараённи тўғри амалга оширган инсон жуда Гўзал бўлади.

Дарҳақиқат, нафас олиш инсон ҳаёти учун жуда муҳим жараён. Одам организмида бир суткада 5-7 млрд хужайра янгиланади. Организмда жами қон юракдан ўтади. Юрак бир қисқаришда 60-70 мл, 1 минутда 5000 мл. 1 соатда 30000 мл. қонни юракдан чиқариб юборади. Инсон яшаши учун энергия керак, энергия пайдо бўлиши учун эса кислород керак. Айнан, инсон нафас олиши орқали кислородни ютади ва карбонат ангидридни чиқаради ва мана шу жараёнда энергия ҳосил бўлади.

Тинч ҳаракатсиз ҳаёт кечириш учун (мўътадил ҳаво ҳароратида) одам 1 дақиқада 250 мл, 1 соатда 1500 мл ёки 15 литр кислород қабул қилади. Нафас олишда ўпка, гавдани қоплаб олган тери катта ёрдам беради. Теримиз соатига ўртача 1,5-1,7 м<sup>2</sup>, деярли 700 млн алвеолалардан ташкил топган ўпка эса 100 м<sup>2</sup> сатҳи билан ҳавога тўқнаш келади. Ўпка 50-60 мартадан кўпроқ кислород ютади. Организмда моддалар кислород орқали алмашинади. Кислородни тўқималарга етказиб бериш ва чиқинди газ-карбонат ангидридни чиқиб кетиши вазифасини нафас органлари бажаради.

Бир одам бир кеча-кундузда 1,6 кг кислород ютади. Олимларнинг ҳисобига қараганда, ер атмосферасидаги кислород 300-400 йил ичида охириги қатрасигача қолмай тугаши керак эди. Лекин ўсимликлар дунёси 1 йилда 18 млн тонна тоза кислород чиқармоқда. Саъдийнинг қуйидаги мисралари бу ҳақда сўзлагандай гўё :

Барги дарахтони сабз бар назари хушёр,

Ҳар варақ аз дафтари маърифати кирдуқор.

Мазмуни:

Хушёрнинг назарида дарахтнинг ҳар бир барги,

Тангри маърифат дафтарида олинган бир варақдир.

Ҳаёт - нафас олиш актлари тизимидир. Тананинг барча фаолиятлари ичида энг асосийси нафасдир. Чунки тананинг барча бошқа фаолияти шу нафас олишга боғлиқ бўлиб, унга бўйсунди. Нафасни оҳангли олиш бутун табиат билан уйғун тебранишга олиб келиши мумкин ва ўзидаги яширин қувватларнинг тараққиётига ёрдам бериши мумкин.

Юсуф Ҳамадонийнинг “Ҳуш дар дам” рашҳасини зоҳирӣ жиҳатдан аҳамиятини қуйидагиларда деб асослаш мумкин:

1. Ҳар бир тўлақонли нафас қонни тозалайди, агар у етарли тозаланмаса, артерияга етарли тозаланмасдан ўзидаги тана қисмларидан олинган ифлосликларни сақлаб қайтади. Бу ифлосликлар яна организмга қайтиши эса касалликка сабаб бўлади.

2. Ҳушёр нафас олиш жараёнида қон таркибига кислороднинг маълум қисми киради ва бутун танага тарқалади. Қонда кислород гемоглабин билан қўшилади ва тананинг ҳар бир ҳужайрасига тарқалади, уларни тирилтиради ва мустаҳамланишига олиб келади. Артерия қонида 25% кислород бор. Демак, кислород тананинг ҳар бир қисмини тирилтиради, ҳаёт беради.

3. Овқатларни ҳазм бўлиши, тўла озик моддаларнинг оксидланиши уларнинг кислород билан бирикишига боғлиқ. Овқат ва ичимликнинг ҳар бир зарраси танада ҳазм бўлиб кетишидан олдин кислород билан оксидланиши керак. Тўғри нафас олиш мазкур жараён учун зарур ҳисобланади.

4. Тананинг чиқиндилардан тозаланиш жараёнида ҳам кислород керак ва бу нафасни тўғри олиш билан боғлиқдир.

5. Қондаги бузилган нарсалар кислород ёрдамида қуяди ва бу жараён натижасида иссиқлик ҳосил бўлиб, танада зарурий ҳарорат ҳосил қилади.

6. Чуқур нафас ички орган ва мускуллар машқидир.

Нафас олиш жараёнининг **ботиний** томони ҳақида шундай фикр бор: “Нафас олиш тана, қалб ва руҳ ўртасидаги алоқани таъминлайди”<sup>111</sup>. “Батафсил ўрганиш зарур бўлган биринчи нарса нафас олишдир. У ҳаётдир ва айни пайтда бизнинг моддий борлиғимизни руҳиятимиз билан боғлайди. У Инсонни юксакликка кўтара оладиган кучдир”<sup>112</sup>. Тасаввуфшунос олим Инайят-хан фикрича, ҳар бир яхши ва ёмон амал атрофни ўраб турган атмосферада ўзига хос тебраниш ҳосил қилади ва бу бутун оламга тарқалади.

---

<sup>111</sup>Проф. Инайят-хан. Суфийское послание о свободе духа. Москва: 1914-С. 37.

<sup>112</sup>Ўша ерда. Б. 37.

Шунинг учун “кимки тебранишнинг сирларига етса, у ҳақиқатда барча нарсани билади”<sup>113</sup>, - дейди Инайят-хан.

Нафас олишнинг ботиний томонига тасаввуф эътибор беради. Бу таълимот ғоясига кўра нафас олишда веналарга қон билан бирга коинотнинг илоҳий кучи ҳам киради. Унинг манбаи қалб. Шунинг учун қалб ҳаракатига эътиборли бўлиш лозим. Ҳуш дар дам талабида нафас олиш ва чиқаришга катта эътибор берилади. Бу талаб жуда чуқур фалсафий илдизга эга бўлиб, бир томондан, Шарқда қадимги Ҳиндистондаги йога таълимотидаги прана тушунчаси билан озиқланса, иккинчи томондан, Ғарбдаги стоиклар қарашларидан озиқланган.<sup>114</sup>

Стоиклар - қадимги грек файласуфлари бўлиб, улар космик мос келиш тушунчасини киритганлар. Бунга асосан, бутун олам ягона тирик тана бўлиб, бу тананинг қисмлари у билан бир-бирига мос келади ва боғлангандир. Бу бирликнинг асосида нафас олиш пневма-олов ва сиқилган ҳаводан иборат бўлиб макро олам - олами кабир қуввати бутун танага нафас олиш орқали ўтади. Яъни нафас олиш илоҳий қувватнинг киришидир. Уни эҳтиёт қилиш ва англаш муҳим. Шунинг учун бунга мос равишда “Ҳуш дар дам” талаби хушёрликка чақириб, ғофил, ҳушсиз, маст, ақли паришон, олам моҳиятидан хабарсиз бўлишни қоралайди ва кишини ҳар бир нафасдаги ҳаракати ва амалларидан огоҳ бўлишга чақиради.

“Ҳуш дар дам” тамойилининг ботиний томонининг яна бир қирраси, ушбу рашҳага амал қилиш инсон табиати талаблари бўлган жараён бўлиб, инсонни ўз-ўзини назорат қилишига ва бутун олам нафас олиши билан уйғун ғафлат, беҳудлик ҳолатига тушмаслигига ёрдам беради. Инсон ҳар нафас иймонни сақлайди, кўриқлайди, нафсни жиловлайди, қусурларини кўради. Булар эса бутун вужуд имконият ва салоҳиятини бошқариш, қувватларни уйғотиш ва Ҳақ йўлига сафарбар этишга имкон беради. Руҳий қувватларни

---

<sup>113</sup>Ўша ерда. Б. 31.

<sup>114</sup>Қаранг:Наврўзова Г. Накшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Т.: “Фан”, 2005 й., 232 б.

идора этиш асосида инсон камолга етади. Бу рашҳа инсонни моҳиятга томон қадам ба қадам юксалишга олиб боради. Инсон қалб ҳақиқатига юзланади ва таважжуҳ ҳолатига келади ҳамда тажаллийни қабул этадиган бўлади. Натижада инсон фаол бўлади, бу жисмонан ва маънан соғлом бўлишга ёрдам беради.

“Ҳуш дар дам” рашҳаси инсон ботинини ва жисму жонини бутун борлиқ билан уйғун ҳолатга киритади, ҳар бир нафасни сақлаб, унинг ўткинчилик хусусиятини абадийликка боғлайдиган бўлади. Ҳар бир нафасни андиша қилиш, унинг ҳаққини адо этишга имкон беради. Ҳар нафасни охирги нафас деб ўйлаш инсонни охирги нафасга тайёр туриш ҳолатига етказиши. Бу эса инсонда ҳар бир ишни вақтида қилиш малакасини пайдо қилади. Инсон ҳар нафасдан эътибор ва истиффор билан фойдаланадиган бўлади, вақтни беҳуда ўтказмайди. У нафасни беҳуда ўтказиш гуноҳ эканлигини англайди ва уйғоқ, огоҳ бўлишга интилади. Бу эса бефарқ, бетараф, бепарво, уйқуда бўлиш каби иллатдан инсонни қутқаради. Натижада у нафаслар орасидаги вақтда ҳам олам моҳиятидан огоҳ бўлади, хузур, огоҳлик, хушёрлик ҳолати энг олий неъмат эканлигини англайди ва илоҳий ҳақиқат учун бутун куч ва қудратни сафарбар этади. У ҳар нафас ақл, эс-хуш, хотирани назорат этиб, унинг куч-қудратини эзгулик йўлига сафарбар этадиган бўлади. Натижада инсон чакқон, хушёр бўлади.

Тасаввуф таълимотига Юсуф Ҳамадоний томонидан киритилган “Ҳуш дар дам” рашҳасига амал қилиш инсонни ҳар томонлама Гўзал ва Уйғун қилиб, ташқи томондан ва ботинан ўзгариш ва камолотга олиб келади. Буни биз қуйидагиларда кўришимиз мумкин:

- Инсон руҳи ва жисми онгли нафас олиш натижасида ёшаради, кувватли бўлади, ёш қариш ва бевақт ўлимдан сақлайди, ҳаракатчан бўлади;
- тўғри нафас олиш натижасида инсон бадани ортиқча туз, чиқинди, ёмон руҳ, ёмон кўз, суқ, ҳасаддан покланади ва соғлом бўлади;
- тўлақонли нафас инсон миясининг ишлаш қобилиятини оширади, ақлий фаолиятнинг самарадор бўлишига олиб келади;

- тўғри нафас олиш орқали инсон сезгирлиги, ҳис қила олиш қобилияти кучаяди ва ўзини барча хавф-хатардан ҳимоя эта олади;

- “Ҳуш дар дам” натижасида ҳужайралар тўйиниб яшайди, модда алмашинуви яхшиланади, тананинг барча яширин имкониятлари юзага чиқади. Инсон бутун коинот билан уйғун бўлади;

- мазкур рашҳа натижасида инсон танаси муқаддас руҳнинг манзилига айланади, астрал тана ҳаракати яхшиланади;

- инсон “ҳуш дар дам” рашҳаси асосида ўзи учун зарурий уч жараён - нафас олиш, овқат ҳазм қилиш, қон айланишни бошқариб, идора қила оладиган бўлади. Натижада инсон танасидаги энергиянинг асосий марказлари уйғонади.

Демак, Юсуф Ҳамадоний томонидан киритилган “ҳуш дар дам” рашҳаси инсонга энг яқин йўл билан камолотга етиш имконини беради ва уни Гўзал, Уйғун қилади. Президентимизнинг ҳар гал халқимизни огоҳликка, ҳушёрликка даъват этишлари бежиз эмас. Айнан ушбу “Ҳуш дар дам” рашҳаси ёшларни атрофдаги воқеа ва ҳодисаларга ҳушёр муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашнинг маънавий илдизи сифатида катта аҳамият касб этади. Нақшбандия таълимотининг тасаввуфдаги мўътадил, меъёрий оқимга мансублигининг ва уни кенг маънода жаҳоний таълимотга айланишининг сабабларидан бири ҳам ушбу Юсуф Ҳамадоний асослаган “Ҳуш дар дам” рашҳасидир.

Бугунги глобаллашув ва модернизация жараёнида турли ахборотлар дунё бўйлаб шиддат билан тарқалаётган бир пайтда ҳушёрликка бўлган талаб ва эҳтиёж беқиёс даражада ортиб бормоқда. Шаҳар ва қишлоқларда, маҳаллаларда “Ўз уйингни ўзинг асра” даъвати асосида ҳушёрликни таъминлаш борасида қатор амалий ишлар, чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳушёрликка чорловчи Юсуф Ҳамадонийнинг ўғитлари ҳам ушбу жараёнда ўзига хос таъсирчан воситалардан бири бўла олади.

### 3.2 Собитқадамлик сари – “назар бар қадам”

Юсуф Ҳамадоний асослаган ва кейинчалик хожагон ва нақшбандия таълимотининг асосий тамойилига айланган иккинчи рашҳа “Назар бар қадам” бўлиб, унинг мазмуни шундаки, камолот сари интилаётган кишининг назари доимо оёғи учига қаратилган бўлиши лозим, назар нолойиқ жойларга тушмаслиги зарур. “Назар бар қадам” рашҳасидаги “назар” сўзининг маъноси кўз қуввати, нигоҳ, қараш, кўриш, ақлу ҳуш, қалб кўзи, қалб нигоҳи бўлиб ва “қадам” сўзининг маъноси қадам босиш, қаергадир бориш, бирор иш қилиш маъноларини англатади. “Назар бар қадам” рашҳаси инсоннинг ўзини ўзи назорат қила олишга ўрганиши, ҳар бир кўяётган қадами нима мақсадда эканлигини англаб, таҳлил этиб, агар у қадам эзгулик йўлида бўлса давом эттириш, оқибати нохуш ҳолатга олиб келувчи ҳаракат бўлса, ўзини бу ишдан тўхтатиш, яъни инсоннинг нигоҳи ҳамма вақт кўяётган қадамида бўлмоғи лозимлигини талаб этади. Шунингдек, нигоҳнинг қадамга қадалган бўлиши инсонни кибру ҳаводан сақлаб, камтаринлик фазилатини шакллантиради.

Юсуф Ҳамадонийнинг “Назар бар қадам” рашҳаси хусусида мутафаккир алломалар ўз фикрларини билдирганлар. Масалан, Абдурахмон Жомий ўзининг “Тухфатул Аҳрор” асарида Ҳазрат Баҳоуддинга атаб ёзган байтида ушбу рашҳага қуйидагича шарҳ беради:

Гум зада беҳамдамии ҳуш дам,  
Дур нагузошта назараш аз қадам.  
Баски, зи худ карда басуръат сафар,  
Боз намонда қадамаш аз назар.  
Мазмуни:

У ҳушёр бўлмай бирор нафас олмади, ғафлат билан нафас олишдан кутулди, назари эса доимо қадамига қаратилган эди. У шу қадар катта суръат билан ўзлигидан узилиб сафар этди, аммо қадами назаридан ортда қолмади.

Сўфи Оллоёр ўзининг машҳур тасаввуфий “Саботул ожизин”  
асарида мазкур рашха тўғрисида қуйидагича ёзади:

Кел эй мўмин, агар тарсанда бўлсанг,  
Кўзингни асрагин ҳар қандай бўлсанг.  
Қўйи бўлсин ҳамиша нуқтаи чашм,  
Мабодо бўлмагай бало тушиб хашм.  
Назар қилгунча бад эй нафси маъюб,  
Тушиб кўз нуқтаси кўр бўлгани хуб  
Саодатдур назар бўлса қадамада,  
Тажовуз айлагач бўлса надамда.  
Агар қон чашма бўлса, чашма эй меҳ,  
Хатарлик ерга тушгандан эрур беҳ  
На хушдур дидай тарсанда бўлсанг,  
Вагарна косасидан канда бўлсанг.

Юсуф Ҳамадоний тасаввуф таълимотига киритган “назар бар қадам”  
рашҳадан мурод нигоҳни жиловлашдир. Чунки, назар то ношоиста  
нарсаларга тушмаса, фикр бузилмайди, кўнгилда шайтон васвасаси авж  
олмайди. Демак, назар жиловланса, кўп гуноҳлардан одам тийилади.

“Назар бар қадам”нинг асл моҳияти - кўриш, назар қувватларини  
бошқаришни англатади. Баҳоуддин Нақшбанд рашҳани қуйидагича  
шарҳлайди:

Эй, монда зи баҳри илм дар соҳил айн,  
Дар баҳр фароғат асту, дар соҳил шайн.  
Бардор сафи назар зи мавжи кавнайн,  
Огоҳ зи баҳр бош байнул нафасайн.

Мазмуни:

Эй, илм денгизи соҳилида қараб турган киши,  
Денгизда фароғат бору, соҳилда ёмонлик.  
Сен назарлар сафини икки олам тўлқинларидан кўтаргин,  
Нафасларинг орасидаги дамда ҳам огоҳ бўлгин.

Бу ерда денгиз - ботин олами, моҳият оламидир. Инсон бутун оламга мушоҳада назари билан, очик кўз билан қарайди. У ташқи, зоҳир оламга назар этади. Шеърда ботинга, моҳиятга қара, зоҳир - яъни соҳил бу ёмонликдир, шунинг учун сен назарлар сафини тўлқинлардан олиб, денгизга қарагин деб таъкидланади. Инсоннинг ҳар бир назари ибрат бўлиши керак. Халқимизда бир нақл бор: “Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил”. Инсон ҳар бир қадамни ўйлаб оқибатининг хайрли бўлишини истаб, оҳиста ерга қараб юрса ердан қувват олади ва заминдай вазмину серҳосил бўлади.

Кўз инсонга берилган энг олий неъматлардан бири. Бу мўъжиза туфайли инсон борлиқни кўради. Кўриш қуввати қалб ҳолатига бевосита боғланган. Гўзал нарса ва ҳодисаларга қараш қалбнинг ҳолатини яхшиласа, ифлос, хунук нарса ва ҳодисалар қуввати қалбни ўлдиради. Қалб соғломлиги ва поклиги кўзни қаерга ва кимга тушишига боғлиқ. Шунинг учун Баҳоуддин таъкидламоқдаки, “Назарларинг сафини икки олам тўлқинларидан олгин”. Сароб, ўткинчи нарсаларга қараб кўз нуруни, кўриш қувватини зое этмаган ва ботин назари билан қараган кишига ҳақиқий илоҳий илм насиб этади. У ўзини билиб, Ҳаққа этади. Кўз қувватини асраш, ножоиз кишига қарамаслик, нолойиқ жойга боқмаслик қалб билан кўзни поклаб, қалб кўзининг очилишига имкон беради. Бундай инсонлар назари кимга ва қаерга тушса, у ерга хайру баракот, эзгулик неъматлари ёғилади. Шунинг учун бундай инсонларни “Назар қарда”, “Назари Хўжа Хизр каби” деган иборалар билан таърифлайдилар ва имкони борича бу одам кўзини болаларига тушишига, унинг назарига тушишга ҳаракат қиладилар.

Алишер Навоийнинг Фарҳодга берган таърифида ўзи, сўзи поклигини эътироф этиш билан бирга кўзи поклигини ҳам алоҳида таъкидлайди: “Кўзи покдир, сўзи покдир, ўзи пок...”,-дея шоир Фарҳоднинг куч-қудратининг асоси поклик эканлигига эътиборни қаратади. Назарнинг поклиги қалб кўзини очишга ёрдам беради. Жалолиддин Румий бу ҳақда “Кўзни юмгин, кўзга айлансин кўнгил”, деб таъкидлаган. Бухоронинг олтинчи пири, Баҳоуддин Нақшбанднинг устози Саид Амир Кулол шундай ёзган:

Ин дида бипўш то дилат дида шавад,  
Зи он дида жаҳони дигаре дида шавад.  
Гар равзаи дил ба зикри Ҳақ бикушои,  
Дарбоми жаҳон ҳар чи бувад дида шавад.

Мазмуни:

Бу кўзни юмгин, то қалб кўзинг очилгай,  
Ундан бошқа жаҳон кўрингай.

Қалб эшигини Ҳақ зикрига очиб қўйсанг,  
Жаҳон томида нима бўлса кўрингай.

Бу рашҳага амал қилган инсон ўз ҳаракати ва феълени бошқара олади.  
Бу ерда қўл ҳаракати, гавдадаги бошқа аъзолар ҳолатини идора этиш назарда тутилади. Биров билан муомалада тил ва қўлнинг ножўя ҳаракати ёмон оқибатларга олиб келади. Бировни уриш, зўравонлик йиғилган эзгу қувватларни йўқ қилади. Шунинг учун Нақшбандияда таъкидланади:

Доим ҳама вақт, дар ҳама жой, дар ҳама ҳол

Медор нуҳуфта чашми дил жаноби ёр.

Мазмуни:

Доимо, ҳамма вақт, ҳар ерда, ҳар ҳолатда,

Яширин қалб кўзинг ёрга томон бўлсин.

Демак: сен барча ҳолатда ўзингни ўзинг идора этиб, Ҳаққа мақбул амалларни бажаришинг лозим.

“Назар бар қадам” рашҳасида назар билан бирга қадам қувватини бошқариш, ҳар бир қўяётган қадамни босишдан олдин ўйлаш тавсия этилади. Токи босилган қадам, “Билмайин босдим тиканни, тортадурман жабрини”, “Сўнгги пушаймон ўзингга душман” дейдиган ачинарли ҳолатга олиб келмасин. Ҳар қадамни бошқариш билан инсон ўз ҳаётини тўғри йўлга солади. Юсуф Ҳамадонийнинг ўзи ҳам доимо ҳар бир қадамни ҳисоб-китоб қилган.

“Назар бар қадам” рашҳасининг моҳияти оёқ қувватларини бошқаришдир. Мазкур рашҳа қадам қўйиш ва назар қилиш қувватларини

эхтиёт қилиш лозимлигини талаб қилади. Инсон ўз қадамини ножоиз жойларга қўймаслиги, ҳар бир қадамини мушоҳада қилиб қўйиши ва юриш қувватини эзгуликка томон сафарбар этиши лозим. Назар қадамни мунтазам кузатиши ва ҳар бир қадам ҳаққа инсонни яқинлаштириши, илоҳий сифатларни олишига ёрдам бериши керак. Бу мазмунда шундай ёзилган:

Дур нагузашта назараш аз қадам.

Мазмуни:

Назарини қадамдан йироқ қилмай.

“Назар бар қадам” рашҳаси замиридаги ўғитлар ёшларни ножоиз йўлларга боришдан, ўйламай қадам босишдан асрайди. Демак, доим қадам қувватлари назарнинг назоратида бўлиши инсоннинг камолотига ёрдам беради.

“Назар бар қадам” инсонни кўз нурини асрашга ундайди. Ҳозирги кунда ёшларимиз ўз кўз нурини компьютер, мобиль телефонлардаги турли хил ўйинлар ва интернетдаги ножоиз сайтларга кириб онгини захарлайдиган маълумотларни кўриш, ўқиш жамият равнақига салбий таъсир кўрсатади. Юсуф Ҳамадонийнинг “назар бар қадам” рашҳасини тушунтириш ва шу асосда тарбия қилиш ёшларнинг зарарли таъсирлардан холи бўлишига хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Юсуф Ҳамадонийнинг “Назар бар қадам” рашҳаси ҳозирги кунда ёшларни одам савдоси билан шуғулланувчилар домига тушиб қолишдан, ақидапараст ва экстремистлар йўли каби турли хатарли йўллардан сақлашга ёрдам беради.

### 3.3 “Сафар дар Ватан” -

ватанпарварлик ғояси талқини

Юсуф Ҳамадонийнинг инсоннинг ўзлигини англашга, уни Ҳазрати Инсон зотига мансуб, мукаррам ва муаззам, улуғвор ва борлиқ гултожи эканлигини билиб, фахрланишига ёрдам берувчи тасаввуф таълимотига киритган учинчи рашҳаси “Сафар дар Ватан” – “Ватанга сафар”дир.

“Сафар дар Ватан” рашҳасининг мазмун-моҳиятини билиш учун аввало “сафар” ва “Ватан” тушунчаларини Юсуф Ҳамадоний қандай мазмунда тасаввур қилганини англаш лозим. “Сафар” тушунчаси зоҳирий ва ботиний мазмунга эга. Зоҳиран сафар мазмуни инсонни тана ёрдамида Ватани бўйлаб сафарини англатади. Бундай сафар илм олиш, хунар ўрганиш, сайр қилиш, кўчиш ва бошқа мақсадларда амалга ошиши мумкин. Бундай сафар натижасида инсон кўпни кўради, турли инсонлар билан мулоқотга киради, турли шароитларда яшайди. Сафар вақтидаги қийинчиликларга қарата халқимизда “Йўл азоби, гўр азоби” деган нақл бор. Сафар натижасида инсон нафси риёзат чекади. Шунинг учун бўлса керак, мусофир бўлмасдан мусулмон бўлмас, дейилади. Сафар натижасида инсон ўз уйи, Ватани кадрини яхшироқ англаб, Ватан туйғусини ҳис қилади.

Сафарнинг ботиний мазмуни, руҳий сафардир. Бундай сафар инсоннинг ўзлиги, борлиги, ботинида ақли, шуури, фаҳму фаросати билан амалга ошади. Руҳий сафар инсондан кўпроқ куч-қувват, ирода ва истак, ихтиёр, хотира ва хаёл қувватини талаб қилади. Инсон ҳушёр, огоҳ, воқиф бўлганида бундай сафар натижали бўлади. Ботиний сафарда тана аъзолари кўз, қўл, оёқ ва бошқалар иштирок қилмай, балки ички ҳиссиётлар асосий роль ўйнайди. Бундай сафарда инсон ўз ботинидаги ҳар бир ўй-фикр, ҳиссиёт, хотира ва хаёлни боришини кузатиб, уларни ижобий томонга йўналтиради.

Юсуф Ҳамадонийнинг “Сафар дар Ватан” рашҳасидаги “Ватан” тушунчасини тор ва кенг маънода англаш мумкин. Тор маънода Ватан тушунчаси инсон танаси билан боғлиқ бўлган тушунча бўлиб, инсон туғилган жой, киндик қони тўкилган манзил-макон тушунилади. Бу маънода Ватан муқаддас маскан, она тупроқдир. Инсон дунёга келиб нафас олган, улғайган, она табиат ҳам Ватандир. “Ватанни севмоқ иймондандир” деганда инсон дунёга келган, илм олиб улғайган, камол топган юртни севиш назарда тутилади. Инсон камол топиб, шу юрт фарзанди бўлиб, уни эъзозлаши, асраши ва равнақи учун хизмат қилиши лозим.

Юсуф Ҳамадоний “Сафар дар Ватан” рашҳасининг асл моҳиятида Ватан инсоннинг ботинини англатади. У инсоннинг ўзини алоҳида Ватан деб тушунтиради. Бунга сабаб тасаввуфда инсон зоҳиран кичик олам – олами асғар бўлса, лекин аслида у катта олам - олами акбардир, деб таъриф берилади. Бу борада Жалолоддин Румийнинг қуйидаги мисралари фикримизга далилдир:

Гар ба сурат олами асғар туи,  
Лек ба ботин олами акбар туи.  
Зоҳири он ахтарон қаввоми мо,  
Ботини мо гашта қаввоми само.

Мазмуни:

Зоҳиран сен кичик олам бўлсанг-да,  
Ботинан сен акбар - катта оламсан.  
Зоҳиран юлдузлар сенга қувват бераётгандай,  
Ботинингдаги нур бутун оламга қувват беради.

Хожа Ахрор Валий томонидан ҳам инсон моҳияти ҳақида ёзган фикрлари тасаввуфдаги ушбу масала моҳиятини янада бойитади.

Эй нусхаи номаи илоҳи, ки туи,  
Эй оинаи жамоли шоҳи, ки туи.  
Берун зи ту нест ҳар чи дар олам ҳаст,  
Дар худбиталаб ҳар он чи хоҳи, ки туи.

Мазмуни:

Илоҳий номанинг нусхаси сенсан,  
Шоҳ жамоли (Аллоҳ)нинг кўзгуси сенсан.  
Сендан ташқарида эмас ҳар неки оламда бор,  
Ўзингдан тилагин, ниманики истасанг ўзингсан.

Шу ўринда яна Жалолоддин Румий шеърятидан парча келтиришни лозим топдик. Румий Оллоҳни ахтариб юрган инсонга қарата айтадики, “Ани излашга ҳожат йўқ, Илоҳийсан, илоҳийсан”.

Инсон ўз ботинига сафар қилиб, ўз аслини топиб боқийликка эришади. Тасаввуфда “ўлмасдан олдин ўлмоқ” деган тушунча бор. Инсоннинг ўлим ҳолати деганда унинг руҳининг ўз асли билан учрашиши ва боқий оламда абадий қолиши тушунилади. “ўлмасдан олдин ўлмоқ” – тирик ҳолатдан фоний бўлиб, ботинни поклаб, қалбни Аллоҳнинг назаргоҳига айлантирмоқдир. Юсуф Ҳамадоний инсоннинг ушбу ботинини унинг Ватани деб тушунтиради.

“Сафар дар Ватан” рашҳаси зоҳиран, тор маънода – кичик олам, яъни олами сағир бўлган кишининг ўз Ватанига сафарини англатади. Кенг маънода “сафар дар Ватан” инсоннинг ўз ботинига ўзлигини англаш, ўз аслини билиш учун қиладиган сафаридир. Бундай сафар натижасида кичик инсон улуғ инсонга, Ҳазрати Инсонга айланишига тўсқинлик қиладиган Аллоҳ ва инсон ўртасидаги ҳижоб, тўсиқлар олиб ташланади, бундай инсон ҳақиқий ватанпарвар бўлади.

Мазкур рашҳа орқали Юсуф Ҳамадоний инсонни нақадар буюк, улуғ, гўзал илоҳий мавжудот эканлигини ва боқий барҳаётлигини кўрсатади. Юсуф Ҳамадоний асослаган ва ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини сақлаб келаётган учинчи рашҳа “сафар дар Ватан” солиқ – Ҳақ йўлидаги кишининг ўз табиатига сафари ҳисобланади. Ёмонликни тарк айлаб, яхшиликка юз тутиш, аста - секинлик билан одамийликдан фаришта сифатига кўчиш бу рашҳадан кўзланган мақсад ҳисобланади. Зеро, Мавлоно Саъдуддин Қошғарийнинг таъкидлашича, “иллатлардан қутилмаган одам қаерга борса ҳам ўзи билан ёмонлиги ҳамроҳдир”.

Толибни сафарда ёки ўз жойида муқим туриши ҳақида тариқат пирларининг фикрлари турличадир. Айримлари ибтидода сафар этиб охирида муқим турмоқликни тавсия этсалар, баъзилари ибтидода муқим бўлиб, охирида сафар қилмоқни жоиз деганлар. Яна шундайлар борки, ибтидода ҳам, интиҳода ҳам сафар қилмоқликни ман этишган. Айримлари эса, ибтидо ҳам, интиҳода ҳам сафар қилаверинг, дейишган. Лекин хожагонлар тариқатида, агар солиқ ибтидода сафар қилиб ҳақиқий шайхга

дуч келса, ул шайхнинг ҳузурида муқим туради. Агар шундай шайх ўз юртида топилса, умуман сафар қилинмайди, деб таълим берилган. Убайдуллоҳ Аҳрор фикрича, ибтидода сафар қилувчи солиқ ҳеч қандай фойда олмайди, балки вақтини беҳуда ўткази, паришонликдан бошқа нарсага муяссар бўлмайди. Толиб бирор азизнинг суҳбатига эришса, азиз этагини маҳкам тутиб, чидам ва ихлос билан то камолга етмагунча кимирамасин. Бир киши Боязиддан сўради: “Бу толиблар йўл юрмакдин бир дами ором олмайдилар?” Боязид деди: “Мақсуд ва матлуб муқимдир. Мусофир эрмас, муқимни сафардан изламоқ яхши эмас”. Бу ривоят ҳам далолат бериб турибдики, муроду мақсадга “Ватаннинг ўзига сафар” қилиб, яъни муқим туриб эришса ҳам бўлади.

Юсуф Ҳамадоний “Сафар дар Ватан ” рашҳасинининг моҳиятини англашга қуйидаги рубоий ёрдам беради:

Рубоий:

Ё раб, чи хуш аст бе даҳан хандидан,

Бевоситаи чашм жаҳонро дидан.

Бенишин, сафар кун, ки бағоят хуб аст,

Безаҳмати по гирди жаҳон гардидан.

Мазмуни: Ё раб! Оғизсиз (яъни ичдан) кулмоқ нақадар яхши кўзни очмай (яъни кўзсиз) бутун жаҳонни кўриб турмоқ нақадар соз! Бир жойда кимираммай туриб оёқсиз бутун дунёни кезиб чиқмоқ нақадар яхшидур. Абдурахмон Жомийнинг “Шикқат ул-ламъаат” рисоласида қуйидаги байт келтирилиб, ушбу рашҳа шарҳланган:

Ойнаи суврат аз сафар дур аст,

Ки он пазиройи суврат аз нур аст.

Мазмуни: Ўзида сувратни қабул қилувчи, яъни қалб ойна суврат сари сафар қилмайди. Негаки, у нур туфайли сувратни қабул қилур, яъни унда сувратнинг ўзи тажаллий этур. Шунга ўхшаб, юрак ҳам ўзини поклай олса, дунёвий нарсалардан кечса, софлик билан безанса, ҳар қандай таъма, беҳуда ҳаваслардан кечса, ундай юракда Аллоҳ нури тажалли этади ва шудан кейин

бундай одамга сафар этмоқ даркор эмас. Чунки юрак сайқалланган бўлса сафарга эҳтиёж қолмайди.

Саёҳатга бўлган муносабатига қараб Юсуф Ҳамадоний асослаган хожагон таълимотидаги “сафар дар Ватан” рашҳаси амал қилиши билан бошқа тариқатлардан фарқланади. Сафар икки хил - баданий сафар ва маънавий сафар маъноларида келади. Бу таълимотда ўзига муршиди комил топгунча баданий сафар мумкин, лекин ундан сўнг маънавий сафар бошланади. Маънавий сафар нафс ва руҳ саёҳатидир. Бу саёҳат жисмоний саёҳатга нисбатан анча машаққатли кечади. Ёмон хулқдан яхшига, замима ахлоқдан ҳамидага, нафс орзуларидан Ҳақ амрига, бадан ҳокимлигидан руҳ салтанатига, моддий оламдан маънавий оламга, халқдан Ҳаққа, касратдан ваҳдатга қалбан ва руҳан йўл очмоқдир. Бу сафарни ниҳоясига етказган киши Комил Инсон бўлади.

Барча мумтоз тариқатларнинг моддий унсурлари бор, яъни улар ташқи кийимларига эътибор берадилар. Юсуф Ҳамадоний асослаган Хожагон таълимотида махсус жой, махсус кийим бўлиши талаб қилинмайди. Улар зоҳиран халқ билан ва ботинан ҳақ билан бўлишга амал қилганлар.

Шунинг учун Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд айтганлар:

Аз дарун шав ошнову, аз берун бегонаваш.

Инчунин зебо равиш кам мебувад андар жаҳон<sup>115</sup>.

Мазмуни:

Ичдан ошно бўлу, ташқаридан бегонадай бўл,

Бундай гўзал равиш бутун жаҳонда оздур.

Бу мисралар орқали инсон қалбида Тангрини сақлаши ва буни бошқаларга билдирмаслиги ҳамма қатори меҳнат қилиб яшаши зарур дейилади. Бундай пок, гўзал равишни жаҳонда оз учраши кўрсатилади. Буларга ботиний сафар натижасида эришиш мумкин.

Бу тариқат аҳли ихлосга махсус эътибор берган ва ташқи томонга эътибор беришни риё деб билган. Толибларни устозлар риёдан сақлаганлар.

---

<sup>115</sup> Анис ат толибин. 58-бет.

Бу хусусда Абдулхолиқ Гиждувонийнинг куйидаги фикрлари диққатга сазовордир:

Бирав ту тарки риё кун, ки дар риё,  
Ҳазор сола ибодат ним жав нахаранд.

Мазмуни:

Сен боргин ва риёни тарк этгинки,  
Минг йиллик риёли ибодатни ярим тарикчалик қиймати йўқ.

Хожагон тариқатидаги ботин тарбияси, қалб тавсияси, нафс ва рух камолоти, устоз-шогирд муносабатларини ҳозирги кунгача руҳан комил, устувор, матонатли, меҳнатсевар, эзгу ишлар учун фидоий шахсни тарбиялаш жараёнида қўллаш яхши натижа беради.

Хожа Муҳаммад Порсонинг “Фасл ул-хитоб” асарида Юсуф Ҳамадоний ва унинг ҳикматли сўзлари ҳақида маълумотлар берилган. Асарда “Сафар дар Ватан” қоидаси куйидагича изоҳланган. Бунинг маъноси шуки, сафардан мақсад – сафар машаққат тортишга сабабдир, машаққат эса нафсни тоблантиради, аммора нафсни кучдан қолдиради. Нафснинг хор бўлиши нафсоний ва шахвоний истак-майлларнинг тийилиши ҳамда қалбнинг покланишига ва ислоҳ бўлишига олиб келади. Пировардида инсонда жамиятдаги ўз мавқеига нисбатан масъуллик ортиб, унинг элпарварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳр-муҳаббат, ғурур, ор-номуси каби туйғулар шаклланади ва ривожланади. Инсон ўз ҳаётини олий қадриятга айлантириб инсонийлик мақомини сақлаш ҳамда уни юксалтиришга интилади. Хулоса қилинса, демак, инсон ўз аслига, яъни илоҳий сифатларига қайтишига ишора қилувчи ушбу асос чин ахлоқий маъно билан бирга ирфоний мазмун ҳам касб этади. Инсоннинг сафари ҳам инсон учун билиш воситаси бўла олади. Фақат у ақл-идрок билан бор нарсаларда ҳикматни илғаши туфайли ҳосил бўлади.<sup>116</sup>

---

<sup>116</sup> Қаранг:Намозов Б. Хожа Муҳаммад Порсонинг фалсафий таълимоти.Тошкент ,“Мумтоз”, 2015 й.

“Сафар дар Ватан” қоидаси замирида инсоннинг ўз аслига сафари назарда тутилади. У башарий сифатларидан илоҳий сифатлари сари ёмон хулқлардан яхши хулқлар сари юксалиши лозим. Иккинчи маъноси, сафар қилмоқни лозим топиши керакки, у инсон учун ҳикматни танишда асос бўлади. Инсон ўз вужудини тафтиш этиши, барча ғуборлардан покланиши муҳим саналади. Зеро, сафар машаққати нафси ислоҳ этишнинг йўлларида биридир.

“Сафар дар Ватан” рашҳаси орқали қалбни поклашга асосий талаб қўйилади. Чунки қалб Аллоҳнинг назаргоҳи, манзили, маконидир. Рашҳада қалб ҳолатини назорат этиш билан инсон ботинидаги қувватларни идора этиши назарда тутилади. Яъни қалбда ўрнашиб олган, уни ҳалокатга олиб борадиган, инсон ҳаёти мазмунини йўқотадиган кибр, ҳасад, ғазаб, нафрат, гина, кудурат каби иллатлардан покланиш ва ниятни поклаш даражасига этиш мумкинлиги таъкидланади. Баҳоуддин Нақшбанд бу маънода шундай дейди:

Зи ғайрат хонаи дилро зи ғайрат кардаам холи,

Ки ғайратро намешояд дар ин хилват саро будан.

Мазмуни:

Ғайрат қилиб, ғайрдан (яъни иллатлардан) қалбни покладим, чунки иллатлар бу хилват маконига арзимайдилар. Кибр, ҳасад, гина, ғазаб қалбнинг қувватларини кана каби сўриб олиб, инсон қувватини ёмонликка йўналтирадилар, нафсининг қулига айлантирадилар. Қалб ва ботинни поклаш инсонни эзгу ниятли, эзгу сўз ва амалли бўлишига ёрдам беради. Яъни инсон илоҳий ахлоқ билан безанади.

Тоҷик олими Аълоҳон Асфаҳзод нақшбандиянинг мазкур талабини қуйидагича изоҳлади: “Сафар дар Ватан - сўфий ўзининг талабларида сафар қилишни ҳамда ёмон ахлоқни тарк этиб, фаришталар даражасига этиш керак”<sup>117</sup>. Бу талабда сафар - моддий саёҳат, бир жойдан бир жойга боришни англатмайди, балки, у ботиний, ички, руҳий саёҳатни англатади. Яъни бу

---

<sup>117</sup> Асфаҳзот А. Адабиёти форсу тоҷик дар нимаи дуввуми асри XV - Душанбе, 1989. - Саҳ. 25.

сафар натижасида киши ўзининг табиатини чуқур ўрганиб, ундаги ёмонликларни тарк этиши ва яхши сифатларга томон сайр этишни мушоҳада қилади. Асосий мақсад - ўзининг ботинидан кина, ҳасад, кибр, ғазаб, бугъз ва шунга ўхшаш ёмон иллатлардан қутулиш ва фаришталарга хос сифатларни эгаллашдир. Бу ботиний сафар туфайли қалб пок бўлади ва ёр билан хилватда висолга эришишда ёмон хислатлар халақит бермайди.

“Сафар дар Ватан” туфайли ботин пок бўлиб, хилват учун имконият туғилади. Юқорида айтилган талаблар натижасида инсон мукаммал ҳаракатни ўрганади. Бунинг натижасида солиқ ўз қалбида Аллоҳнинг сифат, феъл, зотини кўради. Бундай мукаммал ҳаракат натижасида солиқ Тангрининг т а ж а л л и й этиш манзилига айланади. Шунинг учун ас-Сафий “Рашаҳот айн ул - ҳаёт” китобида бу талабларни рашҳа - ҳаёт берувчи катрлар деб тўғри таърифлаган.

“Сафар дар Ватан” инсонга ўзлигини англашга ёрдам беради. Ўзлигини англаган шахс эса Ватани равнақиға беқиёс ҳисса қўша олади. Мазкур рашҳа комил инсонни тарбиялашни ўз олдиға асосий мақсад қилиб кўяди. Комил инсон куёш каби Ватаниға нуру зиё таратади. У Ватанининг тирик виждониға айланади ва ўз халқини ҳушёрликка ва уйғоқликка даъват этади.

#### 3.4 “Хилват дар анжуман” – меҳнатсеварликка рағбат

Юсуф Ҳамадоний тасаввуфий таълимотида инсон ҳаётининг мазмунини холис, эзгу ният ила ҳалол меҳнат қилиш ташкил этади. Шунинг учун бу таълимот жаҳонға танилгандир. Юсуф Ҳамадоний таълимотининг дунёвийлик хусусиятини ва ҳаёт мазмуниға оид қарашларини очиб беришға “хилват дар анжуман” рашҳаси ёрдам беради.

“Хилват дар анжуман” тамойилининг моҳияти шундаки, Тангрини таниш учун анжумандан узоқлашишға зарурат йўқ. Балким “Даст ба кору,

дил ба Ёр”, “Дил ба Ёру тан дар бозор” деб ҳалол меҳнат қилиш лозим. Юсуф Ҳамадоний таъкилайдики, Тангрини таниш учун чилла ўтириш, узлатга чекинишга зарурат йўқ. Аксинча, ҳалол меҳнат билан, жамоага фойда келтириб, фано бўлиш ва боқийлик даражасига етиш мумкин. Чунки ҳалол меҳнат жараёнида инсон нафсини жиловлайди, ўзини танийди ва шу орқали Тангрини ҳам танийди. “Хилват дар анжуман” талаби асосида вужудга келган “Даст ба кору, дил ба Ёр” талаби орқали бу таълимот XV асрда Мовороуннаҳр ва Хуросонда хунармандлар ўртасида катта эътибор топган. “Хилват дар анжуман” даги кундалик турмуш билан зоҳирӣ ҳаракатда фарк йўқлиги, яхшилик, олий ҳиммат, меҳнатга муҳаббат, хунармандчилик, деҳқончилик қилиш, фақат ўз меҳнати билан кун кечириш, текинхўр, мағрур, насабпараст ва шунга ўхшаш дарвешларни танқид қилиши бу йўлнинг обрў ва нуфузини халқ ичида кўтарди. Шунинг учун Бухоронинг етти пирлари, Хожа Исмаи, Абдурахмон Жомӣ, Алишер Навоӣ, Давлатшоҳ Самарқандӣ ва бошқалар бу йўлни танладилар<sup>118</sup>.

“Хилват” - арабча сўз бўлиб, ёлғизлик, ёлғиз ўтириш, ёлғиз ўтирадиган жой, бегоналардан холи бўлган жойда ўтириш<sup>119</sup> маъноларини англатади. “Анжуман” - жамият, мажлис, одамлар жамоаси, халқ, кишиларни англатади. Бир қарашда бу икки сўзнинг бир-бирига қарама-қарши маънога эга эканлиги маълум бўлади. Умуман олганда хилват анжуманни ва анжуман хилватни инкор этади. Аммо, Юсуф Ҳамадоний тасаввуфӣ таълимотида бу қарама-қаршилиқ ўзига хос йўллар билан уйғунлаштирилган.

Юсуф Ҳамадоний “анжуманда хилват” орқали бир-бирига муқобил кўринадиган бу тушунчаларнинг, ботинӣ йўллар билан уйғунлаштириш воситаларини топган. У ўз издошларига “анжуманда хилват” талаби орқали риёсиз фақат тангри ризолиги учун пок амаллар қилишни ўргатган ва бу билан инсонлар ҳаётининг мазмунини ва камолот йўлини белгилаб берган.

---

<sup>118</sup>Мирзозода Х. Таърихи адабиёти тоҷик. – Душанбе, 1989. - С. 85. 2

<sup>119</sup>Фарҳанги забони тоҷикӣ. Иборат аз ду чилд. - Ҷ. 2. –М., 1969. - С. 477.

“Хилват дар анжуман” нақшбандия таълимоти асосида турадиган 11 талабнинг биридир. Уни Юсуф Ҳамадоний Абдулхолиқ Гиждувонийга насихат қилган<sup>120</sup>. Хожаи Жаҳон уни қабул этиб, ўзи асослаган Хожагон тариқати учун қоида қилиб қўйган. Баҳоуддин Нақшбанд муршидидан бу ўғитни қабул қилиб, такомиллаштириб мукамал қилган ва ўзи асослаган тариқатнинг негизи сифатида қўйган ва шунинг воситаси билан комил инсон бўлишнинг энг яқин ва энг мақбул йўлини кўрсатган.

Баҳоуддин Нақшбанд Ҳиротда бўлганида Малик Ҳусайн билан учрашади. Малик Ҳусайн у кишидан сўрайди: “Сизнинг хулафонгизда жаҳр билан зикр айтиш, хилват ва самоъ борми?” У киши жавоб бердилар: “Йўқ”. Яна сўрайдилар: “Сизнинг тариқатингизнинг асоси нима?” Баҳоуддин буюрдилар: “Анжуманда хилват, ватанда сафар, зоҳирда халқ билан ва ботинда Ҳақ билан бўлиш”<sup>121</sup>. Баҳоуддиннинг бу жавоби кўрсатадики, унинг таълимоти асосини Юсуф Ҳамадонийнинг рашҳалари ташкил этади.

Юсуф Ҳамадонийнинг “Хилват дар анжуман” тамойил ҳалол луқмага риоят, қаноат, ўз меҳнати билан кун кечиришга чақиради. Бу эса Юсуф Ҳамадоний ва унинг издошларини жаҳонга машҳур этган “Даст ба кору, дил ба Ёр” – “Қўл ишдаю, қалб Аллоҳда” шиорларини ҳам келтириб чиқарган. Кўпинча мазкур таълимотнинг асосий йўналиши, маъносини белгилаб турадиган бу шиор “Дил ба Ёру, даст ба кор!” (Дил Худо билан ва қўл меҳнат билан), деб ёзилади ва талқин этилади. Ҳолбуки, бу машҳур шиор “Рашаҳот айн ул-ҳаёт” асарининг Хожа Аҳрори бағишланган (иккинчи) қисмида Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний тилидан шундай тарзда берилади: “Мифармудандке, Ҳазрати Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний (қ.с.) фармуданке, гароний аз халқ бармибояддошт ва он намишавад, илло бо касби ҳалол даст ба кор, дил ба ёр дар тариқи Хожагон (қ. с. арвоҳам) амри муқаррар аст”<sup>122</sup> деб ёзилган. Мазмуни: Ҳазрат Абдулхолиқ Гиждувоний буюрадилар: “Халқни оғирлигини енгил қилмоқ керак. Бу эса фақат “ Қўл меҳнатда ва

<sup>120</sup>Ориф Усмон. Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳақида. - Тошкент: Университет, 1993 17-бет.

<sup>121</sup>Муҳаммад Боқир, Мақомати ҳазрат хоча Нақшбанд. - Бухоро: Бухорои шариф, 1326 х. й. 53-54-бетлар.

<sup>122</sup>Рашаҳот. 255-бет.

қалб Аллоҳда”, дейилган. Хожагонларда муқаррар амр ила ҳалол касб билан бўлади.

“Рашаҳат айн-ул-хаёт” асаридан келтирилган юқоридаги иқтибос “Даст ба кору дил ба Ёр” шиорининг моҳиятини очиб беради. Хожа Абдулхолик Гиждувоний бу шиорни айтишдан олдин “гарони аз халқ бар мебояд дошт” дейдилар. Гарони - сўзининг мазмуни оғирлик, мушкулликдир. Яъни халқнинг оғирини енгил қилиш керак, дейилмоқда. Бунинг учун эса меҳнат қилиш, қўлни ишда қилиб, қалбда Аллоҳни асраш лозим. Фақат шу йўл билан кишиларнинг оғирини енгил қилиш мумкин.

“Даст ба кору, дил ба Ёр” шиори, меҳнат жараёнида ҳалоллик ва эзгулик билан ишлайдиган киши, албатта, Аллоҳни қалбида сақлайди, яъни тилида эмас дилида Аллоҳ, эканлигини англатади. Чунки у Аллоҳ берган ҳар бир нафас ва ҳар бир неъматини англаб, улардан тўла эзгулик йўлида фойдаланади. Мантиқан чуқур тааммул қилсак, кўринадики, Аллоҳнинг дийдорига муяссар бўлиш, Ҳаққа етишнинг энг яқин ва тўғри йўли, бу бир касбу ҳунарни мукамал ўрганиб, ўшани ҳалоллик билан бажаришдир.

"Даст ба кору, дил ба Ёр" - инсон Аллоҳ яратган мавжудотларнинг энг шарафлиси ва аълосидир, унинг Зоти тажаллиси, демак, унинг борлиғи илоҳий борлиқ билан узвий бирликда бўлади, деган фикрни уқтиради. Бу борлиқ инсонда шукроналик туғдиради ва бу инсон қалби орқали намоён бўлади. Демак, инсоннинг Аллоҳ билан илоҳий-ирфоний муносабати унинг зотини фавқуллодда шарафли қилиш билан бирга ўзининг ҳар бир нафасида У Олим, Нозир, Қодир ирода назарида туришини ҳам чуқур англатади ва борликда унинг зухуротини кўради. Шунинг учун у берган неъматларни эзгуликка сарф этади ва қўлини ҳам кишилар оғирлигини енгил қилиш учун равона этади.

“Даст ба кору, дил ба Ёр” яна шуни ифодалайди-ки, Аллоҳ инсонга ақл, 5 хил сезги, шуур, ирода берган, саъйи ғайрат, бахт-саодатга элтувчи юрак бериб, унинг қалбида туриб, уни эзгуликка даъват этади. Шунинг учун қалб амрига қулоқ солиб, ҳалол меҳнатни холис, риёсиз бажариш керак.

“Даст ба кору, дил ба Ёр” - инсоннинг Аллоҳга, борлиққа, ҳаётга, бошқа тирик жонзодларга, кишиларга бўлган мураккаб муносабатларининг яна бир муҳим қиррасини ният, тил ва дилнинг мутаносиблигини ҳам кашф қилади. Маълумки, тил дилдаги бор маънавий-вужудий талаб ва эҳтиёжларни тўла ифодалай олмайди. Бунга унинг ўзига хослиги ҳалақит беради ҳам. Ана шундай тил-дил ғайри мутаносиблигини инсоннинг ўз қўли билан қиладиган мулоқоти - "Дил ба Ёр, ... " илтижо-мурожаатлари, мууроқабада жуда самарали бартараф этилиши мумкин ва амаллари орқали уни исботлаши мумкин.

“Даст ба кору, дил ба Ёр” - инсон ҳаётининг ўткинчи эканлигини бутун моҳияти билан англаб етиш, инсонни умидсизлик, узлатчилик қучоғига эмас, ҳаётни кадрига етиш, фаол инсонпарварлик, ҳаётбахшликка чақиради. Ҳаётдаги эзгу ишлар инсонга хайр бахш этиб, башарият хотирасида ўчмас ва шарафли ном қолдиришни, залолат ишлар эса инсонни захматлар, ўнгламас ғам-ташвишлар қаърига отибгина қолмай, инсон вафотидан сўнг, “бирор савобли, яхши иш қилмаганлиги учун” авлодлар қарғишига учраши, тавқилаънатларига дучор бўлишини уқтиради.

“Даст ба кору дил ба Ёр”нинг яна бир маъноси - инсон ўз ҳаётида юксак илоҳий нишон-қадриятга эга эканлигини, ана ўша нишон-қадрият юксаклигидан туриб, унинг меъёрлари асосида, ҳатто энг оғир мусибатлар чоғида ҳам ўзини йўқотмай, инсонлик шаънини юксак тутиб яшаши, фақат Аллоҳга илтижо қилиши, унинг ҳукмига риоя қилиши, ундан бошқа бирор нарса ёки зотга тобеълик кўрсатмаслиги, хур-озод, ҳаётбахш, гўзал ва эзгу амалли Инсон бўлиш зарурлигини англатади.

“Даст ба кору, дил ба Ёр” - инсоннинг ҳаётдан ўзининг буюк зот Инсон эканлигидан, Аллоҳ берган неъматлардан розилигини жуда чуқур ва лўнда ифода этади.

“Даст ба кору, дил ба Ёр” бизни Аллоҳ - Ҳақ, Адл - инсоф, эзгулик йўлига даъват қилишини, инсон ҳаётидан мурод Адл-инсофни рўёбга чиқариш, саодатга эришиш эканлигини англатади, нопоклик, хиёнат,

иккиюзламачилик, муртадлиқ, лоқайдлик ва беғамликдан ихота қилишини уқтиради. Шу маънода “Даст ба кору, дил ба Ёр” бизлар учун энг асқотувчи маънавий қадрият нишонидир.

Демак, “хилват дар анжуман” таълимоти покланиш ва камолотга эришувнинг асоси эзгулик, яхшилиқ қилиш, халқ мушкулини осон этиш деб тушунади. Бу эса фақат Аллоҳни қалбга жойлаб, тақво ва тоат қилиш билан эмас, балки, аввало, Аллоҳ берган қўлни меҳнатга банд қилиш, яъни маълум ҳунарни эгаллаб одамларга фойда келтириш заруратини тақозо этади.

Тасаввуф таълимотида оламда яратилган барча нарсалар Аллоҳнинг зуҳуроти эканлигини кўрсатиб, улар маълум мақсадда яратилиши таъкидланади. Ҳар бир киши нарсанинг моҳиятини кўра билиши, унинг ботиний, ички томонини англай олиши керак. Аллоҳ сўзламайди, у яратгани орқали бизларга нима демоқчи бўлса, англатади. Демак, инсонни ҳам қўл билан яратибдими, бу қўллар эзгулик, яхшилиқ учун хизмат қилиши ва ҳалол меҳнат билан шуғулланиши керак.

Аллоҳ инсонларга қўлларни ато этиб, бизни меҳнат қилишга чорлаган. Лекин сўфийлар дунёдаги бойлик ва мол-мулкдан кўнгил узган кишилар бўлганидан, улар бу меҳнатни ўзгалар оғирини енгил қилиш учун бажарадилар. Бундай холис, эзгулик ниятидаги меҳнат жараёнида инсон руҳан юксалади. У топган нарсаларини муҳтожларга улашиб, фақат эзгу ишлар билан шуғулланади ва руҳан эркин бўлади.

Ориф Усмон “Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳақида” рисоласида мазкур шиорнинг фавқулодда муҳимлиги ва нақшбандия (Хожагон) таълимотининг туб моҳиятини ва ижтимоий-дунёвий аҳамиятини белгилаб беришини назарга олиб, унинг ўзбекча, туркча ва татарча таржималарини ҳам келтирган. Бу машҳур шиордаги “даст ба кор”, яъни “қўл ишда” талаби “дил ба Ёр”лик ҳолатидан олдин келган. Бу эса нақшбандия таълимотида ижтимоий-дунёвийлик асосий масала эканлигидан далолат беради. Ҳар бир киши аҳил меҳнат қилиши билан ўзининг имонли эканлигини кўрсатишини исботлайди.

Тасаввуфшунос тожик олими А. Муҳаммадхўжаев хилватни инкор этиб, меҳнат билан кун кечиришни Абу Али Даққоқ, Нажиб Суҳраварди, Абу Сайид Абулхайрлар ҳам тавсия этганини ёзган.<sup>123</sup> Шунингдек, бу мазмунда иш олиб борган бошқа валий ва шайхлар ҳам мавжуд. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фақат Юсуф Ҳамадоний ўзининг таълимоти асосига “хилват дар анжуман”ни қўйди ва бу таълимотни мукамал такомил этиб таҳлил қилди. У қандай қилиб анжуманда хилват қилиш мумкин эканлигини исботлади. Ўзи ўз ҳаёт йўли орқали бу амалнинг афзаллигини кўрсатди.

Тасаввуфшунос олим Н. Комилов “Тасаввуф” китобида “хилват ва анжуман”га махсус боб ажратиб, уни чуқур таҳлил этади. Хилват ва анжуман тушунчаларининг шаклланишида икки ҳадис –“Исломда роҳиблик йўқ” ва “Фақирлик менинг фаҳрим”нинг ўрни борлигини исботлаб беради<sup>124</sup>.

“Хилват дар анжуман” рашҳаси таълимотнинг инсонпарварлик моҳиятини очиб беради. Чунки бу ерда хилват танҳолик, ёлғизликда яшаш, узлатга чекиниш, чилла, оила ва жамоани тарк этиш маъносида эмас, балки анжуманда, кишилар ўртасида бўлиб, меҳнат билан шуғулланиш қалбда Аллоҳни асрашни ифода этади ва бу билан бошқа тасаввуф тариқатларидан устун туради. Зоҳирда халқ билан бўлиш, у билан бир хил яшаш ва меҳнат қилиш, оилани тебратиш деган маънони англатади.

“Хилват дар анжуман” таълимотида Баҳоуддин Нақшбанд х и л в а т мавзеини қ а л б ва х и л в а т н и б о т и н д а Ҳ а қ билан бўлиш деб тушунган. Баҳоуддин бу маънони шундай назмга туширган:

Зи ғайрат хонаи дилро, зи ғайрат кардаам холи,  
Ки ғайратро намешоят, дар ин хилват саро будан<sup>125</sup>.

Мазмуни:

Ғайрат қилиб қалб уйини ўзгалардан бўшатдим,  
Чунки ўзга бу хилватгоҳга арзимаёйди.

<sup>123</sup>Муҳаммадходжаев А. Идеология накшбандизма. Душанбе: Дониш, 1993-С. 169-170.

<sup>124</sup>Нажмиддин Комилов. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. Тошкент: :Ёзувчи, 1996й. 90-113-бетлар.

<sup>125</sup>Мавлоно Яъқуб ибн Усмони Чархи. Мухтасар дар баёни силсилаи Нақшбанд: Қўлёзма. ЎзФАШИ. N 9328-1-В. 7.

Маълум бўладики, хилватгоҳ - қалбда Ёр-Тангри билан бўлиш учун, биринчидан, ғайрат керак, иккинчидан, барча тангридан ўзга нарсалардан қалбни пок этиш лозим экан. Бу учун аввало, огоҳ ва хушёр бўлиш ва ғафлатда қолмаслик зарур. Бунда киши ўзини таниши ва ёмон ахлоқдан пок бўлиши керак. Шундан келиб чиқадики, “хилват дар анжуман” талаби “хуш дар дам”, “назар бар кадам”, “сафар дар Ватан” талаблари билан ўзаро боғлиқ экан.

Хилватнинг луғавий маъноси “чекиниш” деганидир. Чекиниш халқдан, жамиятдан, ташқи муҳитдан узилиш демакдир. Токи узилмай туриб боғланиб бўлмайди. Хилватнинг тури икки хил бўлади:

1. Танҳо хилват

2. Анжуманда хилват.

Тариқатда то Юсуф Ҳамадонийгача “Танҳо хилват” тушунчаси мавжуд эди. Лекин Ҳамадоний “Анжуманда хилват” тушунчасини таълимотга олиб кирди. Маълумки, танҳо хилват - бу халқдан чекиниш, панага ўтиш, яширинишдир. Жисмоний якка шахснинг ўз руҳий-маънавий олами билан тўлиқ бирикувидир. Бу ишда “анжуман”, яъни халқ, жамият ва бошқа ташқи муҳит халақит беради. Шунинг учун ҳам “танҳо хилват” масаласи тасаввуф тариқатларида жорий этилди. Танҳо хилват, чилла, узлат, оила, маҳалла олдидаги масъулиятдан кишини узоқлаштиради ва шуҳрат, кибру-ҳавони келтиради.

Аммо хожагон таълимоти асосчиси Юсуф Ҳамадоний тариқат талабларига “Анжуманда хилват” қоидасини киритдики, бу юқоридаги “танҳо хилват” тушунчасидан бирмунча фарқ қилади. Зеро, бу тариқат йўли “суҳбат” усули билан амалга ошгани учун ҳам анжуманни талаб қилар эди. Бинобарин, “анжуманда хилватни” ҳосил қилишга эҳтиёж туғилди.

Анжуманда хилватни қандай ҳосил қилиш мумкин? “Анжуманда хилват”да ҳам “танҳо хилват” каби халқдан чекиниш билан юз беради. Аммо бу ерда ёмон ҳамсуҳбатдан узоқлашиш талаб этилади. Бу шундай

хилватки, икки ёки ундан ортиқ ҳаммаслак, ўзаро “мен”, “сен” тушунчасига эга бўлмаган, руҳиятида ягона Аллоҳ ишки билан ёнган ўнлаб, юзлаб кишиларнинг бир одамга айланиши демакдир. Бу талқин моҳиятини очиш учун тасаввуф тарихидаги битта ривоятга мурожаат қиламиз. “Бир жиноят содир бўлиб тариқатдаги бир неча солиқни қози ҳузурига гувоҳликка олиб келишади. Уларни қози якка ҳолда сўроқ қилганида ҳаммасидан бир хил жавоб олади. Шунда қози ёрдамчисини қойиб дейдики, ”Сен менга битта одамни олиб келдинг, холос, зеро улар (тариқатдагилар) сонда бир неча кишидан иборат бўлса-да, сифатда якто шахсдир”.

Юсуф Ҳамадоний киритган тўрт устун-мустаҳкам қоидасининг тўртинчиси “Хилват дар анжуман” ҳисобланади. Юсуф Ҳамадоний асос солган хожагон таълимотининг пойдеворини ҳам ушбу қоида ташкил этади. Тариқат хослар иши. Тариқатдаги қоидалар эса унинг хусусий сир-асрорларидир. Бу билан тариқат эришган руҳий-маънавий камолот меваларидан кенг халқ оммасини мутлақо баҳраманд этиб бўлмайди деган фикрдан йироқмиз.

Қуръони Каримда айтилишича: “Шахслар борки, олди сотди вақтида ҳам Тангрини эслашдан фориғ бўлмайдилар”. Хожаи Авлиёи Кабир дейдиларки, зокир зикрга шу даражада берилсинки, ҳатто бозорда бўлганда ҳам шовқин сурон унинг қулоғига кирмасин, ҳеч қандай ташқи ҳодиса уни зикрдан чалғитмасин. Убайдуллоҳ Аҳрор фикрларича, зикр машғулотиға қаттиқ берилиш билан беш-олти кун ичида шундай даражаға етишиш мумкинки, одамларнинг ҳар қандай гаплари зокир қулоғига зикрдай туюлади ва ўзи ҳам неки деса, зикр каби бўлади. Бу даражаға етмоқ учун эса қаттиқ саъй-ҳаракат даркор.

“Хилват дар анжуман” талабига риоя этиш учун махсус руҳий тайёргарлик лозим, чунки жамият ичида бўлиб, зикр ва тақвони фақат тангри учун холис бажариш мустаҳкам ирода ва кучли эътиқодни талаб этади. Бундай ҳаракат ботиний бўлиб, зоҳирий ҳаракатдан тубдан фарқ қилади. Албатта, бу йўл хос кишиларнинг йўлидир. Зоҳирда халқ билан, ботинда Ҳақ

билан бўлиш учун солиқнинг қалб кўзи очик ва мукамал ҳаракат қилишга кодир бўлиши лозим. У ҳар бир қилаётган амалини тангри кўриб тургани, огоҳ эканлигига шак-шубҳа қилмаслиги лозим. Хилватга Шоҳ Неъматуллоҳ шундай таъриф берган: “Хилват риёзат орқали кам ейиш, кам ухлаш, рўза тутиш, оз гапириш, ёмон ҳамсухбатлардан узоқ туриш, мудом зикр қилиш ва хотирдаги алоқаларни йўқотиш орқали нафс билан муҳолафат қилишдир”<sup>126</sup>. Баҳоуддин Нақшбанд Шоҳ Неъматуллоҳ таъриф берган бу хилватни анжуманда амалга оширишни таклиф этади. У меҳнат жараёнида нафсни идора қилиш керак, дейди. Баҳоуддин таклиф этаётган меҳнат қилиш оддий одамларнинг меҳнатида фарқ қилади. Чунки бундай меҳнат нафс , яъни ейиш, кийим-бош, мол-дунё, обрў ва мансаб, халқ кўзига тушиш учун эмас, балки Тангри ризолиги учундир. Шунинг учун Баҳоуддин “Ал қосиб ҳабибуллоҳ” ҳадисини шарҳлаб, баён этганларини Алишер Навоий ёзган:

Нукта асносида Ҳабибуллоҳ,  
Деди, ал қосибу ҳабибуллоҳ.  
Маъни айтур бу сўзга пири комил,  
Ки сўз эрди Ҳақ сари шомил.  
Ғараз эрмас бу сўздин дунё,  
Бал эрур қасбдин мурод фано<sup>127</sup>.

Мазмунидан маълум бўладики, ҳалол меҳнат, холис амал натижасида ф а н о ҳолати ҳосил бўлади, шахс боқийлик билан боғланади. Бундай даражага улғайиш учун қаноат зарурлигини Алишер Навоий шундай ёзган:

Қаноат тариқига кир, эй кенгул,  
Ки хатм ўлғай ойини иззат санга.  
Десанг, шоҳ ўлай, еру кўк бас дурур,  
бу бир тахту ул чатри рафъат санга.  
Фано шўъласида ёшур жисмни,  
Керак бўлса зарбафт хилъат санга.

<sup>126</sup>Саччоди. Фарҳанги луғот ва истилохот ва таъбироти ирфони – Техрон, 1350 ҳ. й. - Саҳ. 356.

<sup>127</sup>Алишер Навоий, Мукамал асарлар тўплами. 5-Т. Тошкент: “Фан”1990. 487-бет.

Етар лола бутган қиё куллasi,  
Мурод бўлса гулгун хашмат санга.<sup>128</sup>

Юсуф Ҳамадоний таълимотида анжуман ичида меҳнат қилиб кўз, кулоқ, тил, кўл, оёқни ҳаромдан сақлаш лозимлиги уқтирилади. У инсонга яхлит тизим сифатида баҳо бериб, ўзидаги яхши қувватларини ягона мақсадга йўналтириши ва қалбини тангри жамоли билан висолга очиб кўйиши зарур, деб санайди.

Юсуф Ҳамадоний таълимотидаги “хилват дар анжуман”нинг хусусиятларидан яна бири - уни суҳбат билан боғлиқлигидир. Таълимотни суҳбат билан боғлиқлигига алоҳида эътибор бериб, Баҳоуддин шундай буюрган: “бизнинг тариқатимизда жаҳр-баланд овоз билан зикр этиш ва рақс йўқ. Бизнинг тариқатимиз суҳбатдир ва хилватдир, анжуманда ва Ватанда сафар этишдир. Хилватда шуҳратдир ва шуҳратда офат. Хайрият жамиятдадир”<sup>129</sup>. Яхши кишилар билан суҳбат инсон камолотига ёрдам беради, аммо хилват бўлса шуҳрат келтиради, дейди у. Шуҳрат офати шундаки, бунинг натижасида инсон турли йўллар билан уни сақлашга уриниб руҳий таназзулга учрайди. Ёмон кишидан қочиш, хилватда бўлиш керак, лекин яхшилар билан суҳбатнинг аҳамияти катта.

“Анжуман” деган тушунча “суҳбат” орқали намоён бўлади. Абдурахмон Жомий яхши ҳамсуҳбатга эътибор бериш керак, дейди ва шундай ёзади:

Маншин бо бадон, ки суҳбати бад,  
Гарчи поки туро палид кунад.  
Офтоб ба ин бузургиаш,  
Парчаи абр нопадид кунад.  
Гавҳар аз ноқисони раҳ маталаб,

<sup>128</sup>Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 1-том. Тошкент:“Фан”1987. 628-629-бетлар.

<sup>129</sup>Анис ат-толибин. 58-бет.

З-он, ки ин моя комиле дорад<sup>130</sup>.

Мазмуни:

Ўтирмагин ёмонлар биланки, унинг суҳбати,  
Сен пок бўлсанг-да, сени ифлос қилади.  
Қуёш шундай буюк бўлса-да, лекин,  
Бир парча булут уни тўса олади.  
Гавҳарни нуқсонлилардан сўрама,  
Чунки моя комиллардагина бор.

“Хилват дар анжуман”- зоҳирда халқ билан ва ботинда тангри билан бўлиш хуфия зикрни тақозо қилган, чунки бундай зикр анжуманда хилватда бўлишга имкон берган.

“Хилват дар анжуман” рашҳасини Хожа Аҳрори Вали қуйидагича таъриф берган:

Нақшбандия ажаб қофилаосоранд,  
Ки баранд аз раҳи пинҳон ба ҳарам қофиларо.  
Аз дили солики раҳ жозибай сўҳбаташон,  
Мебарад васвасаи хилвату фикри чилларо.<sup>131</sup>

Мазмуни:

Нақшбандия ажаб карвонбошидирки,  
Карвонни яширин йўл билан ҳарамга элтади.  
Уларнинг суҳбатининг жозибасидан солиқлар қалбидан,  
Хилват васвасаси ва чилланинг фикри йўқолади.

“Тавҳид асрорини англаб етиш Сунна билан бошланиб, тасаввуф ирфонидида юксак камолотга эришди. Аммо бу йўналишлар ибрат, мантиқий тафаккур ва руҳий камолот сифатида, асосан инсоннинг ички такомиллига

---

<sup>130</sup>Рисолаи Ҳазрати Азизон.Бухоро: Бухорони Шариф, 1326 х. й. 36-бет.

<sup>131</sup>Ҷоми А. Нафаҳот ул-унс. 413-бет.

каратилган эди. Инсон ўз-ўзини англаш орқали Ҳақ асрорни идрок этишга интилди, аммо инсоннинг якуний мақсади шунда тугайдими? Инсон Тавҳид асрорини ўзи учун англаб етди, дейлик, энди у нима қилиши керак? Шу саволга тасаввуфнинг охирги тариқати - Нақшбандия жавоб берди”<sup>132</sup>, - деб изоҳлайди М. Имомназаров. Биринчи мақсадга эришилди - “дилда Ёр” ҳолати мавжуд, энди ишга киришмоқ лозим – “даст ба кор” га ўтиш керак. “Дилда Ёр” ҳолати дилда ғараз, яъни худбинлик йўқлигини кўрсатади, энди “даст ба кор” бўлса, яъни ишга қўл урилса, ўз шахсий ғаразли мақсадлари учун эмас, холис Аллоҳ учун, Ҳақ учун, ҳақиқат ва адолат тантанаси учун амалий ҳаракатга киришилган бўлади. Шу сабабли ҳар нафас “дилда Ёр” бўлиши, “Аллоҳ” исми дилда зикр этилиши, яъни “Ҳуш дар дам” қоидасига риоя этиш тақозо қилинади. Чунки, Аллоҳ номи бир нафас дилни тарк, этса дарҳол ўрнини ғараз, худбин бир ният эгаллаши мумкин. “Назар бар қадам” ҳам шу маънога яқин туради, яъни беҳуда бирор қадам қўймаслик, ҳар бир амалий ҳаракатнинг Ҳақ йўлида қўйилаётганини таҳлил этиб, диққат билан кузатиб назардан қочирмай бориш кераклиги иккинчи қоидадир. Тўртинчи қоида – “Хилват дар анжуман” Ҳақ асрорини англаб етган орифнинг халқ билан бирга бўлиши лозимлигини, аммо доимо Ҳақни дилда тутган ҳолда халқ билан бирга бўлишни таъкид этади. Тўлиқ “Хилват” ни танлаш кибрга, тўлиқ “анжуман” га киришиб кетиш ғаразга етаклаши мумкин, “Хилват дар анжуман” эса мувозанатни сақлаб туриш, демакдир”<sup>133</sup>. Демак, “хилват дар анжуман” инсон ва борлик муносабатларини мувозанатга келтиради ва меъёрда сақлайди. Бу нақшбандия таълимоти меъёрда бўлганлигини, уйғунликка олиб келишини яна бир бор кўрсатади.

Умумий хулоса қилиб айтиш мумкинки, Юсуф Ҳамадонийнинг “хилват дар анжуман” рашҳасининг қуйидаги жиҳатлари муҳим аҳамиятга эга:

1. Юсуф Ҳамадоний таълимотида комил инсон тарбияси энг яқин ва барчага мақбул йўл “хилват дар анжуман” тамойили асосида амалга ошади.

<sup>132</sup>Имомназаров М. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. -Тошкент: Шарқ, 1996. 70-бет.

<sup>133</sup>Ўша ерда.

2. Бу тамойил эзгу ниятда ҳалол меҳнат қилиб, ўзгаларнинг оғирини энгил қилиш ғоясига асосланади ва ёшларни меҳнатсеварлик, айнан ҳалол меҳнат қилиш руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

3. Шу тамойил асосида “Даст ба қору, дил ба ёр” бунёдкорлик ғояси шаклланди.

4. Бу тамойил инсондаги жисмоний, ҳиссий, нафсоний, ақлий, ижтимоий, илоҳий манфаатларини уйғунлаштириб, камолга етказди.

5. “Хилват дар анжуман” устоз ва шогирд муносабатларининг эркин асосда қурилишига асосланади ва инсоннинг руҳини озод камол топишига имкон беради.

## **Хулоса**

IX-XII асрларда юз берган Шарқ Уйғониш даврида дунёвий илмлар каторида диний илмлар ҳам ривож топди. Ислом оламидаги тасаввуф таълимоти ҳам бу даврда такомиллашди. Мазкур илмни камолотга етказган мутафаккирлардан бири Юсуф Ҳамадоний ҳисобланади. Юсуф Ҳамадоний бунёдкор ғояларининг асосида инсон камолоти масаласи ётади.

Комил инсон ғояси ҳам миллий, ҳам умумбашарий моҳиятга эга бўлган, одамзотга хос энг юксак маънавий ва жисмоний баркамолликни мужассам этган, уни ҳамиша эзгуликка ундайдиган олийжаноб туйғудир. Бу ғоя нафақат алоҳида шахсларни, балки бутун-бутун халқларни юксак тараққиёт сари етаклаган, уларни маънавият ва маърифат бобида тенгсиз ютуқларга илҳомлантирган. Комилликни орзу қилмаган, баркамол авлодни вояга етказиш ҳақида қайғурмаган халқнинг, миллатнинг келажаги йўқ. Бундай халқ таназзулга маҳкумдир.

Халқимизнинг келажаги, энг аввало, унинг ўзига, маънавий қудратига ва миллий онгининг ижодий кучига боғлиқдир. Айнан шунинг учун ҳам маънавий жиҳатдан мукамал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва

маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги баркамол авлодни вояга етказиш давримизнинг энг долзарб вазифаларидан биридир. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, халқни буюк келажак ва улуғвор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган миллати, элати, тили ва динидан қатъий назар ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан бахт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашга чорлаш, аждодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишга эришиш, юксак фаолияти ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчанлик ишларига жалб қилиш, шу муқаддас замин учун фидоийликни ҳаёт мезонига айлантириш - миллий истиқлол мафкурасининг бош мақсадидир.

Комил инсон тўғрисидаги бунёдкор ғояни амалга оширишга бўлган интилишлар инсоният тамаддунининг моҳиятини ташкил этади. Чунки, комил инсон жамият тараққиётига ижобий таъсир этади. Миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларидан бири ҳам комил инсон тўғрисидаги ғоядир. Тасаввуф таълимоти тўла комил инсон тарбиясига бағишлангандир. Унинг барча тариқатлари ўзига хос услуб ва йўллар билан комил инсонни шакллантирадилар.

Комил инсонлар жамиятнинг тирик виждонларидир. Кишилар уларга қараб ҳушёр тортадилар, дунё беҳудалигидан ўзларига келиб, ўз қалбларига, ўз қилаётган ишларига разм соладилар, тавба-тазарру қиладилар. Комил инсонларнинг афёлу аъмоли инсонлар дилига қувват, кўзига нур бағишлаган.

Яхши сифатларни эгаллаб борган одам комил инсон мартабасига кўтарила олади. Комил инсон – инсонларнинг энг мукаммали, энг оқили ва доноси. Комил инсон инсонлар жамияти ичидан етишиб чиқадиган мўътабар зотдир. Инсонлар комилликка ахлоқий-маънавий покланиш жараёнида эришадилар.

Юсуф Ҳамадоний комил инсон ҳақидаги ғоясини ўзининг асарлари, рашҳалари ва ўғитларида қуйидагича тавсифлаган:

- Комил инсон ўз асли, моҳияти, мақомини биладиган инсон;
- Комил инсон – эзгу ишлар билан тирик – тинч ва хотиржам инсон;
- Комил инсон – тана ва руҳига мўътадил муносабатда бўладиган инсон;
- Комил инсон – ўз меъёрини биладиган инсон;
- Комил инсон – коинот билан уйғунликда бўлган инсон;
- Комил инсон – нафсини таниб, бошқара оладиган инсон;
- Комил инсон - эҳсон мақомига етган инсон.

Юсуф Ҳамадоний маънавий меросидаги инсон камолоти учун зарур бўлган тўрт ҳаётбахш рашҳалар - яъни “хуш дар дам”, “назар бар қадам”, “сафар дар ватан”, “хилват дар анжуман” ўғитлари муҳим аҳамиятга эга. Бу рашҳалар ҳақида тасаввуфий адабиётда жуда кўп назмий ва насрий шарҳлар мавжуд. Ўзбек халқи маънавий дунёсининг шаклланишига ғоят кучли ва самарали таъсир кўрсатган улуғ зотлардан бири - Алишер Навоий бобомиздир. Биз у кишининг мўътабар номи, ижодий меросининг боқийлиги, бадиий даҳоси замон ва макон чегараларини билмаслиги ҳақида доимо фахрланиб сўз юритамиз. Президентимиз Навоий даҳосига юксак баҳо бериб шундай дейди: “Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир”.<sup>134</sup> Ана шундай буюк инсон бўлган Навоий ҳам Юсуф Ҳамадонийнинг тўрт рашҳасини улуғлайди ва унинг мазмун – моҳиятини қуйидаги назмий мисраларида баён этади:

Десанг, хилватим анжуман бўлмасин,  
 Керак анжуман ичра хилват санга.  
 Ватан ичра сокин бўлуб, сойир ўл,  
 Сафардин агар етса меҳнат санга.  
 Назарни қадамдин йироғ солмағил,  
 Бу йўл азми гар бўлса рағбат санга.

<sup>134</sup> Каримов И. Юксак маънавият - енгилмас куч. Тошкент: “Маънавият”, 2008. 47-бет.

Дамингдин йироғ тутмагил хушни,  
Ки юзланмагай ҳар дам офат санга.  
Бу тўрт иш била рубъи маскан аро,  
Чолинмоқ, не тонг кўси давлат санга.  
Бу оҳанг ила бўлғайсен Нақшбанд,  
Навоий, агар етса навбат санга.<sup>135</sup>

Сўз мулкининг султони Алишер Навоий Юсуф Ҳамадоний таълимоти асосида вужудга келган нақшбандия йўлининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд ва у кишининг издошлари бўлган шайхларни "Лисон ут-тайр" асарида сидра дарахти (жаннат дарахти) даги қушларга ўхшатади. Шоир бу қушлар сокин ва тинч ҳаёт кечирадилар ва ҳеч нарсадан норози эмаслар, ҳар ёққа талпиниб парвоз қилмайдилар дея, бундай юксак даражанинг асосини юқоридаги тўрт рашҳа ташкил этганлигини таъкидлайди:

Бор анингдек қушки очмай болу пар,  
Сидра шохи устида айлар муқар.  
Келди хилватгоҳи они анжуман,  
Сайр этар, лекин ери доим ватан.  
Арш парвоз ўлдию сидранишин.  
Элга зоҳир айламай парвоз ишин.  
Эрмас ул Симурғдин айру даме,  
Васлидин кўнглига ўзга оламе.  
Етмайин жонига ҳажридин газанд,  
Сурати васлида ҳар дам Нақшбанд.<sup>136</sup>

Юқоридаги фикрлар асосида Юсуф Ҳамадонийнинг тасаввуф тарихидаги ўрнини қуйидагича белгилаш мумкин:

1. Юсуф Ҳамадонийнинг ҳаёт йўли комил инсоннинг шаклланиш мактабидир. Алломанинг ўзи комил инсон тимсоли сифатида қадрлидир.

<sup>135</sup>Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 1-том. Тошкент: "Фан" 1987. 628-629-бетлар.

<sup>136</sup>Алишер Навоий. Лисонут тайр. - Тошкент: 1991. 81-бет.

2. Юсуф Ҳамадоний тасаввуф илмини ўз замонасининг машхур алломаларидан ўрганган. Шунинг учун тасаввуф таълимотини мукаммал билган олимдир.

3. Юсуф Ҳамадонийнинг ёзган ўнга яқин асарлари тасаввуф тарихидаги муҳим манбалар бўлиб хизмат қилади. Бу асарлардан “Рутбат ул ҳаёт”, “Одоби тариқат” ва “Инсон ва коинот ҳақида рисола” ўзбек тилига таржима қилиниб, китобхонларга илк мартаба тақдим этилди.

4. Юсуф Ҳамадонийнинг маънавий мероси, асарларидаги ғоялар, ҳикматли сўзлари ва турмуш тарзи баркамол инсонни тарбиялаш ва маънавиятни юксалтиришнинг муҳим мезонидир.

5. Юсуф Ҳамадоний ўз асарларида инсонни энг азиз ва жуда гўзал хилқат эканлиги, у ўз-ўзини англаши ва нафсини бошқара олиши билан илоҳий мавжудот бўла олишини асослаб берган.

6. Юсуф Ҳамадоний Бухорода ўз ирфоний мактабини ташкил этган ва Ўрта Осиё ҳудудида тасаввуфий ғояларнинг ёйилишига катта хизмат қилган.

7. Юсуф Ҳамадоний хожагон таълимотининг асосчисидир.

8. Хожагон-нақшбандия таълимотидаги ҳаётбахш ўғитлар – тўрт рашҳа - “хуш дар дам”, “назар бар қадам”, “сафар дар ватан”, “хилват дар анжуман” асосий тамойиллари дастлаб Юсуф Ҳамадоний томонидан ишлаб чиқилган.

9. Бухорони дунёга машхур этган етти пирларнинг биринчиси Абдулҳолиқ Ғиждувоний – Хожаи Жаҳон Юсуф Ҳамадонийнинг шогирдидир. У хожагон таълимотининг давомчиси ҳисобланади. Хожагон таълимотида машхур бўлган Ориф Ревгарий, Махмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Рометаний, Муҳаммад Бобойи Самосий ва Ҳазрат Амир Кулол ҳам Юсуф Ҳамадоний илми ва йўлини давом эттириб, етти пирлар рўйхатидан жой олганлар.

10. Жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган яссавия таълимотининг асосчиси Аҳмад Яссавий тасаввуфий таълимотни Юсуф Ҳамадонийдан ўрганган.

11. Яссавия ва хожагон таълимотининг илғор ғояларини ўз ичига олган нақшбандия таълимотининг асосчиси Бухоронинг еттинчи пири - Баҳоуддин Нақшбанд Юсуф Ҳамадоний ғояларини ривожлантирган. Нақшбандия таълимоти тасаввуфдаги хушёрлик йўли ва хуфия зикрга асосланган таълимот сифатида жаҳоний мавқега эга бўлди.

12. Юсуф Ҳамадонийнинг маънавий меросидаги бунёдкор ғоялар миллий ғоямизнинг энг теран илдизлари бўлиб, ёшларни маънавий иммунитетини шакллантиришга хизмат қилади ва уларни оммавий маданият, ақидапарастлик, диний экстремизм ва терроризм каби ёт ғоялардан асрашга ёрдам беради.

Умумий хулоса қилиб айтиш мумкин-ки, Юсуф Ҳамадонийнинг ҳаёт йўли, маънавий мероси, ўғитлари ҳозирги кунда ҳам ёшлар тарбиясида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бетакрор тарбия мактабидир. Бухорони дунёга машҳур этган етти пирлар ўзларининг устози - Юсуф Ҳамадонийнинг маърифат ёғдусини бойитганлар ва у зот каби комил инсонлар сифатида халқнинг эъзозига мушарраф бўлганлар. Бугунги кунда Юсуф Ҳамадонийнинг Марвдаги “Каъбаи Хуросон” деб улуғланадиган мақбараси, Хоразм ва Бухородаги қадамжолари, унинг ғояларини давом эттирган етти пирлар ва Туркистондаги Аҳмад Яссавий зиёратгоҳлари маърифатга интилувчи инсонлар қалбини нур ва зиёга тўлдираётган табаррук масканлар сифатида қадр-қимматлидир.

## **Иловалар:**

Силсилаи шариф.

1. Сайиди коинот Ҳазрат Муҳаммад Мустафо с.а.в.
2. Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ разияллоху анху.
3. Ҳазрат Салмони Форсий р.а.
4. Ҳазрат Қосим ибн Муҳаммад р.а.
5. Ҳазрат Жаъфари Содик р.а.
6. Ҳазрат Боязид Бастомий қуддиса сирруху
7. Ҳазрат Абулҳасан Харақоний қ.с.
8. Ҳазрат Хожа Али Формадий қ.с.
9. Ҳазрат Абу Юсуф Ҳамадоний қ.с.
10. Ҳазрат Абдулҳолик Ғиждувоний қ.с.
11. Ҳазрат Хожа Муҳаммад Ориф ар Ревгарий қ.с.
12. Ҳазрат Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий қ.с.
13. Ҳазрат Хожа Али ар Рометаний қ.с.
14. Ҳазрат Муҳаммад Бобойи Самосий қ.с.
15. Ҳазрат Сайид Мир Кулол қ.с.
16. Ҳазрат Шохи Нақшбанд Баҳоуддин Увайсий ал Бухорий қуддиса сирруху.
17. Ҳазрат Алоуддин Аттор қ.с.
18. Ҳазрат Яъқуби Чархий қ.с.
19. Ҳазрат Убайдуллоҳ Аҳрор қ.с.
20. Ҳазрат Муҳаммад Зоҳид қ.с.
21. Ҳазрат Муҳаммад Дарвиш қ.с.
22. Ҳазрат Имганакий қ.с.
23. Ҳазрат Муҳаммад Боқибиллоҳ қ.с.
24. Ҳазрат Аҳмад Форух Имоми Раббоний Мужодиддин алфи соний қ.с.
25. Ҳазрат Хожа Муҳаммад Саид қ.с.
26. Ҳазрат Хожа Абдулаҳад қ.с.

27. Ҳазрат Хожа Муҳаммад қ.с.
28. Ҳазрат Хожа Муҳаммад Мусохон қ.с.
29. Ҳазрат Муҳаммад Сиддиқ.
30. Ҳазрат Хожа Мавлоно Ҳусайн қ.с.
31. Ҳазрат Мавлоно Муҳаммад Иброҳим қ.с.
32. Ҳазрат қутби замон Хожа Муҳаммад Валихон қ.с.
33. Ҳазрат Хожа Муҳиддин (бу зоти шариф Ҳазрат Муҳаммад Валихоннинг ўғиллари бўладилар) қ.с.
34. Ҳазрат Муҳаммад Шариф қ.с.



Юсуф Ҳамадонийнинг Туркменистон Республикасининг Мори вилоятидаги зиёратгоҳи.



«Юсуф Ҳамадоний» жоме масжиди Хоразм вилояти Шовот райони  
Бешмерган қишлоғида жойлашган.



Юсуф Ҳамадонийнинг Бухоро шаҳридаги қадамжоси

















## ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Каримов И. А. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили. Т.:Ўзбекистон, 1995.

2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий - ижтимоий ва иқтисодий истиқболнинг асосий тамойиллари: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маъруза, 1995 йил 23 февраль. - Т.: Ўзбекистон, 1996. - Т.3.- Б. 3-54.

3. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси !X сессиясида сўзланган нутқи, 1997 йил 29 август. // Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.- Т.: Шарқ, 1997.

4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.: Ўзбекистон, 1997. - 327 б.

5. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.Т.: Шарқ, 1998.

6. Каримов И. А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Т.:Ўзбекистон.1999.

7. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз.Т.: Ўзбекистон, 2000 й.

8. Каримов И. А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.,”Ўзбекистон”, 2000 й.

9. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., “Ўзбекистон”, 2000 й

10. Каримов И. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008 й.

11. Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида . Т., 2011й.

12. Каримов И. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т.: “Ўзбекистон”, 2015.
13. Абдулхолик Гиждувоний. Рисолаи соҳибийа (ёки Мақомоти Хожа Юсуф Ҳамадоний) / Зикри қалб султони. Бухоро: “Бухоро”, 153-185-бетлар.
14. Абдурауф Фитрат. Яссавий ким бўлган? Танланган асарлар. II жилд. Илмий асарлар. Т.: “Маънавият”, 2000 й.
15. Алишер Навоий. Насойим ул-мухаббат. Мукаммал асарлар тўплами., 17 том, Т., “Фан”-2001 йил.
16. Азизиддин Насафий. Зубдат ул ҳақойиқ– (Ҳақиқатлар қаймоғи). Н. Комилов тарж. Т.: «Камалак», 1996 й.
17. Аҳмад ибн Маҳмуд Бухорий «Муъин ал-фуқаро» «Тарихи Муллозода» (Бухоро мазорлари зикри). Абу Тохирхўжа Самарқандий «Самария». «Янги аср авлоди», 2009 й.
18. Бобохонов И.Ш., Мансуров А. Нақшбандия тариқатига оид кўлёмалар фихристи. Т.: “Мовароуннаҳр”, 1993.
19. Вяткин В. Л., Шейх Абу Юсуф Ҳамадани, — газ. “Туркестанские ведомости”, Ташкент, 1899, № 79.
20. Жуманазар А. Хилват аҳли ёхуд мавлоно Хожаги Имканаги сулуки. Тошкент, 2004, 154 б.
21. Жўшон М.А. Тасаввуф ва нафс тарбияси. Т.: “Чўлпон”, 1998.
22. Зоиров Э., Алимова М. Саломатлик фалсафаси. Т.: “Турон замин зиё”, 2015 й., 163-б.
23. Имом Исмоил Ал - Бухорий. Жомеъ ас-саҳих. Т.1-4. Т.: 1994.
24. Инайят-хан. Суфийское послание о свободе духа. Москва. 1914.
25. Ислом. Энциклопедия: А-Х / З. Ҳусниддинов таҳрири остида – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти, 2003.
26. История Бухары с древнейших времён до наших дней. Ташкент: 1976, 384 б.

27. Комил инсон ҳақида тўрт рисола. Фаридиддин Аттор, Султон Валад, Азизиддин Насафий, Хусайн Воиз Кошифий ижодидан намуналар. /Форс-тожик тилидан Н.Комилов тарж. Т.:“Маънавият” 1997.
28. Комилов Н. Тасаввуф. Т.: “Movarounnahr” - “O’zbekiston”, 2009.
29. Муҳаммад Дорошукух. Сафинат ул – авлиё. Конпур, 1900 й.
30. Мухаммедходжаев А. Идеология накшбандизма. Душанбе. Дониш, 1991.
31. Намозов Б. Хожа Муҳаммад Порсонинг фалсафий таълимоти. Тошкент “Мумтоз”, 2015 й.
32. Носир-ад-дин Тўра ибн Амир Музаффар ал – Ҳанафий ал- Бухорий. Хожа Баҳо-ад-дин Накшбанд ва у киши ҳазратларининг устозлари ҳамда муредлари. Илмий-оммабоп тўплам. Бухоро., 1993 й.
33. Наврўзова Г. “Назар бар қадам” – ҳаётбахш ғоя./ Мулоқот. 2003- №3, 38-40 бетлар.
34. Наврўзова Г. Назар бар қадам/ Мулоқот. 2004- №5, 23-25 бетлар.
35. Наврўзова Г. Накшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Т.:, “Фан”, 2005 й., 232 б.
36. Наврўзова Г. Юсуф Ҳамадонийнинг инсон камолотига оид ғоялари./ Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2006 -№3, 198-201 бетлар.
37. Наврўзова Г. Бухородаги Юсуф Ҳамадоний ирфоний мактаби./ Бухоро мавжлари. 2007 -№3, 32-34 бетлар.
38. Наврўзова Г., Зоиров Э.Х., Юнусова Г. Тасаввуфда инсон ва унинг камолоти масаласи. Т.: “Фалсафа ва ҳуқуқ институти”, 2006 й., 133 б.
39. Наврўзова Г., Юнусова Г. Ўзликни англашда хотиранинг ўрни ва роли. Т.: “Чашма Принт” 2013. 125 б.
40. Нурматова Н. Юсуф Ҳамадоний ва Бухоро тасаввуф тарихи./ “Тарихий хотира – маънавият асоси” мавзусидаги республика илмий – назарий анжумани материаллари. VIII. Бухоро: “Бухоро”, 2015. 209-212 бетлар.

41. Ориф Усмон. Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний. Т.:Мовароуннахр, 2003, 64 б.
- 42.Рахматова С., Қурбонов Ҳ. Бухоро гузарлари тарихидан лавҳалар. “Бухоро” нашриёти, 1995.
- 43.Рисолаи хазрат Азизон. Бухоро: Бухорои шариф, 1327 х.й.
44. Садриддин Салим Бухорий. Баҳоуддин Нақшбанд ёки етти пир. Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2003. 23 б.
- 45.Садриддин Салим Бухорий. Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари.Т.: “Navro’z”, 2015. 360 б.
- 46.Садриддин Салим Бухорий, Самад Азимов. Буюк ғиждувонийлар.(Авлиё ва алломалар) “Бухоро” нашриёти, 2006й.
- 47.Садриддин Салим Бухорий, Самад Азимов. Ҳазрат Боязид Бастомий ёки Навоий вилояти зиёратгоҳлари. Бухоро, “Бухоро” нашриёти, 2010, 207 б.
- 48.Сайид Аҳмад Васлий. Назм ус-силсила. Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2001. 119 б.
- 49.Салоҳиддин ибн Муборак. Анис ат – толибин уддат ас-соликин. Қўлёзма.
- 50.Сафарова Нигора. Хожагон тариқати.Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. 2003. 68 б.
- 51.Саъдий Шерозий. Гулистон. Қўлёзма.
- 52.Сухарева О.А. Квартальная община позднефеодального города Бухары. Москва: Наука, 1976. 365 б.
- 53.Тоҳир Эшон. Тазкираи нақшбандия. Ўз Р ФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, № 856.
- 54.Тримингэм Ж.С. Суфийские ордены в исламе // Перевод с англ. А.А.Ставиской, под редакцией с предисл. О.Ф.Акимушкина. Москва. Наука Глав.ред.вост.лит-ры, 1989 й.
- 55.Файзуллаев О. Нафс, жон ва руҳ (Қуръон, тасаввуф ва фандаги талқинлари) Т.: Akademiya, 2005.

56.Фалсафа: Қомусий луғат (Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров) – Т.: “Шарқ” нашриёт – матбаа акциядорлик компанияси. Бош таҳририяти, 2004 й.

57.Фахруддин Али Сафий. Рашаҳот:(Оби ҳаёт томчилари): Тарихий-маърифий асар. Табдил ва сўнгсўз муаллифи: М. Ҳасаний.-Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашр., 2003.- 536б

58.Хожа Юсуф Ҳамадоний. Инсон ва коинот ҳақида рисола./ Хожа Абдулхолик Гиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Т.:2003 й, 84-87 бетлар.

59.Хожа Юсуф Ҳамадоний.Ҳаёт мезони(Рутбат ул-ҳаёт).-Т.: “Янги аср авлоди”, 2003 й., 63 бет.

60.Хожа Юсуф Ҳамадоний. Одоб тарикати./ Хожа Абдулхолик Гиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Т.:2003 й, 78-83 бетлар.

61.Хожа Абдулхолик Гиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Т., “Янги аср авлоди”. 2003 й., 87 бет.

62.Хўжаи Жаҳон тасаввуфий таълимоти: ворисийлик ва маънавий тараққиёт. Т.: 2003й.

63.Хожа Аҳмад Яссавий. Девоони ҳикмат. Т.:Мовароуннаҳр, 2004й.

64.Хожа Абдулхолик Гиждувоний.Сўзбоши, таржима, луғат ва изоҳлар муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. Т.:, “Ўзбекистон”, 2003 й

65. Шарипова О. Абдухолик Гиждувоний ҳаёти ва тасаввуфий мероси.Т.: “Фан”, 2008 й., 118 б.

66. Шаҳобиддин ибн бинту Амир Ҳамза. Мақомоти Амир Кулол.Тошкент: Ильин, 1328 ҳ.й.

67. Ҳасаний М., Раззоқова М. Хожагон тариқати ва Хожа Ҳасан Андоқий.Т.: 2003 й., 47 бет.

68. Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. Т.: “Шарқ”, 2004 й., 208 б.

69. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланома (“Шарафномаи шоҳий”).Биринчи китоб; -Т.: “Шарқ”, 1999 й.

70. Куръони Карим. А.Мансур таржимаси. Т.: 2001й.

71. Ғаззолий, Имом Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад. Ихёу улумид-дин. Биринчи китоб. Т.: Мовароуннаҳр, 2003 й.

### **Интернет манзиллари :**

1. <http://xorazm.uz/oz/turizm>
2. <http://www.advantour.com/rus/turkmenistan/mary/yusuf-khamadani.htm>
3. [http://www.vostlit.info/Texts/Dokumenty/M.Asien/XV/1440-1460/Chodja\\_Achrar/lit.html](http://www.vostlit.info/Texts/Dokumenty/M.Asien/XV/1440-1460/Chodja_Achrar/lit.html)